

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№5. 2022

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий бобомиз айтганидек, одамларнинг дардига дармон бўлиш – инсонийликнинг олий намунаси эканини унутмаслигимиз, бундай эзгу иш услуби бизнинг нафақат хизмат вазифамиз, виждоний бурчимизга айланиши керак.

Ш.МИРЗИЁЕВ



БЎСТОННИНГ МЎЎТАБАР АЁЛИ

Жиззах бош насос станцияси бошқармасига қарашли насослар ёрдамида Марказий Мирзачўл канали орқали оқиб келаётган сув 40 метр баландликка кўтарилиб, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларининг 112 минг гектар экинзорларига етказиб берилади.



Бир пайтлар зим-зиё чўл бўлган, бугун эса, инсон қўли билан обод ва фаровон масканга айланган кенг ва катта ҳудудда юз минглаб аҳоли умргузаронлик қилмоқда, ғалла, пахта, такрорий экинлардан мўл ҳосил олинаётир, чорва моллари учун тўйимли озуқа етиштириляпти.

Бошқарма тасарруфида бўлган энг сўнгги русумдаги, замонавий ва қудратли механизмларнинг бекаму кўст ишлашини таъминлаш 350 нафардан ортиқ малакали ишчи-мутахассислар зиммасига юкланган. Уларнинг аксарияти кечани кеча, кундузни кундуз демай, йил – ўн икки ой давомида рўзгоридан олисда, оромдан, тантана, тўйу маъракалардан кечиб, вахта усулида ишлайди.

– Кўз тегмасин, жамоамиз аҳил ва иноқ, – дейди бошқарма бошлиғи Анорбой Қўлатов. – Тажрибали, кўпни кўрган, ўз ишининг устаси бўлган мутахассисларимиз етарли. Умидли ёшларимиз ҳам кўпчиликини ташкил этади. Ишимизда барака бўлиши учун сафимизга билимли, уқувли, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан бажаришга тайёр кадрларни саралаб олганмиз.

Айтиш керакки, бошқарма раҳбариятининг худди шу масала – меҳнат жамоасига энг муносиб номзодларни танлаб, ишга қабул қилиш борасида кўнгли тўқ. Боиси, ушбу масъулиятли юмуш ўз лавозимида қарийб 28 йилдан буён ишлаб келаётган малакали мутахассис Хусния Ўтамуродова зиммасига юкланган.

Дарров айтиш жоиз, Х.Ўтамуродова нафақат узок йиллик иш тажрибаси, балки, тўғрисиўзлиги, иш фаолиятида жорий этилган тартиб-қоидаларга амал қилишни ҳам ўзидан, ҳам бошқалардан қатъий талаб қилиши билан ҳамкасблари эътиборига тушган.

Одамлар ундан тортинмай йўл-йўриқ, маслаҳат сўрашади, қувонч ва ташвишларини баҳам кўришади. Энг муҳими, ҳеч ким унинг “даргоҳ”идан норози бўлиб чиқиб кетмайди. Шу сабаб бўлса керак, бугун бутун вилоят бўйлаб опанинг ўгитини

олиб иши юришган, муаммоси ҳал бўлган, муваффақият қозонганларни учратиш – оддий ҳолат...

– Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳайъатининг қарорига кўра, Хусния Ўтамуродованинг жорий йилда нуфузли “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига сазовор бўлгани бутун жамоамиз томонидан олқишлар билан кутиб олинди, – дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Низом Ўролов. – Опани нафақат жамоамиз, балки бутун Жиззах вилояти сувчилари самимий муборакбод этишди. Зеро, воҳамиз ҳудудларида у кишининг дуосини олган шогирдлари кўпчиликини ташкил қилади.

– Жамоамизда 40 нафарга яқин аёллар ишлаймиз, – дея фикр билдиради бошқарма ҳисобчиси Венера Камолова. – Хусния опа ҳаммамизнинг энг яқин одамимизга айланган. У нафақат кадрлар бўлими бошлиғи, балки хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида ҳам чинакам етакчимиз. Ишхонадаги у ёқда турсин, хонадонларимиздаги маърақаю тадбирлар ҳам опасиз ўтмайди, ҳаммасида у киши бошу қош...

Жиззах вилоятида Бўстон деб ном олган, исми жисмига монанд чиройли шаҳарча бор. Жиззах чўлини ўзлаштирувчилар,

сувчилар, ирригатор ва мелиораторлар маскани ҳисобланган ана шу манзил аҳли орасида ҳам лавҳамиз қаҳрамони Хусния опа, у бекаси ҳисобланган хонадон ўзига яраша эътибор қозонган. Бўстонликлар Ўтамуродовларни “зиёлилар оиласи” деб ҳурмат қилишади. Оила соҳиби – Ёқуб ака шифокор, фарзандларининг бири ҳуқуқшунос, икки нафари ота касбини танлаган. Хуллас, халқимиз таъбири билан айтганда – “гулдек оила...”

Суратда: “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси Хусния Ўтамуродова ҳамкасблари даврасида.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА КАВРАК ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САНОАТЛАШТИРИШНИ РАВБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлиги табиий заҳираларини сақлаш, уларнинг қайта тикланишини таъминлаш, маданий усулда каврак плантацияларини яратиш ҳамда қайта ишлаш корхоналари ва уй хўжаликлари ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш, кавракдан олинadиган хомашёни қайта ишлаш ҳамда тайёр ва ярим тайёр маҳсулот сифатида экспортга чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига (кейинги ўринларда – Қўмита) каврак етиштиришни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ўзига тегишли яйлов ер майдонларида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш, самарали тикланишини ва такрор кўпайтиришни ташкил қилишда қўмаклашиш;

республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларига мос бўлган маданий каврак плантациялари ташкил этилишини мониторинг қилиш;

республика ҳудудларида кавракни саноат усулида қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш ва тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қилиш ҳамда маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича шароитлар яратиш.

2. “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмасига (кейинги ўринларда – Уюшма) каврак етиштиришни ривожлантириш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

каврак етиштириш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланadиган хўжалик юритувчи субъектлар фао-

лиятини мувофиқлаштириш, соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, каврак маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш бўйича тизимли ҳамда мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

саноат усулида етиштирилган кавракнинг сотув бозорларини кенгайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

каврак етиштириш соҳасига хорижий мутахассис ва инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

каврак ўсимлигини маданий усулларда кўпайтириш, уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига илмий ишланмаларни кенг жорий қилиш;

каврак ўсимлигининг техник хомашёсини йиғиш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилишгача бўлган жараёнларда жисмоний шахслар ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида кооперацияни ташкил қилиш орқали каврак етиштириш субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

3. Қўмита, “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” ҳамда “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаларининг “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасини “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмасига қўшиб олиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. 2022-2026 йилларда яйлов ер майдонларида каврак плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Қўмита (Б.Қ. Шарипов), Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд,

Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда, мазкур прогноз кўрсаткичларининг ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

5. Қўмита Уюшма билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг каврак ўсиши учун қулай иқлим шароитларига эга ҳудудларида кавракни қайта ишловчи корхоналар, каврак йиғиш ва етиштириш билан шуғулланувчи уй хўжаликлари (жисмоний шахслар) ва каврак кўчатчилиги хўжаликлари кооперациясига асосланган каврак етиштириш кластерлари (кейинги ўринларда – каврак етиштириш кластерлари) ташкил этилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, каврак етиштириш кластерларини ташкил этиш қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

Қўмита, Уюшма ва ташаббускорлар ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи шартнома тузилади;

ташаббускорга яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини сақлаб қолиш, уни маданий усулларда кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация усулида каврак хомашёсини йиғиш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришга оид мажбуриятлар юкланади.

Қўмита мазкур талаблар асосида салоҳиятли инвесторларни жалб этишга шахсан масъул ҳисобланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 майдан бошлаб:

а) Қўмитанинг доимий эгалигидаги ер майдонларида:

ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини ғамлаш (йиғиш) учун квоталар Қўмитанинг буюртмасига

кўра, тўлов эвазига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси асосида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади;

мазкур квоталар доирасида ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлиги хомашёсидан **махсус фойдаланиш учун** ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини четга олиб чиқиш учун **рухсатномалар** Қўмита томонидан **берилади**. Бунда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини ғамлаш (йиғиш) ва четга олиб чиқиш учун рухсатномалар ажратиладиган квотанинг **камида 50 фоизи** ҳажмида маданий плантацияларни барпо этиш шарти билан берилади;

б) Қўмита каврак маҳсулотлари бозор конъюнктураси ва ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилади, шунингдек, **экспорт ҳажмлари мониторингини юритади ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспорт ҳажмини ошириш учун масъул ҳисобланади**.

Қўмита Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **билан биргаликда** мазкур банд талабларидан келиб чиқиб **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг **“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”**ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бунда, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни асраб-авайлаш, уларни қайта тиклаш ва популяциясини кенгайтириш ҳамда ноқонуний йўл билан йиғишнинг олдини олиш чоралари ҳам назарда тутилади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фанлар академияси билан биргаликда **ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини ғамлаш (йиғиш) учун квоталар** Қўмитанинг буюртмасига кўра **2022 йилда 10 майгача**, келгуси йилдан ҳар йилнинг 1 февралигача тасдиқланишини таъминласин.

8. Қўмита ва Уюшманинг:

а) Қўмитанинг доимий эгалигида бўлган ер майдонларидаги каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун **хорижий фуқаролар ва юридик шахслардан олинadиган тўлов**

миқдорини:

“Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби”га киритилмаган **каврак ширасининг (елим) 1 килограмми** учун **тўрт бараварга** ошириш;

“Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби”га киритилган **каврак ширасининг (елим) 1 килограмми** учун **икки бараварга** ошириш;

б) амалдаги тартибга кўра, каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун **хорижий фуқаролар ва юридик шахслардан ундирилиб, тегишинча тақсимланадиган суммаларни сақлаб қолиш**;

в) мазкур бандга мувофиқ каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун **оширилаётган тўлов ундиришдан олинган маблағларни** Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармаси махсус ҳисоб рақамига ўтказиш, улардан **50 фоизини Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ривожлантириш жамғармасига йўналтириш** ҳамда **50 фоизини Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармасида қолдириш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Белгилансинки, Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармаси каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун оширилаётган тўлов ундиришдан олинган маблағларни:

каврак етиштириш кластерлари иштирокчиларига ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга субсидиялар бериш;

ташқил этиладиган маданий плантациялар учун ер майдонларини тайёрлаш, каврак кўчатини харид қилиш ва экиш харажатларининг бир қисmini қоплашга субсидиялар бериш;

каврак етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологиялар, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этиш учун субсидиялар бериш;

Қўмитанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи ходимларни моддий ва ижтимоий рағбатлантиришга йўналтиради.

Қўмита икки ой муддатда каврак етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига субсидиялар бериш тартибини ишлаб чиқиб,

Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Белгилансинки:

а) **2022 йил 1 майдан бошлаб уч йил давомида:**

каврак етиштиришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида **80 фоизини** ташқил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинadиган **фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** ставкалари **50 фоиз** миқдорида қўлланилади;

каврак ўсимлигини етиштирувчилар ва унинг хомашёсини қайта ишловчи корхоналар томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича хориждан импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хомашё, материаллар ва фурнитуралар божхона божидан озод этилади. Бунда, импорт қилинадиган товарларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши тўғрисида экспертиза хулосаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан берилади;

б) Қўмита Уюшма билан биргаликда жун ва каврак маҳсулотлари (ТИФ ТН бўйича 5101–5109, 5602, 570110, 5701109, 1301 90 0000 кодлари) экспорт ҳажмлари мониторингини юритади ва ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш чораларини кўради.

11. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қўмита ва Уюшманинг **2022 йил 1 майдан 5 йил муддатга** каврак ўсимлиги уруғларининг республикадан олиб чиқилишига рухсатномалар берилишини тўхтатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг чегарасига яқин ҳудудларда каврак етиштириш кластерлари томонидан каврак шираси ва уруғини йиғиб олиш учун шароит яратиш юзасидан таклиф киритсин.

13. Қўмита, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлигининг:

Уюшма тизимидаги субъектларда мавсумий ишчиларнинг тўлиқ бир мавсум ишлаган даврини уларга пенсия тайинлаш учун қонунчилик ҳужжатларида тасдиқланган, бир йиллик меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар рўйхатига киритиш;

2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январгача Уюшма тизимидаги субъектларда фаолият олиб бораётган мавсумий ишчилар учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорда ундириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банднинг учинчи хатбошисидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

14. Қўмита Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини асраб-авайлаш, уларни қайта тиклаш ва популяциясини кенгайтириш ҳамда ноқонуний йўл билан каврак йиғишнинг олдини олиш чораларини кўриб борсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Қўмита **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига

ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг раиси Б.Қ.Шарипов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 апрель*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар (хизматлар) билан узлуксиз таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Боғдорчилик агентлиги) мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр

билан **300 миллиард сўм** бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлигига қайтарилган маблағлар ҳисобидан йил давомида Боғдорчилик агентлигининг буюртмаси асосида қўшимча бюджет ссудаси ажратиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Бунда, ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликнинг жами суммаси **300 миллиард сўмдан** ошиб кетмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Белгилансинки, Боғдорчилик агентлиги бюджет ссудаси ҳисобидан: қишлоқ хўжалиги корхоналарига – мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинларни (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги

экинлари) етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун;

қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, шу жумладан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига – етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш бўйича талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчатларни етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш вазифаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис

оператор" давлат унитар корхонасига юклатилсин.

4. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

"Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш қарз шартномаси асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарига **қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетация давридан ортиқ бўлмаган** муддатга йиллик 14 фоиз ставкада амалга оширилади;

мазкур қарор доирасида моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматлари "Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси томонидан биржа савдоларидан харид қилиш ва (ёки) етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаш усули орқали етказиб берилади ва кўрсатилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи, қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга (бундан "Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси мустасно) қарз маблағлари уларни қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси тақдим этилгандан сўнг ажратилади.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича комиссия 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг (Ж.А.Ходжаев) вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қарз маблағлари ажратиладиган йўналишлар ва лойиҳаларни белгилаш;

"Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг етказиб берувчиларини танлаш;

"Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси ва қишлоқ

хўжалиги корхоналари томонидан қарз маблағларидан самарали ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли мониторинг ишларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатишга давлат-хусусий шериклик шартномалари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича Ҳукуматга таклифлар киритиб бориш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) ҳамда Боғдорчилик агентлиги (Х.М.Каримов):

а) Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** мазкур қарор доирасида назарда тутилган қарз маблағларини ажратиш бўйича намунавий шартнома шакллариини ишлаб чиқсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда**:

ҳосилдор уруғ ва кўчат навларини, ўғит ва ўсимликлар ҳимояси воситаларини жойларга етказиб, **дала ярмаркаларини ўтказиш** ҳамда экинларни ер майдонларида **"бир контур – бир маҳсулот"** тамойили асосида жойлаштиришни ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кафолатли харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ишларини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга қадар** 2022 йил тажрибаси натижаларидан келиб чиқиб, мазкур амалиётни янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов), Қишлоқ

хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда ҳар бир ҳудудда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тақдиротлар ва семинарлар ўтказсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини ёритиш бўйича туркум телекўрсатувлар намоиши этилишини доимий ташкил этсин.

10. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-52-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киририлсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъулдорлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 апрель*

ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШ МАВСУМИНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК



Ғўзани парваришлаш мавсумида қуйидаги технологик операциялар бажарилади: ғўза қатор ораларидаги қатқалоқни бузиш (бартараф этиш), бегона ўтларни йўқотиш, эгат тупроғини юмшатиш, суғориш эгатларини очиш ва минерал ўғит солиш ҳамда зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш. Бу операцияларнинг ҳар бири илмий асосда белгиланган қоидалар ва тартибларга биноан адо этилади.

Қатқалоқни бузиш (бартараф этиш). Чигит экилган далаларга кучли ёмғир ёғиб ўтса, тупроқнинг уч сантиметргача қалинликдаги устки қатламида қатқалоқ пайдо бўлади. Чириндиси кам, унумсиз тупроқли пайкалларда қатқалоқ янада қалинлашиб кетади. Унинг тагида қолган тупроқ димикади, нам тез буғланиб йўқолади, тупроқ ичига ташқаридан ҳаво кириши кескин камаяди. Натижада, экилган чигитнинг ўз вақтида униб чиқиши, ёш ниҳолларнинг рисоладагидек ўсиб ривожланиши қийинлашади. Энди униб чиқаётган ниҳолларнинг бир қисми нобуд бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун пайдо бўлган қатқалоқни тезлик билан йўқотиш талаб этилади. Бу тадбир пахтачилик культиваторига қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш орқали амалга оширилади: ротацион юлдузча – 8 комплект (ниҳоллардан 3-5 сантиметр узқликда ва 3-5 см чуқурликда); қамраш кенглиги 165 мм бўлган пичоқлар – 8 та (4 – та чап кесувчи, 4 – та ўнг кесувчи, 6-8 см чуқурликда); ўқёйсимон панжалар – 5 дона (12-14 см чуқурликда).

Ротацион юлдузча ўқларини тез-тез мойлаб туриш керак. Акс ҳолда, ротацион юлдузчалар яхши айланмайди, ниналар қатқалоққа тўла санчилмайди, нина тишлари олдига қаттиқ тупроқ тўпланиб, ёш ниҳолларга шикаст етказилади.

Қатқалоқни юмшатиш анча нозик иш. Шу боис, агрегатларни бошқаришни тажрибали механизаторларга топшириш керак. Шуни айтиб ўтиш лозимки, кучли ёмғирдан сўнг даланинг яхши текисланмаган пастқам жойларига сув йиғилиб, кўлоблар ҳосил бўлади. Улар қатқалоқнинг ҳажмини ҳам, қалинлигини ҳам кўпайтириб юборади. Бунинг олдини олиш учун даланинг ҳамма четки томонларидан ташлама ариқчаларни очиб, сувларни ташқарига оқизиб юбориш чораларини кўриш зарур.

Бегона ўтларни йўқотиш. Мавсум серёғин ва илиқ келганда пахта майдонларида ғумай, ажриқ, саломалейкум, қўйпечак каби бегона ўтлар кўп униб чиқади. Биламизки, ғўза ниҳоллари секин, бегона ўтлар эса тез ривожланади. Чунки ғумай ёки ажриқ аслида бегона эмас – ернинг ўзиники, ғўза эса унинг вақтинчалик “меҳмони”.

Бегона ўтлар тупроқдаги ғўзага аталган озик моддалар (азот, фосфор ва калий) ва намликнинг кўп қисмини ўзлаштириб олади; ўргимчаккана, кузги тунлам, ғўза тунламлари учун озика манбаи ҳисобланади; поялари ва уруғлари билан кузда пахта ҳосилини ифлослантиради, нафақат машинада, балки қўлда териладиган ҳосил сифати ва салмоғини ҳам кескин пасайтириб юборади.

Бундай нохуш ҳолатлар ғўзанинг бутун вегетация даврида бегона ўтларга қарши тизимли кураш чораларини кўришни

тақозо этади. Шундай самарали чоралардан бири – бегона ўтларни ғўза қатор ораларини культивациялаш ва далаларга гербицид эритмасини пуркаш орқали йўқотишдир.

Қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культиваторга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш тавсия этилади: дисксимон юмшаткич – 8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см узқликда ва 6-8 см чуқурликда; пичоқлар-8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см узқликда ва 6-8 см чуқурликда; ўқёйсимон панжалар (ғозпанжалар) – 5 дона, эгатнинг ўртасига 12-14 см чуқурликда ўрнатиш.

Дисклар грядилларга тўғри ўрнатилса, яъни диск ва қатор ўқи орасидаги масофа (ҳимоя зонасининг кенглиги) ва дискнинг бўйлама ўқдан оғиш бурчаги тўғри ростланса, кесилган ва юмшатишган тупроқ эгат томон йўналтирилади, ёш ниҳолларни кўмиб қўймайди.

Эгат тупроғини юмшатиш. Кенглиги 60 см бўлган қатор ораларидан тупроқни қатламлаб юмшатишда 5 дона юмшатувчи панжа 4-6 см чуқурликда ишлайдиган қилиб ва битта ўқёйсимон панжа 12-14 см чуқурликда, қаторлар ораси 90 см бўлганда, ҳар бир қатор орасига 7 дона юмшатувчи панжа 4-6 см чуқурликда ишлайдиган қилиб ва битта ўқёйсимон панжа 14-18 см чуқурликда ўрнатилади. Ўқёйсимон панжалар қаторлар орасининг қоқ ўртасида юрадиган қилиб жойлаштирилади. Қатор ораси 76 см бўлганда УСМФ 7 русумли культиваторларга икки дона диаметри 470 мм бўлган тишли диск, қамров кенглиги 150 мм бўлган беш дона ўқёйсимон панжа ва қамров кенглиги 170 мм бўлган бир дона чуқур юмшаткич жойлаштирилади.

Маълумки, учинчи ва тўртинчи культивациялар ғўза тупларида ҳосил жадал тўпланадиган пайтга тўғри келади. Шу боис, культивациялаш агрегати иш жараёнида ғўза шохларининг синиши, ҳосил мевалари, айниқса, бўлиқ кўсақларнинг урилиб тўкилиши каби шикастланишларнинг олдини олиш зарур. Бунинг учун трактор ғилдиракларига ҳимоя тўсиқлари, орқа ўқи тагига тунукадан ясалган силлиқ туп йўналтиргичлар ўрнатилади, культиваторнинг кўндаланг рамаси юмшоқ материал билан, грядиллари эса сўйри, ташқи шакли “балиқ сирти”га ўхшатиб ғилофланади. Ғўзалар ривожланиб, бўлиқ кўсақлар пайдо бўлганда культиваторларни ҳимоя воситаларисиз ишлатиш асло мумкин эмас!

Суғориш эгатларини очиш ва минерал ўғит солиш. Суғориш ариқларини очиш билан бир вақтда тупроққа ўғит солиш учун культиваторларга ўғит сошиқлари ва эгаточгичлар ўрнатилади. Эгаточгичлар қаторлар орасининг

маркази бўйлаб юрадиган қилиб жойлаштирилади. Қатор оралиғи 60 см бўлган далалардаги ўсимликларни биринчи озиклантиришда ўғит сошниклари қўчатлардан 15-18 см масофада, 12-14 см чуқурликка ўрнатилади. Иккинчи ўғитлашда масофа 18-20 см гача, чуқурлик эса 14-16 см гача оширилади. Сўнгги ўғит комбинациялашган иш органлари ёрдамида қатор оралиғининг ўртасига берилади. 90 см қатор оралиқларида биринчи ўғитлашда сошниклар қўчатлардан 15-18 см, иккинчи ўғитлашда – 20-22 см ва учинчи ўғитлашда – 28-30 см масофада жойлаштирилади. Сошникларнинг юриш чуқурлиги биринчи ўғитлашда 12-14 см, кейингиларида – 14-16 см ни ташкил этади.

Зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш. Зараркунанда ва касалликларга қарши курашда кимёвий эритмаларни далага сепиш учун ҳозирги кунларда ОВХ-600, VP-1 каби вентиляторли ва ОШХ-12-1А каби штангали пуркагичлар ишлатилмоқда. Пуркагични ишлатишга тайёрлаш ва ростлаш қуйидагича амалга оширилади: регулятор ва насосдаги мойнинг сатҳи текшириб кўрилади, паст бўлса меъёрига етказилади; айланувчи деталларга эга бўлган узел корпусларидаги болтлар қайта маҳкамланади; ишчи органларини ҳаракатга келтирадиган механизмлар-

нинг созлиги текширилади; насос бераётган ҳаво босими манометр билан ўлчаб кўрилади. У 3-4 кг/см² оралиғида бўлиши керак; вентилятор кожухида ва резина шлангларида тешиклар бўлмаслиги лозим.

Машинани қаторлар орасига биринчи марта киритишдан олдин уруғ экиш даврида сеялка юрган йўналишни белгилаб олиш ва агрегатни ҳар доим ана шу йўналиш билан юргизиш шарт. Акс ҳолда, ғўза туплари шикастланади ва нобуд бўлади. Ғўзага заҳарли кимёвий моддалар пуркаш ишини эрталаб ва кечкурунги пайтларда амалга ошириш тавсия этилади. Иш пайтида шамолнинг тезлиги секундига 3-5 метрдан ошмаслиги лозим. Бу талаблар бажарилса, себилган препаратнинг ўсимликларга таъсири юқори бўлади, барглари сатҳидан тезда парланиб йўқолмайди.

Вентиляторли пуркагич билан ғўза тупларига ишлов беришда эритма фақат ўсимликнинг тепа қисмига сепилади, пастки қисмлари қуруқлигича қолади-ишлов бериш самараси пасаяди. Ғўза туплари қалинлашиб ва ривожланиб кетган бўлса, уларга кимёвий ишлов бериш ёки суспензия усулида озиклантиришда штангали пуркагичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Демак, юқоридаги тавсияларга амал қилинса, ғўзани парваришлаш мавсумини сифатли ўтказиш ва ғўза тупларида режадаги пахта ҳосилини тўплашга эришилади.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д.,
Абдирасули ИБРАГИМОВ, т.ф.д.
ҚХМИТИ.



ҚИЗИЛТЕПАДА ЭНДИ ҒЌЗА ҲАМ ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИЛАДИ

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли сувни тежайдиган технологиялар Навоий вилоятида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бу борада қизилтепалик фермерлар ҳам қараб тургани йук. Шундай ташаббускорлардан бири “Янги аср” фермер хўжалиги раҳбари Ж. Ҳамроевдир. Унинг фермер хўжалигида айни пайтда туркиялик ҳамкорлар билан 160 гектар майдонда ғалла, 80 гектар майдонда арпа ёмғирлатиб суғорилмоқда. Бунинг натижасида чўлда яшил ҳудуд яратилишига эришилди.



Бу натижалар билан тўхтаб қолмаган фермер эндиликда Ўзбекистон шароити учун кам учрайдиган янгилик - ғўзани ёмғирлатиб суғоришни йўлга қўйди. Айни пайтда чўл ерларида 20 гектар ерга чигит қадалган ва униб чиқишни бошлаган. Шунингдек, 10 гектарга экилган соя ва 20 гектарга экилган маккажўхори ҳам ёмғирлатиб суғориш орқали парваришланади.

БОШОҚЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА

Ғалла парваришида амалга ошириладиган долзарб агротехник тадбирлар

Республикаимизда бу йил баҳор ойларида об-ҳавонинг мураккаб келди. Март ойида 15-20 кунлаб тинимсиз ёмғир ёғиши оқибатида ғалла майдонларидаги бегона ўтлар жадал ривожланди ва уларга қарши ўз муддатида кураш чоралари қўрилди. Ғаллани озиклантириш ишлари озроқ кечикиб амалга оширилишига қарамасдан, апрель ойининг 1-2 декадасида ҳаво ҳарорати кескин исиб кетиши ғалла ниҳолларининг тез ривожланишини таъминлади. Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ғалла ниҳолларининг парваришида қўлланилаётган агротехник тадбирлар мутахассислар билан келишилган ҳолда уларнинг тавсияларига асосан, айниқса, ғалла ҳосили тақдири ҳал бўладиган май ойида ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этмоқда.

Бу даврда ғалла экилган майдонларида ўсимликлар эрта экилган ҳамда эртапишар навларда тўла бошоқлаш-гуллаш, ўрта ва кечпишар навларда эса бошоқлаш фазасига тўғри келади.

Май ойида ғалла парваришида асосий тадбирлардан бири бу гектарига физик ҳолда 200-250 кг. меъёрга аммиакли селитра азотли ўғити билан озиклантириш ҳамда 2-3 марта енгил 550-600 м³ ҳисобида намма-нам суғориш ишларини сифатли амалга оширишдир.

Бунда тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ғаллазордаги намликни чекланган дала нам сиғимига нисбатан (ЧДНС) 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш зарур. Тўла бошоқлаган ғалла майдонларида ўсимликни баргдан озиклантириш мақсадида гектарига 10-12 кг. дан карбамид минерал ўғити эритмаси суспензиясини ҳамда тавсия этилган таркибда гумин моддаси бўлган биоўғитлар билан биргаликда баргдан озиклантирилиши дон ҳосили ҳамда сифатига ижобий таъсир этади.

Баҳор ойида ҳавонинг салқин, серёғин келиши ва ҳароратнинг паст бўлиши ва намликнинг юқори бўлиши ғаллазорларга салбий таъсир кўрсатади.

Замбуруғли касалликлардан бири сариқ занг касаллиги бўлиб, касаллик жуда тез тарқалиб, оптимал ривожланиши учун ҳаводаги намлик 80-85 фоиз, ҳарорат 25-27°C бўлганда ўсимликнинг барг тўқималарини кучли зарарлаши ва кенг тарқалиш фотосинтез жараёнининг бузилиши натижасида ҳосилдорликнинг 30-35 фоизга йўқотилиши кўп йиллик тадқиқотларда кузатилган.

Кўнғир занг касаллиги намлик юқори бўлиб, ҳарорат 28-32°C бўлганда оптимал тез ривожланиб, ғалланинг гуллаш ва сут пишиш фазасида кучли зарарлаб, зарарланган ғалла барглари бўжмайиб, қурийдик, бошоқдаги донлар миқдори камайиб, дон тўлишмайди ва дон ҳосилига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган касалликларга қарши курашда қўлланиладиган агротехник тадбирлардан касалликлар тарқалиши хавфи бўлганда ғалла майдонларига Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган қуйидаги кимёвий препаратлардан Цериакс плюс 14.4% к.э. 1.0 л/га, Титул Про 40%/эм.к.0.25л/га, Альто Супер 33% эм.к.0.3 л/га, Azote 320 SC 0.75-1.0 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э. 0.3 л/га, Титул Дуо к.э. 0.2 л/га, Топ Кроп 40% к.э.к. 0.25-0.3 л/га, Титул Микс 40% к.э.к. 0.2 л/га, Диканазол 40% к.э. 0.2 л/га меъёрга, 250-300 литр ишчи эритма ҳисобида ўтказиш тавсия этилади.

Фунгицид ишлатишда системали таъсир этувчи фунгицидлар гуруҳларидан фойдаланиш зарур.

Ғалла майдонларида ихтисослашган зараркунандалардан энг кенг тарқаладиган ғалла шираси, шиллик курт (пьявица), зарарли хасва ва поя арракаши бу йилги баҳорнинг март ойида

серёғингарчилик ҳамда апрел ойида кунларни кескин исиб кетиши оқибатида ҳашаротларнинг тез ривожланиши учун қулай бўлиб, уларни ғалла майдонларида кенг тарқалиши кутилмоқда.

Зарарли хасва эрта тарқалган даврларда қишлоқдан чиққан етук ҳашароти ғалла ниҳолларини найчалаш даврида пояларини сўриб кучли зарарлаши ҳамда ғалланинг сут пишиш даврида тухумдан чиққан личинкалари бошоқнинг то мум пишиш давригача сўриб зарарлаши натижасида ҳосилнинг 20-25 фоизини йўқотибгина қолмай, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳам кескин пасайишига сабаб бўлади.

Ҳаво ҳароратини паст ва намгарчилик келган йилларда ғалланинг ривож кечиккан даврларда унга энг катта зарар келтирувчи шилликкурт (пьявица) ва ғалла арракашидир. Шилликкурт (пьявица) барг пластинкалари билан озикланиб, баргдаги хлорофил дончаларини еб битириб, ўсимликда фотосинтез жараёнининг тўхташига олиб келса, ғалла арракаши етук ҳашароти поянинг бўғимига тухум қўйиб, личинкаси ўсимликни поясини ичини кемириб улғаяди натижада ўсимлик пояси нобуд бўлади.

Ғаллазордаги ихтисослашган зараркунандаларга қарши, иқтисодий зарари меъёридан ортиқ бўлса, Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган кимёвий воситалардан зараркунанда, ҳашаротлар (шира, трипс, ғалла арракаши, хасва, шилликкурт) га қарши Имитрин 20% эм.к. 0,1 л/га, Атилла супер 10% эм.к. 0,15 л/га, Далате плюс 10% эм.к. 0,1 л/га, Караче супер 20% н.нук. 0,2 л/га, Киллер экстрa 10% эм.к. 0,1 л/га, Агрофос-Д 55%/эм.к. 0,5 л/га, Дуэт 55% эм.к. 0,5 л/га. препаратлари билан 250-300 литр ишчи эритмасини тайёрлаб ишлаш ўз самарасини беради.

Бунда касаллик ва зараркунанда, ҳашаротларнинг тарқалиш ўчоқларига барча турдаги штангали, ОБХ пуркагичлар билан ўз муддатида, сифатли амалга ошириш талаб этилади. Ушбу ишларни амалга оширишда ғалла пайҳонгарчилигига йўл қўймаслик учун уларни уйғунлашган ҳолда фунгицид ҳамда инсектицидларни бирга қўшиб ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кимёвий ишлов бериш жараёнида тут ипак курти озуқаси бўлган тутзорлардан масофа сақлаган (50-60 метр) ҳолда эҳтиёт чораларини қўриш зарур.

Республикада уруғлик учун экилган ғалла майдонларида навларнинг наводорлигини аниқлаш мақсадида уруғлик далаларни апробацияга тайёрлаш, ғалла майдонларида соҳа мутахассислари ва селекционер олимлар билан биргаликда ғаллани бошоқлаш ҳамда сут, мум пишиш даврида икки марта навга хос бўлмаган бегона нав, тур хилларидан ҳамда бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Етиштирилган дон ҳосилини ўз вақтида сифатли амалга ошириш ва дон нобудгарчилигининг олдини олишни таъминлашда бугунги кунда ўрим-йиғим техникаларини таъмирлаш, мавсумга тайёрлаш ҳамда қўриқдан ўтказишни амалга ошириш ҳам бу шу кунлар энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ғалла парваришида май ойида амалга оширилиши энг зарур бўлган мазкур агротехник чора-тадбирларни ва ўрим-йиғим техникаларни таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосили олишга замин яратади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
ДДЭИТИ директори, қ.х.ф.д.,
РФА академиги.

СОҲИБКОРДАН ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Сабзавот ва полиз экинлари етиштиришда май-июнь ойларида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Баҳорнинг сўнгги ойида асосий муддат учун сабзавот ва полиз экинлари уруғ ва кўчатларини экиш ишлари тугалланиши лозим. Экиш ишлари якунига етказилгандан сўнг асосий эътибор ўсимлик қатор ораларига ишлов беришга, чопиқ ва культивация қилиш, тавсиялар асосида ўз муддатида ва меъёрида озиклантириш, ўсимлик талабидан ва тупроқдаги намликдан келиб чиқиб суғориш ишларини ташкил этиш лозим. Шу билан бирга, кунлар исиши билан сабзавот, полиз ва картошка экинларига турли касаллик ва зараркунандалар зарар етказа бошлайди, шу сабабли, қарши кураш чораларини амалга ошириш талаб этилади.

Полиз экинлари экишни ташкил этиш. Май ойи тарвуз ва қовуннинг кечки навларини экишнинг энг мақбул муддати ҳисобланади. Республиканинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларда 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда 10-20 июнда, шимолий минтақаларда 20-30 майда экиш тавсия этилади.

Қовун ва тарвуз уруғлари ёки кўчатлари (210+70):2х70 см, (270+90):2х70 см экиш схемасида, 3-6 см чуқурликка экилади.

Уруғи билан экилган тавуз ва қовун уруғлари экилган уяларни чириган гўнг, шоли қобиғи, ёғоч қириндилари билан мулчалаш тупроқни қатқалоқ бўлишининг олдини олади ва уруғнинг тез ва сифатли униб чиқишини таъминлайди.



Парваришlash ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва иккинчиси биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиққач, 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлгандан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, сув берилади, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4-5 марта культивация қилинади ва палакларни пуштага тўғрилаб турилади.

Қовуннинг суғориш вақтини тўғри белгилаш учун тупроқ намлигига ҳам эътибор бериш лозим бўлиб, бунда ҳайдалма қатлам устидаги нам сифими гулга киргунча 55%, ундан кейин 65% бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг кўпчилик туманларида қовун экини суғориладиган ерга экилади. Бўз тупроқли ерларда ўсув даврида экинларнинг ҳар гал гектарига 400-500 м³ ҳисобидан 8-9 марта суғориш кифоя. Сизот суви юза жойлашган даладарда эса бўз тупроқли ерларга қараганда камроқ 4-5 марта суғорилади.

Ўсув даврида қовун экинларини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилни ошириш гаровидир.

Майсалар кўрингандан кейин биринчи чопиққа қадар экинлар 1-2 марта суғорилади. Биринчи чопиқ тугаллангандан кейин экин 20-25 кунгача сувдан қантарилади.

Ушбу экинлардан юқори ҳосил олиш учун гектарига 225 кг азот, 225 кг фосфор ва 150 кг калий, органик ўғитлардан гектарига 25 тонна солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70-75% асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25-30% ва азотнинг 50% экиш олдидан берилади: азотли ўғитнинг 50% экинлар уч-тўрт барг чиқаргандан кейин эгатларга 10-12 см чуқурликка солинади.

Қовоқ ҳам бошқа полиз экинлари сингари иссиқсевар ҳисобланади. Экиш учун “Испанская-73”, “Палов каду-268”, “Кашкарская-1644”, “Ширинтой”, “Нон кади”, “Баҳодир”, “Стофунтовая” навлари тавсия этилади.

Қовоқ экинидан мўл ҳосил олиш учун юқори сифатли, нав жиҳатидан тоза уруғлар экилиши керак. Экиш учун йирик, оғир вазнли уруғлардан фойдаланилади. Бунинг учун уруғ 3-5 минут мобайнида ош тузининг 3-5 фоизли эритмасига солинади (95-97 мл сувга 3-5 г ош тузи). Эритма тагига тушган уруғлар қолдирилиб, юзасига қалқиб чиққанларидан фойдаланилмайди. Уруғни экиш ишлари 10 майга тугалланиши лозим.

Экиш кенг пушталаб икки қаторли лентасимон усулда экилади. Бунда суғориш ариқлари кенглиги 70 ёки 90 см қилиб олинади. Эгатлар оралиғи фойдаланадиган трактор филдираклари оралигининг кенглигига боғлиқ. (290+70)/2х90 см экиш схемаларида экилади. Бунинг учун ҳар бир уяга 4-5 та дондан уруғ ташланиб, ҳар гектарига 3-5 кг меъёрда уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4-6 см ни ташкил этади.

Қовоқни парваришlash қатқалоққа қарши кураш ва кўчат хатосини қайта экишдан бошланади. Ниҳоллар икки марта яғана қилинади, бунда биринчиси 1-2 чинбарг ҳосил қилганда, ҳар уяда 2-3 та ўсимлик қолдириб, иккинчиси 3-4 чинбарглари пайдо бўлганда, ҳар бир уяда 1-2 та ўсимлик қолдирилади. Ўсимликка биринчи яғанадан сўнг комплекс ишлов берилади, суғорилади, қатор ораси ва пушта культивация қилинади ва чопилади. Ўсимлик 3-4 чинбаргли бўлганда иккинчи комплекс ишланади ва озиклантирилади.

Қовоқ ерости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб 3-4 дан 6-7

мартагача суғорилади. Ўсиш даврида биринчи ва иккинчи чопикдан сўнг бир марта, сўнг мева пишишигача ҳар 10-14 кунда, мева пишиш даврида эса ҳар 15-20 кунда суғориб турилади. Суғоришда ҳар гектарига 600-700 м³ сув сарфланади. Қовоқ экилган далада 2-3 марта ўсимлик палаклари пуштага тўғрилаб чиқилади, 2-3 марта бегона ўтлардан тозаланади ҳамда меваларнинг жойлашиш ҳолати ўзгартирилади, яъни сувга ёки захда қолиб кетмаслиги керак.

Қовоқ етиштиришда эскидан фойдаланиб келинаётган ерларга гектарига 20-40 тонна чириган гўнг солиш зарур. Бўз тупроқли ерларда ўстирилса, гектарига таъсир этувчи модда ҳисобида $N_{100-150}$, $P_{100-150}$, K_{50-60} кг ҳисобида; ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда $N_{100-120}$, $P_{100-120}$, K_{50-60} кг ҳисобида солинади. Янги ўзлаштирилган ерларга ва бедапоядан бўшаган ерларга биринчи йили қовоқ экилганда азотли ўғитлар берилмайди, фосфор эса гектарига 100-150, калий 50-60 кг солиш тавсия этилади.

Ушбу ойда турли сабзавот экинлари ҳосили пишиб етилади шу сабаблари ҳосилни ўз муддатида йиғиб олиш ва тақририй экин учун ер майдони тайёрлаш ишларини ташкил этиш лозим.

Уруғлик картошкани экишга тайёрлаш. Картошкани ёзги муддатда етиштириш учун уруғликни экишга сифатли тайёрлаш лозим. Картошка ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилни 12-15% ошириб, 10-15 кун эрта пишишига имкон беради.

Уруғлик картошкани ундиришга қўйиш олдиан сараланиб, чириган, эзилган ҳамда касалга чалинганларидан ҳоли қилиниб, соғлом тоза туганаклар ундириш хоналарига қўйилади.

Маҳаллий шароитда тайёрланган уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30-35 кун олдин, четдан келтирилган уруғликлар 20-25 кун илгари қўйилади.

Ундириш хонасида ёруғлик ва 18-22°C даража иссиқ ҳарорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда-йириклигига қараб (40-60, 60-80, 80-100 г) саралаб ундириш хонанинг полларига, сўкчакларга (стеллаж) 2-3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кг яшиқларга қўйиш лозим. Уларнинг яшил нишлари экиш давригача 0,5-1 см дан ошиқ ўсиб кетишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда қўйиб кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3-4 см гача

ўстириб экилса ундан ҳам яхши бўлади. Уруғликлар катта-кичикларига қараб алоҳида экилади. Бунда ўсимликларни ердан униб чиқиши, ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил етилиши бир хил бўлишини таъмин этади.

Оғирлиги 100 г дан катта туганакларни баҳорда экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади. Туганаклар кесилганда уларнинг униб чиқиши бироз кечикади.

Ҳосилни йиғиб олиш. Йиғим-теримда саримсоқнинг механик шикастланишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда, маҳсулот сифати пасаяди, сақланиши ёмонлашади. Кичик майдонлардаги ҳосил қўлда йиғиб олинади. Агар катта майдонларда бўлса, лавлаги ковлагич (свеклоподъемник), картошка ковлагич, пиёз ковлагич (ЛКГ-1,4) ва бошқа машиналар ёрдамида ковланади ва ҳосил барги билан бирга қўлда йиғиштирилиб тўпланади. Саримсоқдан гектарига 10-15 тонна ва ундан ортиқ ҳосил олинади.

Сабзи ҳосилини белгиланган календарь муддатларда йиғиб олиш керак. Баҳорги сабзи экинлар учун энг мақбул йиғим-терим вақти май ойининг охири ва июнь ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади.

Ушбу муддатларга риоя қилмаслик ҳосилни катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Кечиктирилган ҳосил билан сабзи таъми ёмонлашади, илдизмевалари дағал, ширасиз бўлиб қолади, анча кейин аҳоли ушбу маҳсулотлар билан таъминланади. Йиғим-терим вақти кечиктирилганда, сабзи чириб, айнишни бошлайди ва ҳосил йўқотилиши 5-10 фоизга етиши мумкин. Бундан ташқари, кичик қўшимча илдизчаларнинг шаклланиши ва илдизмеваларнинг қаттиқ ёрилиб кетиши кузатилади. Ушбу муддатда йиғиб олинган сабзи узоқ муддат сақлашга мойил эмас, шу сабабли имкон қадар қисқа муддатда истеъмолга чиқариш тавсия этилади.

Сабзи ҳосилини йиғиштириш пайтида илдизмеваларнинг очиқ ҳавода камроқ қолишини ҳаракат қилиш керак, сўлган илдизмевалар ўз кўринишини йўқотади.

Оқбош қарам асосан қўл кучи ва маҳсул машиналар ёрдамида узиб олинади. Оқбош қарам 2-4 дона барги билан узиб олинади. Эртаги қарам сақлашга мойил эмас, шунинг учун уни узиб олиб, дарҳол истеъмолга чиқариш зарур.

Гулқарам ҳосилини йиғиш ҳар 6-8

кунда амалга оширилади. Ҳосилни йиғишда сочилиш бошланишига яқин ҳолатда турган бошлар пичоқ билан узилади. Узишда гулпоянинг бироз қисми бошда қолдирилади. Товар бошлар яшиқка бир қатор қилиб шундай жойланадики, бунда уларнинг маҳсулдор қисми юзага имкон қадар камроқ тегиши лозим. Эртаки муддатда экилган гулқарам ҳосили апрел-май ойида пишиб етилади.



Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш

Юқорида таъкидланганидек, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши сабзавот, полиз ва картошка экинларини - оққанот, коларадо қўнғизи, полиз шираси, ўргимчаккана, зангкана, қарам ширалари каби хашаротлар, касалликлардан замбуруғли касалликлар (қўнғир доғланиш, сохта ун-шудринг ва вирусли) ўсимликларга зарар етказиб бошлайди.

Шу сабабли, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирларини тавсия асосида олиб бориш тавсия этилади.

Оққанотнинг 2 тури кенг тарқалган бўлиб, қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа экинларни жиддий зарарлайди. Хашаротга қарши 25% Апплаудан - 0,5 кг/га, 25% Циперметриндан - 0,3 л/га, 48% Калипсодан - 0,1-0,15 л/га, 57% Фуфанондан - 2,4 - 3,6 кг/га ҳисобида пуркаш лозим.

Ўргимчаккана ҳаммахўр зараркунанда ҳисобланиб, у 250 дан ортиқ ўсимликларни зарарлаб, сабзавот экилган ўсимлик ҳосилининг 50% га яқинини йўқотиш мумкин. Ўргимчаккана, зангканаларга қарши очиқ ва ёпиқ майдонларда Омайт, 57% к.эм. - 1,5 л/га (етук зотига, личинкасига); Вертимек, 1,8% эм.к. - 0,3-0,4 л/га (етук зотига, личинкасига) қўллаш зарур.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошкачилик ИТИ.**

ГУРУЧ МЎЛ БЎЛИШИ УЧУН...

ёки ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларига мос эрта, ўрта ва кечпишар шоли навларини танлаш ва агротехник тадбирлар хусусига



Шоли ҳосилдорлиги ва дон сифатини ошириш, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли истиқболли шоли навларини танлаш ҳамда вилоятлар кесимида жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Янги яратилган ва районлаштирилган шоли навларини минтақалар тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда экиш муддатлари, асосий ва такрорий экинда уруғидан ҳамда кўчатидан экиш меъёрлари, минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда сув билан таъминланиш тартибларини ишлаб чиқиш шוליчилилик соҳасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмийтадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Мазкур қарорнинг 5-6-банди топшириқларининг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йил ҳосили учун 21 минг 134 гектар майдонлар шоли экиш учун лазерли ер текислагичлар билан текисланган бўлса, 6 минг 839 гектар майдонлар кўчат усулида экиш механизмларида экилди. Шунингдек, шоли майдонларининг 1476 гектарида эксперимент тариқасида зовур сувларидан фойдаланган ҳолда, қолган майдонларда эса тунда сув бермаслик ҳамда анъанавий суғориш усулларида шоли етиштириш тизимлари йўлга қўйилди.

Шоличилилик илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари томонидан яратилган шоли навларини етиштириш агротехникаси бўйича вилоятлар кесимида навларни экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича жойлаштириш тавсиялари куйида кўрсатилган.

Эртапишар шоли навлари: “Гулистон” нави экиладиган минтақалар Тошкент вилоятида экиш муддати асосий экин-да 1-10. VI, такрорий экин-да 25.VI — 10. VII, ўсиш даври 90-95 кун, ўсимлик бўйи 85-90 см, рўвак узунлиги 16-17,5 см, ўрим даври сентябрь ойи, гуруч чиқиши 65-70%, гектаридан 5,0-5,5 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 12000-14000 м³, суғориш даври 25.VI-01.IX, ўғитлаш даври

I-озиклантириш 01.VII, II-озиклантириш 05.VIII, ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{90}K_{90}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 26.VI-01.IX, ҳосилни йиғиш даври сентябрь ойи. Қорақалпоғистон Республикасида экиш даври асосий экин-да 20-30. V, такрорий экин-да 15-25.VI.

Шолининг “Санам” нави экиладиган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун экиш даври асосий экин-да 25-30. V, такрорий экин-да 15-25. VI, ўсиш даври 90-95 кун, ўсимлик бўйи 100-104 см, рўвак узунлиги 19-21 см, ўрим даври сентябрь, гуруч чиқиши 69-70%, гектаридан 5,5-6,0 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 12000-14000 м³, суғориш даври 25.VI-01. IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 01.VII, II-озиклантириш 05.VIII, ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{90}K_{90}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 26.VI-01.IX, ҳосилни йиғиш даври сентябрь ойи.

“Нукус-2” нави экиладиган минтақалар Хоразм вилояти учун экиш даври асосий экин-да 10-20. V, такрорий экин-да 15-25.VI, Сурхондарё вилояти учун асосий экин-да 30.V -10.VI, такрорий экин-да 15.VI -01.VII, ўсув даври 105-110 кун, ўсимлик бўйи 85-90 см, рўвак узунлиги 16-17см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 71-72%, гектаридан 7,5-8,0 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 12000-14000 м³, суғориш даври 25.VI-01.IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 05.VII, II-озиклантириш 05.VIII, ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{90}K_{90}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 4 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 26.VI-01.IX, ҳосилни йиғиш даври сентябрь-октябрь ойи.

Маҳаллий “Оқ қилтиқ” ва “Бугдой бошоқ” навлари экиладиган минтақалар Фарғона, Андижон вилоятлари учун экиш даври асосий экин-да 10-20. V, такрорий экин-да 15-25. VI, ўсиш даври 90-110 кун, ўсимлик бўйи 90-110 см, рўвак узунлиги 16-18 см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 69-80%, гектаридан 40-55 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 12000-14000 м³, суғориш даври 25.VI-01.IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 01.VII, II-озиклантириш 05.VIII, ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{90}K_{90}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 4 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 26.VI-01.IX, ҳосилни йиғиш даври сентябрь-октябрь ойи.

Ўртапишар шоли навлари: “Искандар” нави экиладиган минтақалар Хоразм вилояти учун экиш даври асосий экинда 10-20. V, такрорий экинда 15. VI -01.VII, Сурхондарё вилояти учун асосий экинда 20-30.V, такрорий экинда 15.VI -01.VII, Сирдарё ва Тошкент вилояти учун даври асосий экинда 20-30. V, такрорий экинда 15. VI -01.VII, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учун даври асосий экинда 20-30. V, такрорий экинда 15. VI -01.VII, ўсув даври 118-122 кун, ўсимлик бўйи 120-125 см, рўвак узунлиги 18-20 см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 70-71%, гектаридан 9,0-9,5 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 14000-17000 м³, суғориш даври 10-30.V-05. IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 15.VI, II-озиклантириш 20.VII, ўғитлаш меъёри $N_{150}P_{120}K_{120}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 10-30. V-05.IX, ҳосилни йиғиш даври сентябрь-октябрь ойи.

Шолининг “Тантана” нави экиладиган минтақалар Сурхондарё вилояти учун асосий экинда 10-15.V, такрорий экинда 15.VI -01.VII, Сирдарё ва Тошкент вилояти учун даври асосий экинда 10-25. V, такрорий экинда 01.VI -15.VI, ўсув даври 125-128 кун, ўсимлик бўйи 128-130 см, рўвак узунлиги 18-20 см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 71-73%, гектаридан 9,0-9,3 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 14000-17000 м³, суғориш даври 10-30.V-05. IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 15.VI, II-озиклантириш 20.VII, ўғитлаш меъёри $N_{150}P_{120}K_{120}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 10-30. V-05.IX, ҳосилни йиғиш даври сентябрь-октябрь ойи.

Кечпишар шоли навлари: “Мустақиллик” нави экиладиган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун тавсия этилмайди, Сирдарё ва Тошкент вилояти учун даври асосий экинда 20-30. IV, такрорий экинда (қўчат усулида) 25. IV -01.V, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учун даври асосий экинда 20-30. V, такрорий экинда 25.IV -01.V ўсув даври 137-142 кун, ўсимлик бўйи 130-133 см, рўвак узунлиги 18-19 см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 69-70%, гектаридан 9,5-9,8 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 17000-18000 м³, суғориш даври 20.IV-05.IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 25.V, II-озиклантириш 30.VII, ўғитлаш меъёри $N_{180}P_{120}K_{150}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 20.IV-05.IX, ҳосилни йиғиш даври октябрь ойи.

“Лазурный” нави экиладиган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун экиш даври асосий экинда 25.IV-05.V, Сурхондарё вилояти учун асосий экинда 01-10.V, такрорий экинда 25.V-15.VI, Сирдарё ва Тошкент вилояти учун экиш даври асосий экинда 25.IV-05.V, такрорий экинда 25. IV -01.V, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учун даври асосий экинда 25. IV -05.V, такрорий экинда 20-30.V, ўсув даври 128-132 кун, ўсимлик бўйи 115-120 см,

рўвак узунлиги 22-24 см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 70%, гектаридан 6,5-7,0 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 17000-18000 м³, суғориш даври 30.IV-01.IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 25.V, II-озиклантириш 30.VII, ўғитлаш меъёри $N_{180}P_{120}K_{150}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 30.IV-20.IX, ҳосилни йиғиш даври октябрь ойи.

Шолининг “ЎзРОС 7-13” нави экиладиган минтақалар Сурхондарё вилояти учун асосий экинда 30.IV-10.V, такрорий экинда 25.V-01.VI, Сирдарё ва Тошкент вилояти учун экиш даври асосий экинда 20.IV-30.IV, такрорий экинда 25. IV -01.V, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учун даври асосий экинда 20-30. IV, такрорий экинда 25. IV-01.V, ўсув даври 135-140 кун, ўсимлик бўйи 120-130 см, рўвак узунлиги 18-20 см, ўрим даври октябрь, гуруч чиқиши 72-73%, гектаридан 8,5-9,0 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 17000-18000 м³, суғориш даври 20.IV-10. IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 30.V, II-озиклантириш 30.VI, ўғитлаш меъёри $N_{180}P_{120}K_{150}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 30.IV-20.IX, ҳосилни йиғиш даври октябрь ойи.

“Тарона” нави экиладиган минтақалар Сурхондарё вилояти учун асосий экинда 30.IV-10.V, такрорий экинда 25.V-10.VI, Сирдарё ва Тошкент вилояти учун экиш даври асосий экинда 20.IV-30.IV, такрорий экинда 25. IV -01.V, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учун даври асосий экинда 20-30. IV, такрорий экинда 25. IV-01.V, ўсув даври 135-137 кун, ўсимлик бўйи 125-129 см, рўвак узунлиги 20-22 см, ўрим даври сентябрь-октябрь, гуруч чиқиши 71-72%, гектаридан 9,0-9,5 тонна ҳосил олинади, мавсумий сув сарфи гектарига 17000-18000 м³, суғориш даври 30.IV-01. IX, ўғитлаш даври I-озиклантириш 25.V, II-озиклантириш 30.VI, ўғитлаш меъёри $N_{180}P_{120}K_{150}$, маҳаллий ўғит миқдори 15-20 т/га, касалликларга чидамлилиги 5 балл, агротехник тадбирлар ўтказилиш даври 30.IV-20.IX, ҳосилни йиғиш даври октябрь ойи.

Юқорида кўрсатилган шоли навларини мақбул муддат ва меъёрларида экиб, тавсия этилган мавсумий агротехник тадбирлар бажарилса, шолдан техник ва сифат кўрсаткичлари юқори дон ҳосили олишга ҳамда сув захира-лари камайиб бораётган ҳозирги кунда қўчат усулида етиштирилганда 20-30 фоизга сув иқтисод қилишга эришилади.

Чўлпоной ҚАШҚАБОВЕВА,

қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,

Бахтиёр ҚОДИРОВ,

қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,

Бекзод РАВШАНОВ,

илмий ходим,

Акбар ХАЛБОЕВ,

таянч докторант,

Шоличилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4973-сон қарори.
2. М.А.Саттаров, Б.И.Қаландаров, М.А.Эргашев “Республикада шоли етиштириш бўйича Тавсиянома”. 2021 йил.
3. <https://www.sciencedirect.com>
4. <https://onlinelibrary.wiley.com>

2022 ЙИЛНИНГ ЁЗГИ СУҒОРИШ МАВСУМИДА КУТИЛАЁТГАН СУВ РЕСУРСЛАРИ

“ Бугунги кунда республикадаги сув омборларида жами 10,14 млрд. куб метр ёки ўтган 2021 йилгидан 1,1 млрд. куб метр (112%) кўпроқ сув йиғилган. ”



Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳамда ушбу дарёлар ҳавзасидаги Сурхондарё, Қашқадарё, Чирчиқ, Оҳангарон ва бошқа дарёлар ҳавзаларида сув ресурслари шаклланиши кўп йиллик музликлар, қор қатлами, шунингдек, бевосита баҳор мавсумида кузатиладиган ёмғир сувлариға боғлиқ.

Жорий йилнинг март ойида минтақамиз, хусусан, республикада ҳудудда кузатиладиган кучли ёғингарчилик ҳисобига мавжуд сув омборлариға кўшимча 1,2 млрд. куб метрдан ортиқроқ сув йиғишға эришилди.

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги “Жанубий Сурхон” ва “Тўпаланг”, Қашқадарё вилоятидаги “Чимкўрғон”, “Пачкамар” ва “Қамаши”, Самарқанд вилоятидаги “Каттакўрғон” ва “Оқдарё”, Жиззах вилоятидаги “Жиззах”, Тошкент вилоятидаги “Оҳангарон”, “Тошкент” ва “Чорвоқ”, Андижон вилоятидаги “Андижон” сув омборлариға яхши сув келиши кузатилиб, катта миқдорда сув захираси тўпланди. Сувнинг келиши аксарият дарёлар ҳавзаларида бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

“Ўзгидромет” маркази томонидан сўнгги йилларда кўшимча кузатув нуқталари ташкил қилиш ва мавжудларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, прогнозлаштириш соҳасида илмий-инновацион ечимлар қўллаш ишларининг олиб борилиши натижасида вегетация мавсумида кутилаётган сув ресурсларининг прогнози маълумотлари аниқлиги оширилмоқда.

Жорий йил суғориш мавсуми учун берилган прогноз маълумотлариға асосан 2022 йил суғориш мавсумида Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги дарёларда ўтган йилға нисбатан сув миқдори кўпроқ бўлиши маълум қилинган.

Бугунги кунда Амударёнинг “Керки” гидростатида кўп йиллик меъёрга нисбатан 159 фоиз, ўтган йилға нисбатан 404 фоиз миқдорда сув ўтмоқда.

Вахш дарёсидаги “Нурек” сув омбориға 110 фоиз сув келиб, сув ҳажми ўтган йилға нисбатан 653 млн.м3 кўп йиғилган, Норин дарёсидаги “Тўхтагул” сув омбориға кўп йиллик меъёрга нисбатан 177 фоиз, “Андижон” сув омбориға 162 фоиз, “Оҳангарон” сув омбориға 108 фоиз сув келмоқда.

Бундан ташқари, республикада фойдаланиладиган сув ресурсларининг асосий қисми трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўғри келиши сабабли қўшни давлатлар билан олиб борилаётган самарали ҳамкорлик натижасида сув омборлардан кўшимча сув чиқариш бўйича келишувларға эришилган.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг суғориш мавсумида сув таъминоти Амударё ҳавзасида ўтган йилға нисбатан ўртача 120 фоиз атрофида, Сирдарё ҳавзасида ўтган йилги кўрсаткичлар даражасида бўлиши кутилмоқда.

Kun.uz сайтида эълон қилинган “Қўрғоқчилик хавотири: 2022 йилги ёз қандай бўлади? — Эксперт билан суҳбат” мавзусидаги мақолада сув ресурслари бўйича халқаро экс-

перт Аббор Ғафуровнинг бу йил ёз мавсумидаги сув миқдори бўйича прогнозлар ҳақида ҳам маълумоти келтирилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, эксперт томонидан мазкур мақолада баъзи саволларға аниқ жавоб берилмаган, жорий йилда сув таъминоти юзасидан тўлиқ маълумотлар келтирилмаган, айрим масалаларда бир томонлама таҳлилларға асосланганлигини кўришимиз мумкин.

Бу каби маълумотларни эълон қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади, чунки фермер ва деҳқонларимиз сув бўлмас экан деб экин экмай қўйишлари ва аҳоли ўртасида турли хавотирлар пайдо бўлишиға олиб келиши мумкин.

Шунга қарамасдан, биз хотиржамликка берилишимиз керак эмас, сўнгги йилларда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кўтарилиб бораётганлиги шароитида кўшимча сабзавот-полиз, соя каби мойли ва катта майдонда такрорий экинлар етиштиришға эҳтиёж туғилмоқда.

Хусусан, бу борада Президентимизнинг жорий йил 1 март куни қабул қилинган ПҚ-144 ва ПҚ-145-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 19 апрелдаги 196-сон қарори сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш ҳамда қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини янада оширишға хизмат қилади.

Мавжуд сувдан самарали фойдаланиш учун фермер ва деҳқонларимиз билан бирга сувдан тежамли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, каналлар ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти ошириш, дала шароитида сувдан тежамли фойдаланиш, экин майдонларида кўшимча агротехник тадбирлар ўтказиш, ерларни текислаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўллаш борасида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз талаб этилади.

Жорий йилнинг 15 апрель куни селектор йиғилишида Президентимиз сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш бўйича бир ҳафта муддатда алоҳида дастур қабул қилинишини, ушбу дастур асосида суғориш тармоқларини тозалаш ва бетонлаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш, насос агрегатлари ўрнатиш, насос қувурларини таъмирлаш ва қудуқ қазиш ишларини бажариш лозимлиги, ушбу мақсадлар учун эса 300 миллиард сўм маблағ босқичма-босқич ажрати-лишини маълум қилди.

Бундан ташқари, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилишни рағбатлантириш мақсадида давлатимиз томонидан субсидия ва солиқ имтиёзлари берилмоқда.

Зокир ИШПУЛАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.



ТЕЖАМКОРЛИК ВА ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

технологияси ва яна шунча майдонга ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган. Шундан ҳозирги кунга қадар 421 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилинадиган майдонларда қурилиш ишлари якунланиш арафасида, – дейди Булунғур туман ирригация бўлими бошлиғи Асқар Худойкулов.

Албатта, бундай усулда суғорганда сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда тақсимланади. Натижада тупроқ намлиги бир хил меъёрга таъминланади. Ўғит сув билан берилганлиги боис ортиқча техника ишлатишнинг зарурати қолмайди. Шунингдек, бундай усулда озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш кўрсаткичи юқори бўлади. Шу сабаб бу усул нафақат боғларда, балки пахта хомашёси етиштиришда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Вилоятнинг Нарпай туманида ўтган йили 769 гектар экин майдонида тежамкорлик воситалари жорий этилган бўлса, жорий йилда 2 минг 200 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Бугун шу мақсадда тумандаги фермер ва кластер ташкилотлари ҳамда қурувчилар ўртасида шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда, ерларнинг суғорилиш ҳолати муҳим ўрин тутди. Сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосил унумдорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Суратда: Булунғур туман ирригация бўлими ходимлари.

Ўз мухбиримиз.

Йигирма биринчи аср инсоният олдига қўяётган мураккаб муаммолардан бири сув масаласидир. Бу муаммони ҳал этиш усулларида бири томчилатиб суғориш тизимини қўллашдир. Томчилатиб суғориш сувнинг кам миқдорда ўсимликларнинг томирига етиб боришига асосланган. Айни пайтда сув миқдори ва уни узатиш даврийлиги ўсимликларнинг эҳтиёжига қараб тартибга солинади. Маълумки, боғдорчиликда дала майдонларида суғоришни тўғри ташкил қилиш, ўғитлаш каби ишлар юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омили саналади. Бу борада боғларни суғоришда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда, ёмғирлатиб суғориш, тупроқ остидан суғориш, томчилатиб суғориш, майда заррали суғориш каби турли усуллар қўллаш мақсадлидир.

Самарқанд вилояти Булунғур туманида айни кунда жами 5 минг 262 гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий қилинган бўлиб, шундан 1 минг 011 гектар майдонга ёмғирлатиб суғориш ҳамда 4 минг 251 гектар майдонга томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган.

– Туманимизда жорий йилда 1 минг 800 гектар экин майдонларига сув тежовчи технологиялар жорий қилиш белгиланган бўлиб, шундан 900 гектар майдонга томчилатиб суғориш



ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

корлар ҳисобланади. Аҳамиятлиси, бугун тумандаги қай бир фермер дала сизга борманг бирор қарич ерни бўш турганини кўрмайсиз. Туман фермерлари нафақат ерни, балки томчи сувни ҳам қадрлайдиганлардан. Маълумки, деҳқончиликда дала майдонларида агро-техник тадбирларни тўғри ташкил қилиш, тўғри ишлов бериш, ўғитлаш каби ишлар юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омили саналади. Бу борада экинларни экишда инновацион усуллардан фойдаланиш мақсадлидир.

Тумандаги “Садинов Тўхтамуродбек” фермер хўжалиги раҳбари, фермер Нодиржон Тўхтаев ҳам 10 гектар ерда деҳқончилик қилиб келади. Шундан 3 гектари ғалла ва қолгани полиз экинлари. Эътиборли жиҳати, фермер хўжалиги далаларида бугун илк ҳосил нишонлари бўй кўрсатиб, сабзи, қарам, картошка тез кунларда бозорларга чиқиши кутилмоқда.

– Экин далаларимизда ҳар бир қарични қадрлаб, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда бир неча йилдан бери лавлаги ва сабзини бирига омихта қилиб экамиз, шу аснода еримиз, меҳнатимиз сезиларли даражада иқтисод қилинмоқда. Баъзи далаларда ҳали деҳқончилик бошланмасдан биз плёнка остида кўчатларни етиштирамиз, шу аснода эртаги маҳсулотимизни май ойидан бошлаб, бозорга ва экспортга чиқарамиз. Меҳнатимиз туфайли хўжалигимиз даромадини оширишга эришяпмиз, – дейди фермер Нодиржон Тўхтаев.

Албатта, юртимизнинг ҳар бир қарич ери бебаҳо. Унда самарали меҳнат қилган деҳқон кам бўлмайди, ўз ризқини топади.

Суратда: Фермер Н.Тўхтаев.

Ўз мухбиримиз.

Ўтаётган ҳар бир йил юртимизда деҳқончилик маданияти яхшиланishi, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайишига, ерларнинг унумдорлигини ошишига хизмат қилмоқда. Бугунги деҳқон ўзгача, унинг ерга бўлган муносабати кундан кунга тубдан ўзгармоқда ва у ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, бозорларимизнинг тўкин бўлишига ҳисса қўшаётибди.

Самарқанд туманидаги фермерлар ҳам ерни қадрлайдиган, уста мириш-

ЯНГИОБОДДА ҚОЙИЛ ҚОЛАДИГАН ИШЛАР...

Ўзбек халқи азалдан деҳқончилик, соҳибкорлик, боғ-роғлар яратиш ишининг устаси бўлиб келган. Кўпчилик ҳамюртларимиз ўз томорқаларидан оқилона фойдаланиб, бир йилда 2-3 мартагача ҳосил олаётганининг ўзи бу гапимизнинг яққол тасдиғи. Бу борада Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани аҳли ўзига яраша тажриба тўплаган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда туманнинг 5 мингдан ортиқ хонадони ихтиёрида 1 минг гектарга яқин томорқа ер майдони мавжуд. Худуднинг катта майдони лалми ерлардан иборат бўлса-да, кўпчилик имкон излаб, мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш чорасини топмоқда. Айримлар куздаёқ ҳовлисига тўқсонбости усулда сабзавот экинлари уруғини қадашади. Кимлардир эртаги экинларга зўр беради. Хуллас, янгиободликлар “еримиз лалми. эккан экинимиз саратонда сув етишмаслигидан қуриб қолади”, деб баҳона қилиб ўтиришмайди.

– Томоқаларимизнинг 300 гектарида боғ, яна шунчасида узумзор бор, – дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Зухриддин Қаххоров. – Ҳосилга кирган боғ-роғлардан олаётган маҳсулотларимиз туман аҳли эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутмоқда. Аммо бу билан чегараланиб қолиш ниятимиз йўқ: Томорқа майдонларининг яна 420 гектарида боғ ва узумзор ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Бугун туманда 12 та “Томорқа хизматлари” корхонаси фаолият юритмоқда. Бу эса, соҳадаги ишларнинг янада самарали бўлишини таъминлаётди. Ушбу жамоалар бугунгача 4 мингдан ортиқ томорқачилар билан шартномалар тузган ҳолда иш олиб боришяпти. Бундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ, жорий йилда Янгиобод тумани томорқаларида 15 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган.

Томорқачилик соҳасида эътироф этишга арзирли натижаларга эришиб келаётган ҳудудлар ҳақида гап кетганда “Сармиш” маҳалла фуқаролар йиғини алоҳида намуна қилиб кўрсатилади. Зеро, бу маскан аҳли ўзига тегишли 310 гектар майдонни эгаллаган томорқадан қатор йиллардан буён мўл

ҳосил етиштириб келади. Мазкур қишлоқ заминиде пишиб етилаётган мева, узум, сабзи, картошка, полиз маҳсулотлари нафақат маҳаллий бозорда, балки бутун вилоят савдо мажмуаларида харидоргир.

Жўлангар қишлоғида яшовчи Шомурод Ақромов томорқачилик ҳадисини олган ана шундай тажрибали деҳқонлардан бири. Миришкор ўзига тегишли 80 сотихли томорқадан олаётган яхшигина даромад туфайли оиласи фаровонлигини таъминлашга эришмоқда.

– Бизни азалдан сув танқислиги қийнаб келарди, – дейди Шомурод ака. – Президентимизнинг қарори билан ўтган йили қишлоғимиз ҳудудида қудуқ қазилиб, насос орқали сув чиқарилди. Бу эса, 30 та хўжалик аъзоларининг ҳеч иккиланмасдан ўз томорқасига истаган экинини экиб, парвариш қилиши учун шарт-шароит яратди. Ўзимнинг 10 сотихни эгаллаган томорқамда мевали дарахтнинг ўзидан 15 хили мавжуд, узумзоримиз бор. Ҳосилнинг ўзимиздан ортган қисмини бозорга чиқарамиз. Натижада оиламиз бюджетига қўшимча даромад келиб тушмоқда, қорнимиз тўқ, эгнимиз бут...

Яна бир янгилик: Тоғли ва тоғолди ҳудуд ҳисобланган Янгиобод туманнинг ўзига хос иқлими ҳандақ усулидаги мўъжаз иссиқхоналар сонини кўпайтиришни тақозо қилмоқда. Бугун ҳудудда қад ростлаган ана шундай ихчам қурилмаларнинг 400 га яқинида мева-сабзавот барқ уриб ўсяпти. Шунингдек, қишлоқда бирон-бир хонадон йўқки, ҳовлисида қорамол, қўй-қўзи, парранда бўлмаса!.. Бу эса, гўшт-сут маҳсулотларининг ҳам мўл ва арзон бўлишига қўшимча кафолат бўлаётди.

Тўғри-да, рўзғор учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўзидан чиққан ҳудуд аҳлининг дастурхони серфайз, илиги тўқ бўлади. Шунингдек, бозордаги нарх-наво ҳам асоссиз ошиб кетмайди. Янгиободликларнинг ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда иш тутаётганига қойил қоласан, киши!..

Ўз мухбиримиз.



Сурада: Янгиобод туманида томорқачиликни ривожлантириш мавзусида ташкил этилган семинардан лавҳа.

ҒАЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА



“Омонбой Фармонов” ғаллачилик кластери раҳбари Жўрабек Фармонов

Бухоро вилоятида ҳам ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дон етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, ғаллачилик кластерлари ташкил этилмоқда. Шу асосда Шофиркон туманида фаолият олиб бораётган “Бухоро Агрокластер” МЧЖ аъзолари ҳам бугунги кунда тумандаги 243 нафар фермер хўжалиги аъзолари билан шартнома асосида 3 минг 124 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Ғалла парваришини барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб бораётган кластер аъзолари, шу билан бир қаторда, яна бир хайрли ташаббусга қўл ўрди.

– Жорий йилда ғаллачилик кластеримизда жами 916 гектар майдонда дон етиштирмоқдамиз. Бу йилги ҳосил нишонларидан кўнглимиз тўқ. Яқин келажақда кунлик қуввати 60 тонна бўлган ун заводи ва гранула ишлаб чиқариш цехини ишга туширишни режалаштирмоқдамиз. Шу билан бирга, бошоқли дон экиладиган майдонларимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиб, кластер хўжалигимизда ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни оширишни йўлга қўйишни мақсад қилганмиз, — дейди кластер раҳбари Жўрабек Фармонов.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор механизмларига асосланган янги хўжалик юритиш шакллари бўлган агрокластерлар ҳамда кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилмоқда. Туманларда ташкил этилаётган ғаллачилик кластерлари ҳам ана шу тамойилга асосланган лойиҳалардандир.



“Бухоро Агрокластер” МЧЖ аъзолари

Ҳудуд атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш мақсадида “Яшил йиллик” тадбирлари доирасида корхона аъзолари 30 минг дона мевали ва манзарали кўчатлар экишди. Албатта, бу ҳам янги даромад ва янги иш ўринлари ташкил этилишида хизмат қилади.

Ғаллачилик кластерлари ташкил этилиши билан бозорларимизда дон-ун сероблиги таъминланибгина қолмай, янгидан-янги иш ўринлари ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, Иштихон туманидаги “Омонбой Фармонов” ғаллачилик кластери ҳам ташкил этилганига кўп бўлмади. Шижоатли ёш фермер Жўрабек Фармонов раҳбарлигидаги кластер аъзолари бугун катта режаларни кўзламоқда.

Дарҳақиқат, ғаллачилик кластерларининг ташкил этилиши фермер хўжаликларида қўшимча агротехник тадбирларни ўтказишда талаб этиладиган маблағларни етарли миқдорда йўналтириш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлашга, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратади. Шу билан бирга, маҳсулотни қайта ишлаш орқали қўшимча иш ўринлари яратилишига ва нарх-наво барқарорлиги таъминланишига хизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

БУГУНГИ АМАЛ – КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ТАМАЛ

Дон ҳалқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик омилидир. Ўзбек дастурхонининг бош беағи нон ҳисобланади. Шу боис, айни кунларда жойларда ғалла парвариши, майдонларни озиклантириш, бу борадаги агро-техник тадбирларни кечиктирмай олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд вилоятидаги кўпгина туманларда ҳам ғалла парвариши барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, Нарпай туманидаги “Сайфи Қувонов” фермер хўжалигида ҳам кундан кунга бўй чўзаётган бошоқли дон экинларини пешма-пеш суғориш ишлари ташкил этилмоқда.

– Ҳудудимизда аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, униб чиққан ғаллани пешма-пеш суғориш учун, суғориш штаби ва отрядлар фаолият олиб бормоқда. Туман ирригация бўлимимиз томонидан ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик учун тунги суғориш ишлари ташкил этилмоқда, ғалламиз авжи яхши, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Умржон Қувонов.



Нарпай туманидаги “Ўзбекистон” ММТП раиси Н. Мамадиёров, фермер У. Қувонов билан.

– Албатта нон ўзбекнинг дастурхони кўрки бўлгани ҳолда уни хомашёси ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб келмоқда. Ўтган йили Каттақўрғонлик ғаллакорлар шартномавий режани вилоятда биринчилардан бўлиб, бажарган эди. Туман миришкорлари эндиликда 2022 йил ҳосил салмоғини ошириш учун меҳнат қилмоқда. “Нурли Миёнқол” ва “Чўпбос Файзли даласи” фермер хўжалиги аъзолари донни ҳосилдорлик ва тежамкорлик воситаси ҳисобланган, пневматик усулда экиб, ғаллани парваришини ва тегишли агротехник тадбирларни оби-тобида олиб боришди ва бугун бўй кўрсатиб турган натижа шунга яраша.

– Ўтган йили 60 центнердан ҳосил олган бўлсак бу йил натижани 70 центнерга оширмоқчимиз, ғалла майдонла-

римиз ерига ўтган йили соя ўсимлиги экилган эди. Алмашлаб экишни амалга оширдик, бу эса юқори ҳосилдорлик гарови бўлмоқда, – дейди “Нурли Миёнқол” фермер хўжалиги раҳбари Абдунаби Каримов.

Тумандаги “Чўпбос Файзли даласи” фермер хўжалигида эса ғалла майдонининг ёнгинасида қулупнай пишиб, ўзгача кўриниш касб этган.

– Ҳозирда 20 гектар майдонда эккан ғалламиздан кўнглимиз тўқ. Барча агротехник тадбирлар ва

меҳнатимиз ўз нишонасини кўрсатиб турибди. Бир гектар майдонга қулупнай эккан эдик. У ҳам пишди, қўшимча даромад бўляпти. Ғалла ҳосилидан оладиган асосий даромадимизга эса хўжалигимизда янги тармоқни йўлга қўймоқчимиз, – дейди фермер Ф. Мингбоев.




Каттақўрғон туманидаги “Нурли Миёнқол” фермер хўжалиги раҳбари А. Каримов, агроном Д. Ғаффоров.

Албатта, дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азиз неъматнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган миришкор бободехқонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари ўз самарасини эрта беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади, деб умид қилиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

АСАЛ – БЕБАҲО НЕЪМАТ



Абу Али ибн Сино асал ҳақида шундай башорат қилган эди: “Унда тозаловчи, томирларни очувчи қувват бор... йирингли чуқур яраларни тозалайди. Қуюлгунча қайнатилгани янги жароҳатларни ёпиштиради, кўз хираланишини кетказади”.

Хақиқатдан ҳам табиатнинг ажойиб инъомларидан бўлган буюк неъмат – асал ҳақида, албатта, кўп эшитгансиз.

Кўп қувватли бу маҳсулот, айниқса, спортда кўп югурувчилар учун сарфлайдиган энергия ўрнини тўлдириш учун жуда қулай экан. Мутахассислар фикрича, асал организмга тез ва осон ҳазм бўлиши билан ажралиб туради. Унинг таркибида витаминлар, аминокислота-лар, турли микроэлементлар, эфир мойлари, ферментлар ва бошқа фойдали моддалар жуда кўпдир.

Шуниси эътиборга лойиқки, жисмонан ва ақлий чарчаган киши бир стакан қайнаган сув билан 20-25 грамм асал истеъмол қилса руҳи енгиллашади ва тетиклашади, кучига-куч қўшилади. Фақат бир кунлик миқдори тана вазнининг ҳар килограммига нисбатан 1,5 граммдан ошмаслиги лозим.

Асал – ёруғ дунёда мавжуд неъматлар ичида энг шифобахшларидан биридир. Уни мунтазам истеъмол қилиб турган киши кўплаб хасталиклардан фориғ бўлади.

Асалнинг ана шундай хусусиятларини ҳисобга олиб, Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги (ФАО) ташкилоти ҳар йили 20 май кунини Халқаро асалари куни деб эълон қилди. Хўш, Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ана шундай бебаҳо неъмат бўлган асал билан савдо қилиш, уни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш қандай йўлга қўйилган? Кўпчиликни ташвишга солаётган бу муҳим масалани ким ечиб беради? Бу саволга “қониқарли” деб жавоб бериб бўлмайди. Айрим устаси фаранг устомон “асалчилар” қачонгача асалга шакар қиёми қўшиб, мазаматрасиз, сифатсиз асал сотади-лар?.

Бозорда оддий меҳнаткашларнинг айби йўқ. Ҳеч ким ўз молини ёмон деб сотмайди, иложи борида ортиғи билан, уни мақтаб таърифлайди ва сотади. Бу ҳаммага маълум-ку!.

Тошкент шаҳридаги барча деҳқон бозорларида ҳам асал сотувчилар тинмай харидорларга қаратиб, “кеб қолинг, тоза асал, пулингизга куймайсиз” деб ўзларига жалб қилади. Таажжуб, асалнинг ўзи тоза бўлса, у ҳадеб бир гапни такрорлайверади? Ёки харидорлар асалфурушларга ишонмай қўйишганми? Ёки асалга шакар қиёми қўшадиган эгриқўллар кўпайиб бораётганидан хавотирга тушяптими? Билмади?

Ҳақиқий асални бизлар яқинда Бўстонлиқ туманидаги Пском қишлоғида, тажрибали асаларичи Ш.Ўрмоновлар хонадонидан кўрдик. Тоғ чаманзорларидан тўпланган асал ўзининг хушбўй муаттар ҳидлилиги билан, таъми ва мазаси билан бошқа асаллардан тубдан фарқ қиларди. Уни есангиз бадинингиз жимирлайди. Ҳақиқий асал шунақа бўлади, улар уйда тоза тоғ асалини анча қимматроқ сотишар экан.

Асалнинг таърифлари беқиёс, у қадим замонларданоқ тансиқ таом, шифобахш ширинлик сифатида тан олинган ва тановул қилиб келинади.

Асаларилар бир килограмм бол тўплаш учун 120-150 мингдан ортиқ гулларга қўниб, ўсимлик гулширасидан мураккаб карбонсувларни – улар тез ҳазм бўладиган даражада қайта ишлайди. Шунинг учун ҳам асалда гиёҳларнинг омукта ҳидидан ташқари, турли-туман ўсимликларнинг таъми ва ҳиди бўлади. Тўйимлилиги, хушбўйлиги, яхши сақланиши жиҳатидан асал бошқа таомлардан кескин фарқ қилиб, алоҳида ажралиб туради.

Маълумки, 100 грамм асалнинг тўйимлилиқ даражаси 225 грамм балиқ гўштига, 90 грамм сариеғ, 175 грамм гўшт қиймасига тенг эканлиги аниқланган.

Асалари оиласи ўзига хос дори-дармон фабрикаси бўлиб, ҳар қандай синалган замонавий дори-дармонлар ҳам унинг маҳсулоти олдида тенглаша олмайди. Ўзбекистон шароитида тоза асал таркибида сув миқдори 16-18 фоиздан ошмаслиги керак. Борди-ю, унга қанд ёки шакар эритмаси аралаштирилса, унинг таркибида сув миқдори ошиб кетади, шифобахшлиқ хусусияти йўқолади. Шу боисдан асал сифатини аниқлаш азалдан муаммо бўлиб қолган.

“Шу тўғрида “Тоза асални қандай фарқлаш мумкин?” деган саволларни кўп беришади. Бундан минг йил муқаддам бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” китобида асалнинг тозалигини аниқлашнинг энг оддий ва осон усулини таъкидлаб ўтган эди: “Тоза асални қошиққа олиб, бўйинг баробар баланд кўтарсанг ҳам, у тиник ингичка ипдек оқиб тушади ва ҳеч бир узилмайди!”, деб тоза асалга оқилона ва тўғри баҳо берган.

Дарҳақиқат, бозордан асал олсангиз, аввало, иложи бўлса, уни бобокалонимиз Ибн Сино айтганларидек текшириб кўринг ва хулоса қилинг. Бундан ташқари, тоза асалнинг ҳиди ўткир бўлиб, унинг таъми ҳам ўзгача, еганингда танглайингни ва томоғингни қириб куйдириб кетади. Уни ана шу оддийгина хусусиятлари билан сунъий асалдан осонгина фарқ қилиб олса бўлади. Лекин асалнинг тозалигини асосан кимёвий

лабораторияларда тўғри аниқлаш мумкин.

Афсуски, ҳозир республикаимизда Ўзбекистон асали учун махсус давлат меъёрий ҳужжатлари (ГОСТ) ишлаб чиқилмаган. Ҳанузгача 2002 йилда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари учун ишлаб чиқилган ГОСТ нормативлари билан ишлаб



келинмоқда. Бу ГОСТга асосан Ўзбекистоннинг пахта асали “шаркли асаллар” гуруҳига киритилганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳолбуки, пахта асали жуда хушхўр, ширин, мазали, ўткир ҳидли бўлиб, майин, нафис дондорли бўлади, қотганида у оқиш рангга кириб, худди сариеғга ўхшаб кетади. Унинг химиявий таркиби бошқа хил асаллардан ҳеч ҳам фарқ қилмайди. Фақатгина унинг таркибидаги диастоза ферментининг фаоллиги 9,1-12,4 бирликка тенглиги учун унинг сифати бироз паст бўлади, холос.

Таркибида диастоза ферментининг фаоллиги паст бўлган асаллар АҚШда ва Россияда ҳам жуда бисёр, лекин пахта асалининг бунчалик даражада камситилганлигидан бизлар жуда афсусдамиз.

Айтиш жоизки, ҳозир республикаимиздаги асаларичилик хўжаликларида асал ишлаб чиқаришда ГОСТ талабларига риоя қилмайдиган шахслар кўпайиб қолди. Аксинча, фойда, даромад кетидан қувиб, асалга сунъий равишда шакар қиёми қўшиш каби кўзбўямачиликлар, фирромлик ҳоллари илдиз отмоқда. Бунинг оқибатида, дўконларга юқори нархларда чиқарилаётган асал харидорлар талабини қондирмаётир ва улар узоқ вақт дўкон пештахталарида туриб қолмоқда.

Шу хусусда асаларичиларни ташвишга солиб келатган баъзи қийинчиликларни таъкидламоқчиман. Одатда, тадбиркор асаларичилар асосий бол тўплаш даврида – ширага бой бўлган экинзорларга асалариларини кўчиришга ҳаракат қиладилар. Табиат мувозанатини сақлашда, донли, дуккакли, озуқабоп ўсимликлар, мева-вали дарахтлар, беда ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда асалариларнинг фойдаси катта. Халқимизда “Боғда асалари учса, ҳосил мўл бўлади” деб бежиз

айтмаганлар. 1 гектар ғўза пайкаларини ва бошқа ўсимликлар гулини 3-4 та асалари оиласи бемалол чанглата олади, чунки буним олимларимиз, илмий тадқиқот ишларида кўп мартаба исботлаб беришган.

Республикаимизнинг шифобахш гиёҳларга бой тоғлари ва бошқа яйлов экинзорлари асалнинг кони. Афсуски, биз ҳам олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаймиз ва фирромлик йўли билан ҳар хил қалбаки асалларни ишлаб чиқаришга устомонлик қиламиз. Натижада, жойларда асаларичиликни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмаяпмиз.

Бундан ташқари, асаларичиликда сифат масаласини ҳал қилмай туриб, миқдор ўсишларига эришиш қийин. Бу ўринда асаларичилик фермер хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари фаолиятини ҳам тубдан яхшилаш зарур. Чунки ҳозирги пайтда савдога чиқарилаётган асалнинг асосий қисмини фермер хўжаликлари ва хусусий асаларичилар етказиб беришяпти.

Омон Тўраев,
қ.х.ф.н., ЧПТИ,
Нафиса Нурмуротова,
таянч докторант,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали.

Ҳар бир соҳанинг ўз етакчиси бўлади. Чорвачиликни ҳам эплаганга чиқарган. Заминнинг муқаддас юкини, меҳрини сезган, билимли, баркамол ёшларимиз бугун юртимизда ўз ўрни, мавқеини топиб бормоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда дунёда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти катта. Мамлакатимиз чорвадорлари мавжуд ресурс ва имкониятлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, ҳосилдорлигини ошириш, соҳага янги фан ютуқларини жорий қилган ҳолда сифатли, арзон маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзларининг асосий мақсади деб билишади.

Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг чекка ва қумлик ва чўллардан иборат ҳудуди ҳисобланади. Шу боис бу ерга узоқ ўлкалардан олиб келинган насли қорамолларни мослаштириш учун анчагина куч ва билим, эҳтиёткорлик талаб қилинади. Табиатининг инжиқликлари ҳам ўзига яраша муаммолар туғдиради. Аммо бу инжиқлик ва муаммоларга қарамай фермер хўжаликлар яхшигина натижаларга эришмоқдалар.

Беруний туманидаги “Шимом” фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Шукурулло Бобожон” фермер хўжалиги ташкил этилганига 17 йил бўлди. Хўжаликнинг биринчи раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби Зокиржон Бобожонов 15 бош қорамол билан фаолият бошлаган эди.

2018 йилда отахон ёнида иш бошқарувчи бўлиб юрган тўнғич ўғли Ғайрат Самандаровга хўжалик раҳбарлигини топширди. Бу пайтга келиб фермернинг зотдор, насли моллари сони 300 бошга етганди.

— Бугун хўжалигимизда жами 752 бош қорамол бор, шундан 200 боши ғунажин, 500 боши хўкиз, 52 боши майда қорамоллар. Ўзимизда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиб келмоқдамиз, — дейди Ғ.Самандаров.

Хўжаликнинг умумий ер майдонлари 45 гектар. Бу майдоннинг 1,5 гектарида хўжалик бинолари, қорамоллар учун ажратилган молхона ва иншоотлар жойлашган.

Ғайрат жуда эътиборли, ишнинг кўзини билладиган йигит. Қойил қолганимиз, унинг иссиқхона шароитида гидропоник маҳсулотлар етиштираётгани бўлди. Бунда ёйма идишларда сумалак тайёрлаш учун ўстиргандек қилиб буғдой етиштирилган экан. Бир ҳафта ичида тайёр бўлган бу маҳсулот озуқа самон билан аралаштирилиб қорамолларга бериларкан. Қарангки, бу озуқа қишдан қорамолларнинг соғлом чиқишида, айниқса, баҳордаги ингичка узиладиган, йўғон чўзиладиган даврда керакли доривор озуқа ўрнини босаркан. Ҳатто қорамоллар иммунитетни кучайиб, тўйимли маҳсулот уларни баҳорда кўзғаладиган айрим касалликлардан асраб экан. 200 бош ғунажин ва бузоқча очик шароитда, 500 бош йирик шохли насли қорамол эса ёпиқ шароитда боқилади.

Фермер хўжалигида 15 нафар молбоқар хизмат қилади. Равшан Ҳабибуллаев, Жасур Ражабов, Бекзод Раҳимов, Сухроб Рўзимовлар ўз ишининг усталари ҳисобланади.

Асосан гўшт етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликда ойига 3 тонна, йилига 36,3 тонна соғлом ва сифатли гўшт маҳсулоти етиштириб, Хоразм, Қорақалпоғистон, Тошкент бозорларига етказиб берилмоқда.

Чорва боқишнинг йўлини билмаган инсонга қийин бўлади. Ўқиш ва ўрганишдан чарчамаган Ғайратбек бугунги кунда ишдан ажралмаган ҳолда республикамизнинг нуфузли олийгоҳида таълим олмоқда. У Тошкент давлат аграр университети “Урмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” ихтисослиги бўйича битирувчи босқич талабаси.

Шу билан бирга, Волгаград Давлат аграр университети бўғдорчилик факультетида ҳам таҳсил олмоқда.

БЕРУНИЙНИНГ ЁШ ЧОРВАДОРИ

Демак, у кейинчалик бўғдорчилик билан ҳам шуғулланиши мумкин. Буни вақт кўрсатади, албатта, лекин аграр соҳа дизайни, янгиликлари ва имкониятларини тўла англашга интилаётган ёшлар замонамиз келажагидир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, чорвачиликда озуқа-ем захирасини яратиш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, ёпиқ шароитдаги йирик шохли қорамоллар кўп озуқа талаб қилади. Бунинг ҳам имкониятини топган ёш фермерга қулоқ тутамиз:

— Далаларимизда маккажўхори ва кунгабоқар етиштирамиз. Комбайнда ўриб олгач, тузлаб ер қаърига силос ямаларига кўмиб, 1,5 ой сақлаймиз. Шунда маҳсулотимиз витаминга бой, тўйимли озуқага айланади. Яна беда ҳам етиштирамиз. Кўп йиллик, витаминга бой бу ўсимлик жуда тўйимли, молни яхши семиртиради.

Беруний туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яқинда бўлиб ўтган “Долзарб 90 кун” тадбири давомида қорамолларда эмлаш ишлари олиб борилди. Бундай ишларнинг уддасидан чиқадиган хўжаликнинг ветеринария врачлари Озод Олланиёзов 12 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Отасининг маслаҳати, онасининг тилаклари, оиладаги тотувлик доимо Ғайратнинг ишларига ривож беради. Ўқишни ҳам, ишни ҳам эплаб ҳаёт йўллари янги уфқлар сари бошлаб бораётган Ғайратга ўхшаган ғайратли, субутли, фидокор ёшларимизга омад тилаб, ортага қайтдик. Тилагимиз баркамол, билимли ёш йигитнинг иқболи, истиқболи порлоқ бўлсин!

Суратда: Ғайрат Самандаров.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

УРУҒНИНГ САРАСИ – ҲОСИЛНИНГ БАРАКАСИ

Пиллачилик ўзининг қадим тарихига эга соҳалардан. Гарчи унинг ватани сифатида Чин юрти эътироф этилса-да, Турон заминда ҳам пиллачиликда анчайин ютуқларга эришганлиги ҳеч кимга сир эмас. Пиллачиликнинг этагини маҳкам тутган пиллакорлар юртимизда айни кунларда ҳам минглаб топилади.



Суратда: Касаначи Мадинахон Камолова ва ҳудуд пиллачилик агрономи Қумрихон Қобулова ипак қуртларни кўздан кечиришмоқда.

— Туманимиз Наманган вилоятининг ҳудудини қарийб ярмини ташкил қилади, — дейди Поп туманидаги “Агропиллаинвест” раҳбари Аҳмаджон Ҳакимов. — Шунинг учун ҳам юкимиз анчагина залворли. Жорий йилги 1-2 мавсум учун 2894 қути ипак қуртини 330 нафар касаначи ва 5700 нафар ипак қурти боқувчига шартнома асосида етказиб бердик. Тарқатган уруғларимизнинг 2779 қутиси хориждан келтирилган нав бўлиб, у сифати ва қисқа муддатда етилиши билан ажралиб туради. “Уруғнинг сараси – ҳосилнинг баракаси”, деб бекорга айтишмаган. Шунинг учун 115 қутисини кейинги йилги уруғлик учун ажратдик. Албатта, бунча миқдордаги ҳосилни етиштириш учун шунга яраша озуқа ҳам етарли миқдорда бўлиши шарт. Туманимизда 285 гектар тут плантациялари мавжуд. Жорий йилнинг айни кунига қадар бу майдонлар яна 12 гектарга кўпайди. Бу эса жорий йилги мавсумда озукдан муаммомиз бўлмайди, дегани. Мақсадимиз тузилган шартномага асосан “Соф ипак инвестор” МЧЖга 165 тонна сифатли пилла маҳсулоти етказиб бериш.

— 52 йилдан буён ипак қурти парваришлайман, — дейди касаначи Санобархон Шарофиддинова. — Йиллар давомида турли хил хорижий ва маҳаллий нав ипак қуртларини боқдик. Лекин жорий йилги ипак қурти парваришlash учун жуда қулай экан. Авваллари иш жараёни 25-27 кун давом этса, ҳозир 22-24 кунда пилламиз териш учун тайёр ҳолга келади. Авваллари бир қути ипак қуртидан 50-55 килодан ҳосил олган бўлсак, жорий йилги уруғдан 57-60 килодан “кумуш тола”ни териб оляпмиз. Хонадонимизда мен, Марҳаматхон, Дилоромхон

Шарофиддиновалар ва Ўринхўжа Шарофиддинов 40 гр. дан уруғ олиб, бир жойда парваришляпмиз.

— Ипак қурти пиллакорни ҳам ўзидай қимирлатади, — дейди Дўстлик ҳудуди пиллачилик агрономи Қумрихон Қобулова. — Ҳудудимиз пиллакорларига 223 қути ипак қуртини тарқатганмиз. Таниқли ва тажрибали пиллакорлар билан маҳаллалар бўйлаб юриб, ёшларимизга соҳа сирларини ўргатиб боряпмиз. 12 тонна ҳосил етиштириш учун барча пиллакорларимиз бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда.

— Биз тўрт нафар пиллакор – мен, Комилжон Аҳмаджонов, Мадина Камолова ва Ўғилхон Солижоновалар 4 қути ипак қуртини биргаликда парваришляпмиз, — дейди “Ўктам Рустам” фермер хўжалиги касаначиси Баҳодиржон Аҳмаджонов. — Иш шароити яхши, ҳар бир кило пилла учун 24700 сўмдан тўланишини эшитиб, роса хурсанд бўлдик. Бундан ташқари, фермер хўжалигимиз биз учун такрорий экин майдонидан ер ажратди, озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдам кўрсатяпти. Бир йил ипак қурти боққанлиги учун оиламиз даромад солиғидан озод қилиниб, бир йиллик иш стажига эга бўлдик. 100 кг пилла топширган фуқароларга 500 минг сўмдан мукофот ваъда қилишяпти. Албатта, биз ҳам раҳбарларимиз билдирган ишончни оқлаш мақсадида астойдил меҳнат қилияпмиз.

Соҳанинг камоли фидойи меҳнаткашлар қўлида. Ўз касбини севиб ардоқлаган инсонлар қанча кўп бўлса, юрт фаровон, дастурхонлар тўкин бўлиб бораверади.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Меран фикрли фермерлар

Инсон маънавий бой бўлмай туриб, моддий бой бўла олмайди.

Демак, ўқиб, ўқиб ўрганган одамгина ҳар томонлама етук бўлиши мумкин.

Маънавиятли инсон ўйлаб гапирди, ўзгалар дилига озор бермайди. Бағри кенг, самимий бўлади.

Юқоридаги сўзларни дилига жо қилган жиззахлик фермерларнинг меҳнатлари аъло, юзлари ёруғ, фикрлари теран.

Зафаробод тумани фермерлари ҳам изланиб, ўқиб, ўрганиб юксалиш сари дадил қадам ташлаётдилар, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан. Ҳамроҳим, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Шерали Жумашов билан “Лолазор” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Огоҳбўл йилқичилиғи” фермер хўжалиғи раҳбари Жонибек Султоновнинг иш фаолияти билан танишдик.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиғи ташкил бўлганидан бўён ривожланиш сари йўл тутган.

– Мамлакатимиз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда чорва молларини турли касалликлардан ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга, – дейди фермер хўжалиғи раҳбари Жонибек Султонов. – Ёз фаслидаги турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш учун ферма ва унинг атрофини ободонлаштириш, яйловларда эса санитария ишларини олиб бориш керак.

Ёш бўлишига қарамай, севган касбини мукаммал ўрганаётган Жонибекнинг режалари улкан. Айти кунда 200 бош қорамол, 30 бош от, 100 бош қўйни рацион асосида боқиб, уларнинг сонини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

– Насиб қилса, чет элдан ҳам моллар олиб келишни режалаштиряпмиз, – деди у суҳбат орасида.

– Айримлар муаммолардан нолиб юришади?

– Йўлини топсанг, ҳар ишни эпласа бўлади. Шу юрт, шу халқ ўзимизники бўлса, тил топиб, келишиб ишлаш керакда. Ватанимиз юксалса, халқимиз бой бўлса, бу фахр эмасми?

Зарбдор ҳам ўз салоҳиятига, обрў-эътиборига эга бўлган туманлардан. Сабаби, туманнинг фидойилари бисёр, фермерлари эса оқилу доно, жонкуяр. Мулқдорман деб гердаймайди, ерга бўлган меҳри бошқача. Ушбу туманнинг “Нурафшонлик фермер” фермер хўжалиғи раҳбари Қиличбой Намозовнинг муваффақиятлари замиридаги ишлар билан қизиқдик.

– “Етти ўлчаб, бир кес”, дейди доно халқимиз, – дея гап бошлади Қиличбой. – Ўйлаган ишинг тўғрими, бажара оласанми, деган саволлар менинг ҳамроҳим. Аммо, мақсад қилдимми, охиригача етказаман.

Айти кунда 50 гектар ерга чигит қадалган далалар кўм-кўк. Ниҳоллар бўй чўзиб қолган. 70 гектар ердаги ғаллазорлар эса кўзни қувнатади. Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажараётган фермерни туман раҳбарлари ҳурмат қилади. Бир сўзли, мард йигит, дея унга ишонади. 15 минг бош товуқ, 5 гектар боғ, 30 бош қорамолни тажрибали, билимдон деҳқонлар билан маслаҳатлашиб парваришламоқда.

100 гектар ерга эртапишар оқ қовун экиб, қўшни республикаларга экспорт қилмоқчи. 50 гектарини плёнкага остига эккани боис тез ривожланмоқда.

Мирзачўл туманига борсангиз, чўл эмас, бўстон-қу, дея ҳайратга тушасиз. Серфайз кўчалар, хиёбонлар, кўп қаватли уйларга боқиб дилингиз яйрайди. Фермерлари ҳам ўз юртига хос ва мос.

– Ерни боқсанг, ер сени боқади, – дейди туманнинг “Асрор-мухлис” фермер хўжалиғи раҳбари Раҳимахон Жайлабоева. – Бунинг учун фермер иродали, сабрли, фикрлаш қобилияти ўткир бўлмоғи керак. Президентимиз илмли, билимли, ақлан етук бўлмоқ учун ўқимоқ, ўрганмоқ керак, дея такрор, такрор айтадилар. Бу гап айти ҳақиқат. Ўғлим Асроржонга фермерлик сирларини ўргатаман. Ўқи, излан, дейман. Муваффақиятнинг калити ақл, у эса кўп ўқиш туфайли чархланиб боради.

30 гектар пахта, 50 гектар ғалла майдонидаги ишловни тўғри олиб бораётгани боис далалардаги гўзалликка лол, ҳайрон қолишингиз бор гап. Пахтадан 42 центнер, ғалладан 75 центнер ҳосилни режалаштириб меҳнат қилаётган Раҳимахонга омад тиладик.

1 гектар майдондаги картошка ҳам фермерга даромад келтиради. Келажакда қуёнчилиқни, балиқчилиқни, асарчиликни мукаммал ўрганиб, кўп тармоқли фермер мақомини олмақчи.

– Бу борада туман агробанки ходимлари билан келишиб олдим, – дейди у. – Худо хоҳласа, кредит олишим билан халқимиз талабидан келиб чиқиб, янги соҳаларда иш бошлайман. Фермер баҳона эмас, тадбир изламоғи керак. Имкон бор, шароит бор. Раҳбарларимиз ишлаган, меҳнаткаш одамларни доимо қўллаб-қувватлайди.

Арносой туманидаги “Сангзор” фермер хўжалиғи раҳбари Рашидахон Ёдгорова қарийб 40 йилдан бўён деҳқончиликда суяғи қотган фидойи онахонлардан. Фермерчилиқни бошлабдики, ўзини бахтли, шунингдек, шарафли касбнинг эгаси дея ғурурланиб келади. Манаман деган йигитларни ортда қолдириб, топширилган режаларни ортиғи билан бажариб, Тўмарисдай мардона қадам ташлашига уни таниган, билганлар ҳавас билан қарашарди. Биз унинг фермасига излаб бордик. Афсуски, тополмадик.

– Ўзр, онамнинг озгина мазалари қочибди, келолмадилар – деди унинг тўнғич ўғли Фарҳоджон.

Айти кундаги маълумотларни Фарҳоджондан билиб олдик. 100 гектар майдондаги ғалла бошоқлари шамолда тебраниб, дала маликаларидай эркаланиб, кундан-кун бўй чўзмоқда.

50 гектардаги ғўза ниҳоллари ҳавас қилгудай, бўйлари бир хил ўсмоқда, кўзни қувнатади.

– 2013 йил Австриядан 31 бош зотли молларни олиб келгандилар онажоним. Айти кунда улар сони 376 бошга етди, – дейди Фарҳоджон. – Кам таъминланган оилаларга ҳам бир нечтасини совға тарзида тарқатдик. Аллоҳ рози бўлсин, айтиш асида ноўрин. 10 гектарга полиз экинлари экдик. Картошка, сабзи, бодринг помидор, қовун дегандай. Ишчиларга ҳам тарқатамиз.

Ушбу фермер хўжалиғи режаларни ортиғи билан бажар

рибгина қолмай, ҳосилни юқори сортларга топширар экан. Аллоҳдан Рашидахон опага соғлиқ сўраб хайрлашдик.

Пахтакор туманида ҳам иқтисоди бақувват, илғор фермерлар бисёрлигини эшитиб, ўша маскан томон ошиқдик. Ушбу туман фермерлар кенгаши раҳбари Ислоҳ Якубов ҳамроҳлигида “Ювестоғ Нукс” фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Райимқулов билан унинг далаларида учрашдик.

– Ерга бутун меҳрини бериб, парваришлаб эл-юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекади, – дея Шухратни таништирди ҳамроҳим Ислоҳжон.

Камтар-камсуқум Шухрат эса ерга қараб кулиб турибди. 106 гектар пахта, 207 гектар ғалла майдонидаги ҳосил чўғига қараб хайратда қолдик.

– Ҳақиқий дилдан қилинган ҳаракат, баракасини берибди, кўз тегмасин, – дедим гап орасида.

5 гектардаги узумзорга ҳам гап йўқ. Маржондай терилган узум шодалари даромадга даромад қўшилишидан нишона. 2 гектар ерга бодом кўчатлари экилган. 42 та ишчиға меҳнат дафтарчаси очиб маош бераётган сахий, саховатли Шухратжонга омадлар тилаб, дуо қилдик.

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ОМАДИ КУЛСИН

Илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, ердан самарали фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш, бир сўз билан айтганда, барча зарур имкониятлардан фойдаланиб, юксак натижаларга эришиш ҳар бир фермернинг асл мақсади.

*Биз дуога қўл очдик, қўетим,
Эзгуликнинг айли гул бўлсин.
Аллоҳ Ўзи қўлласин доим,
Фермерларнинг омади кулсин.
Четик бўли нурларга тўлсин....*

Юртимизда фидойи, жонкуяр, хушфеъл, ўз халқига, ерига меҳри бўлакча фермерлар бисёр.

Сирдарё вилоятнинг Сайхунобод туманидаги фермерлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашгим келди. Туман қишлоқ хўжалигининг ер масалалари бўйича ўринбосари Хуршидбек Қиличев билан “Қаҳрамон–Зилола” фермер хўжалиги далалари томон йўл олдик. Баҳорги ишлар қизғин. Ёмғирлардан чарчаган далалар қуёшнинг иссиққина ҳароратидан роҳатланиб дам олмоқда. Чигитлар аста-секин униб чиқмоқда.

– Фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Ғиёсиддинов меҳмондан қочадиган йигит эмас, мард, – дейди ҳамроҳим. – Шунинг учун Худо қўллайверади. 2021 йили 250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 41 центнердан, 250 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 75 центнердан ҳосил йиғиб олиб, ғолиблар сафида бўлди.

Қаҳрамон билан қисқагина суҳбатлашдик. Унинг айтишича, спортга, тўй ва маъракаларга, муҳтожларга ёрдам беришга жонфидо инсонлигини кўрган кексалар фермерга омад, соғлиқ, бахт тилар эканлар. 1,5 гектар иссиқхона, 3 гектар балиқхона, 50 оила асалари, 3 гектар боғ ҳам ушбу фермерники. Ишларига омад тилаб, у билан хайрлашдик.

– Эрта тонгдан дала айланаман, ҳар бир кўчат, ниҳол билан суҳбатлашаман, – дейди “Нурбек–Зафарбек ҳамкор” фермер хўжалиги раҳбари Акрам-

жон Мамиров. – Гўё уларга нимадир етишмаётганлигини юрагим сезади. Дардига малҳам излайман. Вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар бераман, обитобида суғораман. Ерни йиғлатишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳа, у доимо илғор. 2021 йили 23 гектар пахта майдонидан 40 центнердан 41 гектар ғалла майдонидан 76 центнердан ҳосил йиғиб олиб, аёло натижага эришган. 10 гектарлик боғ бор, 10 оила асалари парваришламоқда. Режалари ҳам бисёр. Чет элдан мол, қўй олиб келиш, ўз балиқхонасига эга бўлиш.

Боёвут туманидаги “Сардор Баҳриддинов” фермер хўжалиги раҳбари Абдуолим Кенжаевни қаергадир шошиб кетаётганида учратдик.

Дақиқаларни ғанимат билувчи фермернинг мақсади аниқ, кайфияти доимо аёло. Камтар, камсуқум қаҳрамонимиз яхши ниятларни ўзига ҳамроҳ қилиб, доимо олға интилавектар экан.

Мақсадим изланиш, интилиш, кўп тармоқли фермер бўлиб юртимиз равнақига ҳисса қўшиш, – дейди у гурур билан.

2021 йили 37 гектар пахта майдонидан 40 центнердан, 24 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди. 5 гектар боғ, 20 оила асал 100 бош қўй-қўзи парваришламоқда.

Сардоба ҳам ўз салоҳияти, обрў-этиборига эга забардаст фермерлари кўп ажойиб туман.

Очиғини айтганда, ёзнинг жазирасида иссиғию қишнинг қаҳратон чиласида ерни шудгорлаш, шўрини ювиш, экинларни парваришлашнинг ўзи бўлмайди, – дейди тумандаги “Озодбек–Файзулло бирилиги” фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Мавлонов. – Ерни эпақага келтирганиндан кейин экилган экинни парваришлай бошлайсан. Ерни боқсанг, ер сени боқади, дейишади боболаримиз. Бунинг учун фермер иродали, сабртоқатли, чидамли бўлмоғи керак. Асосийси, ер билан тиллашиб, диллашиб, ақл билан иш олиб борилса, кутган натижага эришиш мумкин.

2021 йилда 20 гектар ердаги пахта майдонидан 40 центнердан, 60 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олган фермернинг кайфияти чоғ. Жорий йилда 27 гектар пахта майдонидаги чигитлар униб чиқиб, кундан-кун бўй чўзмоқда. 35 гектардаги ғаллазор эса киши кўзини қувнатади. Ҳадемай, фермернинг, хўжалик аъзоларининг уйлари донга тўлиб, бўрсилдоқ қулчалар дастурхон беағи бўлиши бор гап. 100 бош қўй, 100 та курка, 15 гектардаги полиз экинлари ҳам фермерга қарашли. 2 гектар ерга тут, терак ниҳоллари экилиб, парваришланмоқда. Хуллас, унинг режалари бисёр. Покиза ниятингиз ҳамроҳ бўлиб, юксалаверинг.

*Қўшсаҳифани ўз мухбиримиз
Раъно ТОЖАЛИЕВА тайёрлади.*



Бошқарма олди ва орқа томонига экилган резавор ўсимликлар, шинам мевали боғ, картошка, буғдой, 4 сотихли ёнма-ён барпо этилган иссиқхона киши кўзини қувнатади, қора товуқлар парваришланаётган катак, 14 та қўй боқилаётган қўйхона, 4 бош мол парваришланаётган молхона ўз ўрнида,

бежирим қурилган. Иссиқхонага мандарин ва апельсин кўчатлари ўтқазилган экан, бу йил роса гулга кирибди, иссиқхонанинг бир тарафига мағзидан экилган 50 туп хандон-писта яхши амал олиб кетганидан ҳамма хурсанд.

Биз Норин-Сирдарё ирригация тизими бошқармасининг хўжалик

ишлари мудури Шокиржон Азимов билан ёрдамчи хўжалик тасарруфидаги экин-тикинлар ва боғларни айланиб кўрдик.

- 50 сотих ерга буғдой экканмиз, 10 сотих ердаги боғимизда парвариш қилаётган ўрик, олма, гилос, беҳилар бирин-кетин пишади ва дастурхонларимизга қут-барака киритади, - дейди у гулдан ғўрага айланган меваларни қўли билан кўрсатаркан. — Бу йил ҳам кунлик истеъмомимиздан ортган меваларни ишчи-хизматчиларга бўлиб берамиз, ундан ҳам ортганини бозорга чиқарамиз. Ғалласи бўшаган ерлардан 6 гектар олиб, мош экишга қарор қилганмиз. Мошдан ҳам ҳар йили яхши даромад олиб келганмиз, - дейди Ш.Азимов.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўх ИТХБ
матбуот котиби.

ЯЙЛОВЛАРДА КЎКЛАМ ҚЎНДИ

Қорақўлчилик — сермахсул соҳа. Уни ривожлантириш орқали марказдан олисда жойлашган ҳудудларда муқим иш ўринлари яратиш, аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қорақўл терисини хориж давлатларига экспорт қилиш мумкин.

Шу мақсадда, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, Нуробод туманидаги наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари томонидан ҳам истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туманда қорақўлчилик тармоғида наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали сифатли қорақўл тери етиштириш, қўл озукабоп экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қорақўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кўклам серёғин келиши билан яйловлар, қирадирлардаги чорвадор қўпонларнинг оғири енгил бўлди.

Бу йилги кўкламга яхши кайфият билан қадам қўйган Нурободлик тажрибали чорвадорлар ҳам асосий мақсадлари миллий маҳсулотимиз ҳисобланган қорақўл қўйлари туёғини кўпайтириш бўлгани ҳолда улкан режаларни кўзламоқда. Тумандаги бугунги кунда фаолият олиб бораётган барча қорақўл наслчилик МЧЖларида энг муҳим бўлган тўл мавсумига етарлича тайёргарлик кўрилиб, амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, тумандаги “Нурли эл чорвадори” МЧЖда ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди.

— Жамиятимиз таркибида 22 минг 100 бош майда шохли моллар бўлиб, шундан она қўйлар 14 минг 100 бошни ташкил этади дейди. МЧЖ директори Тўлқин Раҳимов. — Бугунги вазифамиз тармоқни ривожлантириш, шу орқали аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва хориж давлатларига сифатли қорақўл териси экспорт қилишдан иборат.

Шунингдек, тумандаги “Тутли қорақўл замини” қорақўл наслчилик МЧЖнинг тажрибали чорвадорлари ҳам ўтган қиш гарчи об-ҳаво ноқулай келган бўлса-да, ўз имкониятларини



тўғри баҳолаб, вақтида кўрилган тадгорликлар натижасида қаҳратоннинг синовларидан беталофат ўтиб олишди. Ҳозирда улар ҳам яхши об-ҳаводан куч олиб, мавсумдаги якуний ишларни амалга оширмоқда. Бугун қиру адирларда бўй чўзган яшил майсага қараб руҳланган жамият аъзолари яна бир хайрли ташаббусга қўл урди.

— Жамоамиз билан келгуси йил озук базасини яратиш баробарида, “Тутли” қишлоғимиз номига муносиб равишда 100 гектар майдонда тут плантацияларини яратишни кўзлаб турибмиз. Шу орқали пиллачилик тармоғи ривожига ўз улушимизни қўшмоқчимиз. — дейди, МЧЖ директори Абдуравшан Бўтаев.

Албатта, қўл чорвадорининг нигоҳи доим кўкка қадалган, у доим баҳорнинг майин ва ҳаётбахш ёмғиридан умидвор. Қорақўлчиликнинг истиқболи шу омилга боғлиқ бўлгани ҳолда, улар тинимсиз меҳнат билан ҳудудда чорва сони ошишига, қорақўлчилик соҳасининг ривожланишига, пировардида аҳоли ва давлат даромадлари ортishiга ҳизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

ҚУЛАЙ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ

Вазирлар Маҳкамасининг “2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Хоразм вилояти Кадастр агентлигининг Гурлан туман бўлими 2020 йилнинг кузида янги замонавий бинога кўчиб ўтди.



Кадастр агентлигининг вазифалари тумандаги кўп қаватли ва яқка тартибдаги турар жойлар, нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектлари, ер участкалари, қурилиши тугалланмаган объектларнинг кадастр паспортларини расмийлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда бу ташкилотда 20 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Корхона раҳбари Бунёд Болтаев анча йиллардан буён шу соҳада ишлаб келади.

— Бир йилдан буён барча қулайликлари мавжуд янги бинода ишлаётганимиздан хурсандмиз, — дейди бош муҳандис Маъмур Қўчқоров. — Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сонли қарорига асосан кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ кадастр паспортлари ариза берувчининг ихтиёрига кўра қоғоз шаклида ёки пластик шаклида тайёрлаб берилади.

Ҳозир олдинги сарсонгарчиликлар қамайган. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилади. Кадастр йўзма жилдлари турар жой ва мулкнинг ўрганилади ва ер майдони кенглигига қараб 3 кундан 15-25

кунгача муддатида аниқланиб, ўрганиб чиқилади ва яна икки иш кунда ҳужжатлари тайёрлаб берилади.

Давлат кадастрлар ягона тизими бош мутахассиси ва бош муҳандисини хонада компьютер олдида аллақандай ҳаритани ўрганаётган пайтда кўриб суҳбатга тортдик.

— Янги бинога ўтганимиздан сўнг катта ўзгариш ва қулайликларга эга бўлдик, янги ва аниқ тизимда ишлашга ўтдик. Бизга ҳам, аҳолига ҳам қулайлик туғилди, — дейди ишдан мамнун ходим.

Замонавий, кўркам ва қулай бинода иш олиб бораётган Хоразм вилояти Кадастр агентлиги Гурлан тумани бўлими ходимларининг ишга муносабатларини кўриб, талабчанлик ва халқ эътиборида бўлиш каби маъсулиятни ҳис қилганликларидан мамнун бўлдик. Олдингидек кадастр биноси олди одамлар билан гавжум эмас, ғала-ғовурсиз, тинч ва осойишта кунларда меҳнат қилаётган жамоа хотиржам, улар хизматидан аҳоли хурсанд.

Сурамда: (чапдан) ягона тизим бош мутахассиси Жўрабек Ўрозметов ҳамда корхона бош муҳандиси Маъмур Қўчқоровлар туманнинг электрон харитасини яратиш жараёнида.

Ўз мухбиримиз.

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI “TIMES HIGHER EDUCATION: IMPACT RANKINGS 2022” XALQARO REYTINGIDA BOSHQA UNIVERSITETLAR ICHIDA YETAKCHI



В Britaniyaning Times Higher Education nashri 2022-yil Times Higher Education Impact Ranking reytingi natijalarini e'lon qildi. Unga ko'ra, Toshkent Davlat agrar universiteti (TDAU) respublikaning nufuzli 30 ga yaqin oliy ta'lim muassasalarini barchasini ortda qoldirib, 2022-yildagi eng barqaror universitetga aylandi. Shu tariqa TDAU o'zining oldingi yil natijalarini (1001+) yaxshilab, dunyo universitetlari ichida 801-1000- o'rinlarni egalladi.

2021-yil yakuniga ko'ra, 106 ta davlatdan qatnashgan 1406 ta oliy ta'lim muassasalari orasida TDAU “Times Higher Education: Impact Rankings 2022” xalqaro reytingining asosi hisoblangan Birlashgan Millatlar Tashkilotining 17 ta Barqaror Rivojlanish Maqsadlari (Sustainable Development Goals) yo'nalishlarining barchasida birdek ishtirok etgan edi.



ҲАҚ ҚАРОР ТОПГАНДА...

Шу йил бошида Шовот туманлараро иқтисодий судига Шовот туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашидан “Уста Матсафо” фермер хўжалиги манфаатида “Савдо харид тайёрлов” масъулияти чекланган жамиятидан 11386000 (ўн бир миллион уч юз саксон олти минг) сўм миқдоридаги асосий қарздорлик ва 5693000 (беш миллион олти юз тўқсон уч минг) сўм миқдорида пеня ундириш тўғрисида даъво аризаси келиб тушди.

Биз бу даъво ишини ҳар томонлама, ҳолис ўрганиб чиқдик. Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, даъвогар «Уста Матсафо» фермер хўжалиги ва жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2020 йил 7 октябрь куни “шоли маҳсулотини” харид қилиш юзасидан контракти шартномаси имзоланган.

Шартноманинг 1-бандига мувофиқ, “даъвогар жавобгарга маҳсулот етказиб бериш, жавобгар етказиб берилган маҳсулот ҳаққини тўлаш” мажбуриятини олган. Шартноманинг 4.2-бандига мувофиқ, “шартнома шартлари жавобгар томонидан бажарилмаган тақдирда кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4% миқдорида, бироқ бунда пенянинг умумий миқдори шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги” белгиланган.

Шартнома шартларига кўра, даъвогар томонидан жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятига 2020 йил 20 октябрдаги №1 ва 2-сонли юк хати орқали 5180 кг. жами 11.386.000 сўмлик маҳсулот етказиб берилган. Бироқ, жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамияти шартнома шартларида кўрсатилган мажбуриятлари бўйича олинган маҳсулотнинг ҳаққини ўз вақтида қопламасдан, шу кунгача қарздорлик қопланмаган.

Даъвогарнинг қарздорлиқни ихтиёрий қоплаш юзасидан талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган. Бунинг оқибатида, даъвогар «Уста Матсафо» фермер хўжалиги судга юқоридаги даъво ариза билан мурожаат қилган.

Даъвогарнинг талаби асосли. Чунки, даъвогар «Уста Матсафо» фермер хўжалиги ва жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамияти ўртасида расмийлаштирилган 31.12.2020 йилдаги №4-сонли электрон счёт-фактура орқали жами 11.386.000 сўмлик маҳсулот етказиб берилган.

Мазкур ҳолатдаги мажбуриятлар тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномадан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Кейинчалик - ЎЗР ФКнинг) 234-моддаси 2-хатбошисида мажбуриятлар мазкур шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши назарда тутилган.

ЎЗР ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Суд – юқоридагиларга асосан, даъво талабининг асосий қарздорлик қисми ишга тақдим қилинган тегишли счёт-фактуралар ва тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ исботини топганлиги учун тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Бундан ташқари, ҳали айтилдики, даъвогар ўзининг даъво талабларида жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан мулкӣ жавобгарлик вужудга келганлиги муносабати билан жавобгардан 5.693.000 сўм пеня ундиришни ҳам сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб

белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 261-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларининг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик учун фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 163-сонли қарорининг 2-бандида шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланиши, судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги ҳақида судларга тушунтириш берилган.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган.

Қайд қилинганларга асосан, суд даъвогарнинг пеня ундириш ҳақидаги талаби асосли бўлса-да, ундирилиши сўралган пенянинг миқдори мажбуриятини бузиш оқибатларига номуносивлиги ҳамда даъвогарнинг ўз вақтида судга мурожаат қилиб, қарздорлиқни ундириш чораларини кўрмаганлиги натижасида пеня миқдорининг сунъий равишда ўсишига сабабчи бўлган деб, жавобгарнинг молиявий аҳволини инобатга олиб, 1.500.000 сўмга қаноатлантиришни ҳамда пенянинг қолган қисmini рад қилишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига асосан давлат божи ва почта харажати жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 176, 177, 179-моддаларини қўллаб, ишни қўйидагича ҳал қилди:

Даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар «Уста Матсафо» фермер хўжалиги фойдасига 11.386.000 сўм асосий қарздорлик, 1.500.000 сўм пеня, олдиндан тўланган 21.600 сўм почта харажати – жами 12.907.600 сўм ундирилсин.

Жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 341.580 сўм давлат божи ундирилсин.

Б.ҲАЙИТБОЕВ,

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ КОРРУПЦИЯ ВА “ҚОРА ИҚТИСОДИЁТ”НИНГ АСОСИЙ КУШАНДАСИДИР



Рақамли иқтисодиёт ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бугунги кунда ҳар соҳада рақамлаштириш тобора кенгаймоқда. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Буни биз интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодалашимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада?

Масалан, харидорга пойафзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Рақамли иқтисодиётнинг қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалади).
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Рақамли иқтисодиётга ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин.

Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бизга нима беради?

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлиги ёлғон ва қингир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимооти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатимизнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Нодирбек САНГИРОВ,

Сирдарё туманлараро иқтисодий суди судьяси.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРГА МОС ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИ

Prospective winter wheat “Uzbekistan-25” has been introduced in the country for the 2020 grain harvest on 7520 hectares, “Yogdu” variety on 749.7 hectares, and “Navbahor” variety on 3609 hectares. The advantage of these varieties over the early ripening varieties grown in the Republic is that they are resource-efficient, resistant to heat, drought and salt, and do not lose their productivity even when the weather is dry and the right agro-technical measures are applied. Yields average 75-90 quintals per hectare.

Республика қишлоқ хўжалигида бошоқли дон экинлари дон ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан, биринчи навбатда, юқори маҳсулдор навларни яратиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри жойлаштириш ижобий натижаларга эришишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган ва-зифалар ҳамда кузги буғдой селекцияси олдида турган талабларидан келиб чиқиб, институтда кузги буғдойнинг янги ўта эртапишар, эртапишар ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори навларни яратиш борасида кенг қўллади селекция ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Қуйида ушбу тадқиқот ишларида асосида яратилган ҳамда суғориладиган шароитлар учун истиқболли навлар қаторига киритилган кузги юмшоқ буғдойнинг “Ўзбекистон-25”, “Навбахор”, “Ёғду” навларининг қисқача таснифлари келтирилмоқда.

«Ўзбекистон-25» юмшоқ буғдой навининг келиб чиқиши.

Крошка х КНИИСХ-112 дурагай комбинациясидан якка танлаш.

$F_1 - F_6$	2004-2010 йилда
Якка танлаш F_7	2011 йилда
АС-2005-С62 Селекция кўчатзори	2012 йилда
АС-2005-С62 Назорат кўчатзори	2012-2013 йилда
АС-2005-С62 (Ўзбекистон-25)	
Рақобат нав синаш кўчатзори	2014-2016 йилда
Ўзбекистон-25 нави ДНС га	
топирилган	2016 йилда
Ўзбекистон-25 нави ДНСда	2016-2018 йилда
Ўзбекистон-25 нави истиқболли	
навлар рўйхатига	2019 йилда

“Ўзбекистон-25” нави Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган.

Навнинг келиб чиқиши ва селекция номери - (Крошка х КНИИСХ-112) АС-2005-С62, селекциянинг дурагай популяцияларнинг F_7 кўчатзоридан танлаб олинган. Нав ярим пакана бўйли, пояси тикка ўсади, бўйи 85-90 см, пояси ётиб қолишга чидамли. *lutescens* (лютесценс) тур-хилига мансуб, ўртапишар (235-240 кун), бошоғи пирамида-симон, бошоқчалар бошоқда зич жойлашган.

Ҳосилдорлик потенциали юқори, гектаридан ўртача 85-90 центнерни ташкил этган

Ун ва нонбоплик сифати: 1000 дона дон вазни 40-42 г., натураси 800-810 г.л. Нав «қимматбаҳо» дон бериб, нонбоплик хусусияти яхши.

Дала шароитида совуққа, қурғоқчиликка, шўрга чидам-

ли. Касалликлардан қўнғир ва сариқ занг, септариоз, ун-шудринг касалликларига чидамли. Дала шароитида совуққа, қурғоқчиликка, шўрга чидамли. Касалликлардан қўнғир ва сариқ занг, септариоз, ун-шудринг касалликларига чидамли. Экиш муддати: Навнинг минтақа учун мақбул ва кечки муддатлар. Экиш меъёри: 4,0-4,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида. Амалиётга жорий этилиши: 2020 йил ғалла ҳосили учун “Ўзбекистон-25” нави 7520 гектар майдонга экилган. Республикада экиб келинаётган биологик эскирган навларга нисбатан афзалликлари маҳсулдор пояларни шакллантириши юқори, поядаги бўғинлар оралиғи қисқа ярим пакана бўйли бўлиб, ётиб қолишга чидамли ҳамда ресурс тежамкор нав ҳисобланади. Марказий Фарғона чўли ҳудудига кирувчи Ёзёвон туманида 2018-2019 йилларда “Баҳромбек” фермер хўжалигида гектаридан ўртача 80-85 центнер ҳосил олишга эришилган.

Кузги юмшоқ буғдойнинг “Ёғду” навининг келиб чиқиши

Старшина х СА-99-45-1 F_4 дурагай комбинациясидан якка танлаш.

Якка танлаш F_4	2007 йилда
АС-2004-Д33. Селекция кўчатзори	2008- йилда
АС-2004-Д33. Назорат кўчатзори	2010-2011 йилда
АС-2004-Д33 (Ёғду) Рақобат нав	
синаш кўчатзори	2012-2014 йилда
“Ёғду” нави ДНС га топширилган	2014 йилда
“Ёғду” нави ДНСда	2014-2016 йилда
“Ёғду” нави истиқболли навлар	
рўйхатига	2018 йилда

“Ёғду” нави: Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган.

Келиб чиқиши: Старшина х СА-99-45-1 нав ва линияларни дурагайлаш йўли билан F_4 дурагайлар кўчатзоридан танлаб олинган. Нав ярим пакана бўйли пояси тик ўсади, бўйи 85-90 см, пояси ётиб қолишга чидамли.

Erythrospermum (эритроспермум) тур хилига мансуб, эртапишар (220-225 кун), бошоғи цилиндрсимон, бошоқчалар бошоқда зич жойлашган.

Ҳосилдорлиги: Навнинг дон ҳосилдорлик потенциали юқори, ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 80,0 центнерни ташкил этган.

Ун ва нонбоплик сифати: 1000 дона дон вазни 40-42 г., натураси 800-810 г.л. Минерал ўғитлар нисбати тўғри қўлланилганда қимматбаҳо дон шакллантиради.

Касалликларга чидамлилиги:

Дала шароитида қўнғир ва сариқ занг касалликларига чидамли. Септариозга кучсиз берилувчан.



Экиш муддати: Навнинг минтақа учун мақбул ва кечки муддатларда экиш тавсия этилади.

Экиш меъёри: 3,5-4,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экиш тавсия этилади.

Амалиётга жорий этилиши: 2019-2020 йилларда “Ёғду” нави 749,7 гектар майдонга экилган. Республикада экилаётган эртапишар навлардан афзаллиги навлар ресурстежамкор, иссиққа, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли, ҳаво қуруқ иссиқ келган йилларда ҳам тўғри агротехник тадбирлар қўлланилганда ўзининг ҳосилдорлик имкониятини йўқотмайди.

Кузги юмшоқ буғдойнинг “Навбаҳор” навининг келиб чиқиши

“Навбаҳор” нави АС-2004-Д48 (Половчанка х КНИИСХ-Л53) F₅ дурагай комбинациясидан якка танлаш.

Якка танлаш F ₅	2008 йилда
АС-2004-Д48. Селекция кўчатзори	2009 йилда
АС-2004-Д48. Назорат кўчатзори	2010-2011 йилда
АС-2004-Д48 (Навбаҳор Рақобат нави синаш кўчатзори	2012-2014 йилда
“Навбаҳор” нави ДНС га топширилган	2014 йилда
“Навбаҳор” нави ДНСда	2014-2016 йилда
“Навбаҳор” нави истиқболли навлар рўйхатида	2019 йилда

“Навбаҳор” нави: Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган.

Келиб чиқиши: Половчанка х КНИИСХ-Л53 нави ва линиялар ўртасида мураккаб дурагайлаш йўли билан F₅ дурагайлар кўчатзоридан танлаб олинган. Нав ўрта бўйли пояси тикка ўсади, бўйи 95-97 см, пояси ётиб қолишга чидамли. **lutescens**

(лютесценс) тур-хилига мансуб, ўрта пишар (230-235 кун), бошоғи пирамидасимон, бошоқда бошоқчалар ўртача жойлашган.

Навининг ҳосилдорлик потенциали юқори, ўртача гектаридан 90,0 центнерни ташкил этган. Андижон, Фарғона вилояти шароитида гектаридан ўртача 85 центнер ҳосил олинган.

Ун ва нонбоплик сифати: 1000 дона дон вазни 39-42 г., натураси 750-805 г.л. Нав **«қимматбаҳо»** дон бериб, нонбоплиги яхши.

Касалликларга чидамлилиги: Дала шароитида кўнғир ва сарик занг, септариоз касалликларига чидамли.

Экиш муддати: Навнинг минтақа учун мақбул ва кечки муддатларда экиш тавсия этилади.

Экиш меъёри: 3,5-4,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экиш тавсия этилади.

Амалиётга жорий этилиши: 2019-2020 йилларда “Навбаҳор” нави республикада бўйича 3609 гектар майдонга экилган. Республикада экилаётган навларга нисбатан туплаш коэффициенти ва маҳсулдор поялар шаклланиши юқори, ресурстежамкор шўрга, совуққа бардошлилик, қуруқ совуқ узоқ давом этган йилларда бошқа навларга нисбатан ўзининг ҳосилдорлик имкониятини сақлаб қолади.

Илхомжон ЭГАМОВ, қ.х.ф.д.,
Насрулло ЮСУПОВ, илмий ходим,
ДДЭИТИ.



АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри”. Тошкент, 2020 й. 11-19-б.

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

(+998) 94-638-33-33

(+998) 95-142-31-19

(+998) 97-342-50-08

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

polimergalantery@mail.ru

www.polimergalantery.uz

ЧОРВАЧИЛИКДА БЕНТОНИТНИ ҚЎЛЛАШ

ёки бентонитдан тўлиқ фойдаланмаётганимиз хусусида

В статье описано использование различных природных ископаемых, большие запасы которых обнаружены на территории Республики Узбекистан. Они богаты различными минералами и их можно использовать для обогащения рационов сельскохозяйственного скота и птицы. В частности, в статье описывается химический состав бентонита и других глин, влияние их на здоровье и продуктивность, качество продукции животных и птиц.

The article describes the use of various natural resources, large reserves of which are found on the territory of the Republic of Uzbekistan. They are rich in various minerals and can be used to enrich the diets of livestock and poultry. In particular, the article describes the chemical composition of bentonite and other clays, their impact on the health and productivity of animals and birds.

Бентонит вулкан кулига узоқ вақт унинг иссиғи ва намлик таъсири остида ер шарининг охири геологик ривожланиш даврида содир бўлган табиий пойли минералдир. Инсон ҳаёти давомида бентонитни турли соҳаларда қўллаш учун имкониятлар бор. Шунинг учун кўпчилик мамлакатлар уни муваффақият билан кенг қўллаб келмоқда.

У биринчи марта 1898 йили АҚШнинг Монтана штатидаги Бентон шаҳри атрофида топилиб ва бу шаҳарнинг номи билан аталган. Ҳозирда дунё бўйича унинг конлари кўп мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам аниқланган. Бентонитнинг катта конлари АҚШ, Буюк Британия, Канада, Озарбайжон, Арманистон, Украинада мавжуд. Дунёнинг бентонитнинг энг катта ишлаб чиқарувчилари ва экспортёрлари Россия, АҚШ, Греция, Озарбайжон, Япония, Италия, Аргентина, Испания, Туркия ҳисобланади.

Собиқ иттифоқ даврида 20 дан ортиқ конлар Черкасск области, Қрим, Кавказ, Қозоғистонда ишлатилган. Ҳар бир коннинг бентонити ўз таркиби бўйича турличадир. Барча конлар очик усулда ишлатилади ва бентонитнинг жойлашувига кўра фақат ён томонга олишда сурилади.

Бентонит гидроалюмосиликат ҳисобланиб, ўзига оғирлигидан 14-16 баробар кўп намликни юта олади. Бентонитнинг асосини (60—70 %) — монтмориллонит $Al_2[Si_4O_{10}](OH)_2 \cdot nH_2O$ ташкил этади. Бентонит таркиби биринчи бора Францияда Монтмориллонит конидан олинган намунада ўрганилган ва топилиб минералга ушбу кон номи берилган. У кимёвий тузилиши бўйича силикатнинг барг шаклида кенгаювчан шаклидир. Унинг турли кўринишларини ишлаб чиқариш мақсадига кўра олиш осон. У кенгайганда зич гелесимон суспензияни ҳосил этади. Унинг бу хоссасидан ва зарарли эмаслигидан, турли кимёвий муҳитларда барқарорлигидан турли мамлакатларда фойдаланилади.

Бентонит табиий захираларининг 5% сувли намуналари 1 соатдан кейин pH 6 дан 9,5 бўлади ва ўз таркибида камида 2% натрий карбонати ўлади. Одатда 100 г бентонитда 80 мг натрий ва кальций бўлади. Табиатда 2 хил бентонит учрайди:

Кам шишадиган — кальцийли бентонит (унда кальций ва магний ионлари кўп);

Кўп ва тез шишадиган — натрийли бентонит (унда натрий ионлари кўп). Унинг шишиш ҳажми 7-12 /гр.ни ташкил қилади.

Турли конлар бентонитлари бу кўрсаткичлардан фарқланувчан бўлиши мумкин, кўп кўрсаткичли бентонитлар табиий фаол ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноатида бентонит Е558 озукавий қўшимчаси сифатида озиқ овқатларда сочилувчан маҳсулотлар тўпланишининг олдини олиш олиш мақсадида ишлатилади.

Нефт-кимё саноатида нефт ва газ конларида бургулаш

суяқларини тайёрлашда, нефтнинг сочилишларининг олдини олишда, нефтни қайта ишлашда кенг қўлланилади. Бентонит, шунингдек, керамика ишлаб чиқариш ва вино саноатида суяқликларнинг шаффофлигини таъминлашда ишлатилади. Бентонит яна, сув қурилишида турли сув объектлари ва каналларини сувдан ҳимоялашда экранлар ҳосил қилиш учун ишлатилади. Бентонит бошқа мамлакатларда косметологик, фармакологик, қурилиш соҳаларида ишлатилмоқда. Бентонитни, шунингдек, турли ер ва суяқликда яшовчиларни ушлаш воситалари террариумлар, палюдарииумлар, аквариумларни декорация қилиш учун ишлатилади.

Бентонитда фаол моддалар борлиги сабабли тиббиётда ва қишлоқ хўжалигида қўлланилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигида у ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва чорва моллари ҳамда паррандаларнинг маҳсулдорлигини рақсонларнинг турли макро ва микроэлементлари камчиликларини йўқотиш учун қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда халқ хўжалигида бентонит 200 хил йўналишда қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда бентонит захиралари борми ва уни чорвачиликда қўллаш мумкинми?

Маълумотларга кўра, республикаимиз ҳудудида бентонитларни излаш ишлари 1970 йилларда бошланиб, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида унинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган захиралари топилиб. 1998 йилга келиб, олиб борилган ишлар натижасида биргина “Арабдаш” конида аниқланган бентонитнинг саноат захираси 5257,6 минг м³, олиш мумкин бўлган қисми 5204.47 м.м³ ёки 9326.27 м. тоннани ташкил этган. Агарда йилига 411 м тонна майдаланган бентонит олинса ҳам, унинг захираси 21.5 йилга етиши аниқланган.

Ушбу бентонитни ўрганиш бўйича ўтказилган 65 та тадқиқотларда унинг таркибида 26 хил минерал элементлари топилиб. Бентонит таркибидаги биологик фаол минераллар миқдори унинг 1 тоннасида 10 - дан 1500 граммгача учраган. Жумладан, мис 10-60 г, рух 70-200 г, молибден 2-5 г, кобальт 12-66 г, йод 4 г атрофида учраган. Унинг ерлик қатлами 65%, сув шимиш (водопоглошения) коэффиценти 1.8-2.2, шишиш 50% ни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалигида агрономия бўйича илмий тадқиқот ишлари пахтачилик илмий-текшириш институти ва чорвачилик бўйича Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, чорвачилик илмий-тадқиқот институтларида бажарилган. Ўтказилган тадқиқотларда турли миқдорларда бентонитни далаларга солишда ўсимликлар ўсиб чиқиши 40-90%, ўсимликлар ривож 25-68% га ошган. Бентонит солинган далалардаги пахта толасининг чиқиши 1.2-1.3%, 1000 чигит оғирлиги 2-17% га ошган. Бентонитни қўллаш пахта ҳосилдорлигини 43-113%

га ошириш билан фосфорли ва калийли ўғитларни далага солишни 50% га камайтирган. Бошқа ўсимликлар ва чорва моллари, паррандаларда ўтказилган тажрибаларда ҳам бентонитнинг ижобий таъсири аниқланган.

И.Х.Иргашев (1997), Т.И.Тойлоқов (1998, 2000,2001) Т.С.Пўлатов ва бошқалар (2001) бентонитни озукаларга қўшиш, бириктирувчи, тўлдирувчи, гельминтозларга қарши яланадиган тузларни тайёрлашда қўшимча сифатида ишла-тишга ва бунда моддалар алмашинувининг фаоллашиши, маҳсулдорлиги ва пушторликлари яхшиланиши сабабли ишла-тишга тавсия берган.

Академик К.К.Карибоев томонидан 1998-2004 йилларда ўтказган тажрибаларда бентонитнинг ёш бузоқчалар ўсишига 11% ва ундан юқори ўсиши, физиологик ҳолатига ижобий таъсири аниқланган.

2000 йилларнинг ўртасидан турли сабаблар натижасида Ўзбекистонда бентонитни ўрганиш ишлари қолиб кетган. Ҳолбуки, бентонитнинг халқ хўжалигида қўлланиш имкони-ятлари катта. Биргина ветеринария ва чорвачилик соҳасини олсак, Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 8 февралдаги қарорида кўзда тутилган кластер томонидан 500-1000 бош мўлжалланган жами 310 та чорвачилик ком-плекслари жами 751 мингдан ортиқ қорамоллар учун бенто-нитни ҳам қорамолчилик биноларини намликдан сақлашга ва тўшама сифатида ишла-тиш мумкин. Иш технологиялари охирида гўшт ва бентонит аралашмасини табиий ўғит сифатида ҳолати бузилган ерларни яхшилашда фойдаланиш имкони пайдо бўлади.

Энг қизиқарлиси, бентонит тўшама сифатида қўлланганида у чорва моллари нажасларини ўзига шимиб олади ва уларнинг

таналарини шилталашлардан асраб, гўнгини тезроқ қури-тиб, шу билан биргаликда, маҳаллий ўғит сифати далаларга олиб чиқиш вақтини тезлаштириб, далалар ҳолатини яхшилайди.

Бентонитнинг ишлатишнинг иккинчи йўли дунёда қабул қилинган унинг минерал манбалари сифатида рационларда қўллашдир. Озуқаларни тайёрловчилар уни ўзлари тайёрла-ётган омикта емлари таркибига минерал элементлар манбаи сифатида қўшиши мумкиндир.

Бентонитнинг ишлатишнинг яна бир йўли шаҳар хона-донларида ушланувчи ит ва мушуклар ахлати учун турли лотокчалар ва унда бентонитни “тўлдирувчи” сифатида қўллашдир. Худди шу каби тўлдирувчилари уй ҳайвонлари нажасларининг сувлари ва ҳидларини ўзига шимиб олиб, қўшимча ишловларни талаб этмайди. Ҳозир эса бу воситалар республикамизга импорт қилинмоқда.

Кўриб турганимиздек, табиий бентонит ва унга ўхшаш турли минералли гил ва лойларнинг захиралари респу-бликамизда жуда кўп. Фақат бентонит унутилиб бормоқда. Турли қишлоқ хўжалик ва чорвачилик, паррандачилик мута-хассислари аниқланган захираларни зарур йўналишларда ишлата билиш зарур. Бу ишлар йўлга қўйилса, жойларда қўшимча ишчи ўринлари яратилади, ерларнинг ҳолати, чорва моллари рационларининг минералларга тўлақонлиги ва ва мувозанати ҳамда соғлиғи яхшиланади, охир-оқибат уларнинг маҳсулдорлиги ошиб, эл-юрт дастурхони қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик, паррандачилик маҳсулотларига тўлади.

Дилшод ЮЛДАШЕВ,

*Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот
институтини бўлим мудири,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим.*

АДАБИЁТЛАР

1. Бўрибоев Ш.М. Швиц зотли буқаларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда гўшт маҳсулдорлигига маҳаллий каолин ва бентонит гилларининг таъсири. Қ.х.ф.н унвони олиш учун диссертация. Т. 2006 й.
2. Касанова З.Н. и др. “Возможности бентонитов в разработке лекарственных форм. Вестник КазНМУ, 20214 №5 стр. 60-61.
3. Кокарев В. А. Использование бентонита зырянского месторождения в животноводстве. Курган — 1998.
4. Кочиш И., Лукашенко А. Нейтрализация тяжелых металлов в организме бройлеров. Животноводство России. 2006, №1 с.19
5. Сидорова А.П. Эккерт Л.Н.. Эффективность хакасских бентонитов в рационах цыплят бройлеров. Вестник КрасГАУ, 2013, №9, 166-170.

УЎТ: 633.511:575.12:631.572

ТАДҚИҚОТ

ЁЎЗАНИНГ ОДДИЙ ДУРАГАЙЛАШ НАТИЖАСИДА ЯРАТИЛГАН ТИЗМАЛАРНИНГ ТОЛА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Определены положительные показатели качества волокна новых линий, созданные в течение многолетних исследований и в разных селекционных отборах по сравнению к стандартному сорту. Л-18 и Л-20 показали положительные показатели по всем качественным показателям волокна изученных линий, т.е. отвечает требованиям IV типа.

Positive indexes of fiber quality of new lines created during the multi-year researches and in the various breeding selections on the comparison with standard variety has been defined. The lines of L-18 and L-20 indicated positive values on the all fiber quality indexes of studied lines, that is met requirements of IV type.

Ёўза ўсимлиги, асосан, толаси учун етиштирилади, шу сабабли, тола сифати, тола чиқимини яхшилаш тола ҳосилдорлигини ошириш бўйича олиб борилган селекция ишлари ишлаб чиқаришнинг тўқимачилик саноати учун муҳим аҳамият касб этади. Ёўзанинг янги навлари ва бошланғич ашёларини яратишда толанинг сифат кўрсаткичларига эъ-

тибор қаратиш зарур. Пахтачилик кластерлари томонидан ёўза селекционер олимларига тола сифати, айниқса, ип йигирувчанлик коэффициенти жаҳон андоза талабларига жа-воб берадиган навлар яратиш муҳимлиги келтирилган. Тола сифатини ошириш доимо асосий вазифа бўлиб келмоқда. Шу билан бира, сертола ва сифати юқори бўлган навлар яра-

тишда айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан, тола чиқими ва сифати ўртасида салбий боғланишлар бор W. R. Meredith [1] маълумотларига кўра, тола ҳосилдорлиги ва тола сифати ўртасида кучли салбий боғланишлар мавжуд. Австралия олими J.D.Clement маълумотида кўра, ҳосилдорлик ва тола сифатининг айрим белгилари орасида салбий корреляциялар борлиги аниқланди, айниқса, тола узунлиги ва пишиқлиги ҳамда тола ҳосилдорлиги салбий даражада боғланган. Тола пишиқлиги ҳосилдорлик билан ижобий боғланганлиги маълум бўлди. Микронейр ва тола майинлиги ҳосилдорлик билан боғланмаганлиги аниқланди [2].

138, тола узунлиги 1.14 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4.3, солиштирма узилиш кучи 34.8 г/текс ва тола бирхиллиги 84.4 фоиз бўлди (жадвал).

Т-36 тизмаси [F₄(СултонхУзПТИ-201)] ип йигирувчанлик коэффиценти 140, тола узунлиги 1.11 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4.4, солиштирма узилиш кучи 35.2 г/текс ва тола бирхиллиги 83.2 фоиз бўлганлиги, Т-55 тизмаси эса [F₄(Андижон-36хС-2609)] ип йигирувчанлик коэффиценти кўрсаткичи 144, тола узунлиги 1.12 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4.3, солиштирма узилиш кучи 36.3 г/текс ва тола бирхиллиги 84.0 фоиз бўлди. Андоза сифатида ўрганилган

Жадвал. “Андижон-35” навида ип йигирувчанлик коэффиценти 136, тола узунлиги 1.10 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4.5, солиштирма узилиш кучи 32.2 г/текс ва тола бирхиллиги 80.6 фоизни ташкил этди.

Тадқиқотлар натижасида бир неча йиллик турли хил селекцион танлашлар асосида яратилган янги тизмаларда андоза навида нисбатан тола сифат кўрсаткичлари ижобий бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган тизмаларда барча

толани сифат кўрсаткичлари бўйича Т-18 ва Т-20 тизмалари ижобий ҳолатда бўлди, яъни IV тип талабларига жавоб беради. Ушбу тизмаларнинг 2022 йили кичик нав синаш кўчатзорига топширилади ҳамда наводорлик кўрсаткичи 99-100 фоизга етказиш мақсадида тадқиқотлар давом эттирилади.

Сойибжон РАСУЛОВ,

Андижон қишлоқ хўжалиги агротехнологиялари институти, Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси катта ўқитувчиси.

Тадқиқот натижаларида асосида яратилган янги тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари.

№	Тизмалар	SCI	Len дюйм	Mic	Str г.с./текс	Unf %	Тола типи
1	T-18 (F ₄ (УзПТИ-203хТ-19))	148	1.18	4.4	36.8	85.2	IV
2	T-20 (F ₄ (УзПТИ-203хС-2609))	138	1.14	4.3	34.8	84.4	IV
3	T-36 (F ₄ (СултонхУзПТИ-201))	140	1.11	4.4	35.2	83.2	V
4	T-55 F ₄ (Андижон-36хС-2609)	144	1.12	4.3	36.3	84.0	V
	St. Андижон-35	136	1.10	4.5	32.2	80.6	V

Тадқиқотларда ғўзанинг оддий дурагайлаш натижасида яратилган тизмалари ҳамда андоза “Андижон-35” навидан олинган намуналарда толанинг Mic, SCI, Lend, Str(g/tex) ва UI (%) каби кўрсаткичи HVI ўлчов асбобида аниқланди.

Толанинг сифат белгилари бўйича таҳлил қилинганда, Т-18 тизмаси [F₄(УзПТИ-203хТ-19)] ип йигирувчанлик коэффиценти 148, тола узунлиги 1.18 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4.4, солиштирма узилиш кучи 36.8 г/текс ва тола бир хиллиги 85.2 фоизни ташкил этди. Т-20 тизмасида эса [F₄(УзПТИ-203хС-2609)] ип йигирувчанлик коэффиценти кўрсаткичи

АДАБИЁТЛАР

1. Meredith W.R., Notice of release of three noncommercial stocks of Upland cotton, DES 7A-ne, DES SL-ne, and DES DK-ne. Miss. Agr. and Forest. Exp. St. and U.D. Dept. Agr. Memo 1972. - P. 321-325.
2. Brubaker C.L., Brown A.D., Stewart J.M., Kilby M.J., Grace J.P. Production of fertile hybrid germplasm with diploid Australian Gossypium species for cotton improvement. Euphytica 1999; 108(3): P.199-213.

УЎТ: 633.51+631.544.722+539.211

ТАДҚИҚОТ

ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА АГРОТЕХНИК ВА БИОТИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

In order to accelerate plant growth and development in cotton cultivation in this article, it has been tried to increase the yield and quality of each cotton variety by managing the effects of various factors according to their biological characteristics, together with the timely and high quality application of agronomic measures in this article.

Тадқиқотлар ПСУЕАИТИнинг Фарғона филиали далаларида, ўтлоқи-соз тупроқлар шароитида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Чигит 10-12°C минимал ҳароратда униб чиқади. Аммо тажрибалар шуни кўрсатадики, чигит гарчи 10-12°C да унса ҳам, майса чиқармайди, чунки уруғпаллани тупроқдан ер бетига олиб чиқадиган уруғпалла остининг ўсиши учун 16°C дан кўпроқ ҳарорат талаб этилади (Бахрамов, 1964).

Тадқиқотларимизнинг асосий мақсади – ғўзанинг “Султон” ва С-8290 навларининг ҳосилдорлигига кўчат қалинлиги, минерал ўғитлар меъёри ва иқлимнинг биотик омиллари таъсирини аниқлаш бўлган.

Ғўзанинг ўрта толали “Султон” навида минерал ўғитлар N150, P105, K75 кг/га меъёрларда қўлланилиб, кўчат қалинлиги 80-90 минг/га атрофида қилиб белгиланган 1–вариантда пахта ҳосили тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 39,8; 36,5;

34,1 ц/га, 3 йилда ўртача эса 36,8 ц/га ни ташкил этиб, яна 3 йилда ўртача ҳисобда 1-терим салмоғи 78,6% ни ташкил этганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, кўчат қалинликлари янада 100-110 ва 120-130 минг/га ортиши билан пахта ҳосиллари 3 йилда ўртача 38,1 ва 38,2 ц/га га ортиб, ўғитлар меъёридан қўшимча олинмаган ҳолда кўчат қалинлиги ҳисобига 1,3 ва 1,4 ц/га ни ташкил этди. Лекин, бу 2-ва 3-вариантларда 1-терим салмоғи 75,4 ва 72,1% ни ташкил этиб, 80-90 минг/га кўчат қалинлиги бўлган 1-вариантга нисбатан 3,2 ва 6,5% камроқ натижа олиндики, бунга сабаб, кўчат қалинликлари ортаган сари ўсимликларнинг тупи (габитус) кичрайиб, 1 ўсимликдаги ҳосил кама-яди, лекин кўчат ҳисобига ортади, шунингдек, кечроқ пишиб етилади.

Минерал ўғитлар меъёри N200, P140, K100 кг/га бўлган фонда кўчат қалинликларига мутаносиб равишда 3 йилда ўртача пахта ҳосиллари 40,5 40,1 ва 40,8 ц/га ни ташкил этган ҳолда ўғит меъёрлари ҳисобига 3,7; 2,0 ва 2,6 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, кўчат қалинлиги 120-130 минг/га га ортиши билан 80-90 минг/га га нисбатан 0,3 ц/га қўшимча ҳосил олинди, холос. Демак, ғўзанинг "Султон" нави учун мақбул кўчат қалинлиги 80-90 минг/га атрофида бўлиб, минерал ўғитлар N200, P140, K100 кг/га меъёрларда қўлланилганлиги аниқланди. Қолаверса бу (4) вариантда 1-терим салмоғи 79,0% ни ташкил этиб, 1-вариантга нисбатан 0,4%, лекин 100-110 ва 120-130 минг/га нисбатан 3,9 ва 6,2% юқори бўлди.

Ўғзанинг ўрта толали С-8290 навида минерал ўғитлар N150, P105, K75 кг/га меъёрларда қўлланилиб, кўчат қалинлиги 80-90 минг/га атрофида бўлган 10-вариантда тадқиқот йилларига мутаносиб равишда пахта ҳосиллари 38,5; 34,2 ва 33,2 ц/га ни йилда ўртача 3 йилда эса 35,3 ц/га ни 1-терим салмоғи 80,1% ни ташкил этди.

Бу кўрсаткичлардан 3 йилдаги ўртача ҳосил "Султон" на-вининг параллель (1-вар) вариантыга нисбатан 1,5 ц/га кам,

Кўчат қалинлиги, минерал ўғитлар меъёри ва биотик омилларнинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га (Султон нави)

Вариант тартиби	Назарий кўчат қалинлиги, минг/га	Минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га			Йиллар			3 йилда ўртача	Қўшимчалари	
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	2012	2013	2014		ўғит-дан	кўчат қалинлигидан
1	80 – 90	150	105	75	39,8	36,5	34,1	36,8	-	-
2	100 – 110				40,2	37,9	36,2	38,1	-	1,3
3	120 – 130				40,8	37,7	36,1	38,2	-	1,4
4	80 – 90	200	140	100	42,0	40,7	38,8	40,5	3,7	-
5	100 – 110				41,9	39,5	38,9	40,1	2,0	-
6	120 – 130				42,5	41,4	38,5	40,8	2,6	0,3
7	80 – 90	250	175	125	43,0	40,8	36,5	40,1	3,3	-
8	100 – 110				42,8	41,8	38,1	40,9	2,8	0,8
9	120 – 130				42,0	39,0	38,4	39,8	1,6	-

2-жадвал.

Кўчат қалинлиги, минерал ўғитлар меъёри ва биотик омилларнинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га (С-8290 нави)

Вариант тартиби	Назарий кўчат қалинлиги, минг/га	Минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га			Йиллар			3 йилда ўртача	Қўшимчалари	
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	2012	2013	2014		ўғит-дан	кўчат қалинлигидан
1	80 – 90	150	105	75	38,5	34,2	33,2	35,3	-	-
2	100 – 110				40,1	36,1	35,1	37,1	-	1,8
3	120 – 130				39,8	36,5	35,3	37,2	-	1,9
4	80 – 90	200	140	100	39,8	34,5	34,2	36,5	1,2	-
5	100 – 110				42,8	38,8	37,5	39,7	2,6	3,2
6	120 – 130				41,6	38,7	37,3	39,2	2,0	2,7
7	80 – 90	250	175	125	40,5	36,9	35,1	37,5	2,2	-
8	100 – 110				41,2	39,9	37,0	39,2	2,1	1,7
9	120 – 130				41,3	41,1	37,3	39,9	2,7	2,4

лекин 1-терим салмоғи 1,5% га юқори бўлганлиги аниқланди.

Бу ғўза навида ҳам кўчат қалинликлари 100-110 ва 120-130 минг/га ортиши билан ўртача пахта ҳосиллари 1,8 ва 1,9 ц/га га ортиб, 1-терим салмоғи эса 2,9 ва 5,8% га камайганлиги аниқланди. Лекин бу охириги 2 та кўрсаткич "Султон" навини-кидан 1,8 ва 2,2% га юқоридир.

Хулосалар. Демак, ғўзанинг ўрта толали С-8290 нави йил-ларнинг иқлими биотик омилларига нисбатан чидамлилигини ортиши кўчат қалинлиги 100-110 минг/га бўлиб ўғитлар N200, P140, K100 кг/га меъёрларда қўлланилганда кузатилди.

Тадқиқотларда ўрганган "Султон" ва С-8290 нави ҳосилдорлигининг ўзгариши ёки нисбатан юқори пахта ҳосилини тўплаши уларнинг биотик хусусиятларига, қўлланилган агро-техник тадбирларга ҳам боғлиқлиги аниқланди.

Йўлдашали ХУРМАТОВ,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини катта ўқитувчиси,

Жамолхон АХМЕДОВ,

ПСУЕАИТИ етакчи илмий ходими, б.ф.д., профессор.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
2. Ш.Абдуалимов, Қ.Давронов, Й.Сориев, Ш.Каримов, Ф.Абдуллаев. Гумимакс препаратининг ғўзага таъсири// "Agro ilm" — "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали илмий иловаси. Тошкент, 2010. -№2 (14). 17-18. -Б.
3. Юлдашев С.Х., Ибрагимов Г.А., Таиров С.М. «Густота и урожайность хлопчатника», Изд-во «Ўзбекистон», 1977.
4. Gregorczyk, A. and A. Raczynska, 1997. Study of the correlation between Arnon's method and measurements of chlorophyll content using a chlorophyll meter. Folia Universitatis Agriculturae Stetinesis 181. Agricultura, 5: 119-123.

ВЛИЯНИЕ НА УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА ВНЕСЕНИЕ МУЛЬЧИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КОМБИНИРОВАННОГО ПОСЕВНОГО АГРЕГАТА

Бирлаштирилган экиш агрегати билан мулчаши услубида гўза экиш уруғларнинг нам тупроқ билан алоқасини яхшилайдди, уруғларнинг тезроқ шишишига, қўчатларнинг бир вақтда шаклланишига ёрдам беради ва уруғларнинг далада униб чиқиш даражасини оширади, тупроқ ҳарорати оширилиши гўзанинг ўсиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Sowing cotton with a combined unit with mulching improves the contact of seeds with moist soil, promotes faster swelling of seeds, friendly formation of seedlings, and increases field germination of seeds, soil temperature favors the growth and development of cotton.

Природно-климатические условия Каракалпакстана резко отличаются от других регионов Узбекистана. Здесь годовая сумма испаряемости с культурного слоя почвы составляет порядка 1300 мм, что на 10-18 раз больше от суммы осадков.

Основная доля годовых атмосферных осадков (82-122 мм) приходится на весенние (30-40%) и зимние (25-30%) месяцы. Указанные факторы отрицательно влияют на появление дружных всходов семян сельхозкультур, в частности хлопчатника.

В таких условиях для качественного выполнения этих операций, необходимо разработать и внедрять технологию посева пропашных сельхозкультур с использованием комбинированного универсального посевного агрегата, совмещающего операции посева и внесение жидкого удобрения, гербицида и мульчирование почвы, которые повышают влагу в почве и при этом экономят значительные материальные ресурсы.

Целью настоящего исследования являлось усовершенствование существующего агрегата посева хлопчатника и разработка технологии возделывания, обеспечивающая нормальное произрастание и рост молодых растений в экстремальных условиях Каракалпакстана.

На основе серийного пропашного культиватора КХУ-4 нами разработаны комбинированный посевной агрегат,

совмещающий три операции: посев, увлажнение и мульчирование почвы. Разрабатываемый способ осуществляется путем совмещения операции, обеспечивает качественный посев во влажный слой без разрушения сухой части почвы, увлажнение смесью жидкого удобрения и мульчирование высеваемого ряда.

Посев хлопчатника комбинированным агрегатом с мульчированием позволяет получить полноценные всходы хлопчатника на 3,5...4,0 шт/п.м. больше чем за все годы исследований по сравнению с обычным способом сева.

При использовании нового агрегата плотность почвы уменьшается на 0,13 г/см³, влажность почвы в ложе семян увеличивается на 4-5%, а температура почвы повышается на 3-4°C, число всходов на 1 п.м. больше на 15-20%, доморозный урожай хлопчатника до 5-6 ц/га и выше.

По полученным данным видно, что наибольший урожай соответственно получены IV, V вариантах (48,0...50,9 ц/га, 44,4...49,4 ц/га и 24,4-26,7 ц/га), где норма расхода мульчи составил 2,0 кг/п.м.

В годы исследования за счет создания оптимального условия в вариантах 4 и 5, при посеве комбинированным агрегатом вес одной коробочки было больше на 0,05-0,20 гр., чем в контроле и получен максимальный урожай (24,4-60,9 ц/га)

Следует отметить, что при этом величина доморозного урожая также были больше, т.е. составила порядка 77,0-88,1% от общего урожая, а прибавка в пределах 4,0-9,0%.

В изучаемых вариантах опыта оптимальная плотность сложения почвы обуславливали накоплению и длительному поддержанию больше влаги в почве, который способствует повышению степени использования питательных элементов в почве удобрений и в конечном счете увеличению

Вес одной коробочки и урожай хлопка-сырца.

Вар.	Вес одной коробочки, г	Урожайность, ц/га	
		Общий урожай	Доморозный урожай
1.	4,14	24,0	17,3
2.	4,24	26,2	19,2
3.	4,34	32,6	22,6
4.	4,28	28,7	22,3
5.	4,19	26,4	20,2
6.	4,23	25,1	19,3

Схема опыта

№	Варианты	Глубина заделки семян (см)	Увлажнение	Нормы расхода мульчирования, кг/п.м
1	Контроль (обычным посевным агрегатом)	5±1	-	-
2	Посев комбинированным агрегатом	5±1	После катка	1,0
3	Посев комбинированным агрегатом	5±1	После катка	2,0
4	Посев комбинированным агрегатом	5±1	Перед катком	2,0
5	Посев комбинированным агрегатом	4±1	Перед катком	2,0
6	Посев комбинированным агрегатом	4±1	Перед катком	2,5

урожае хлопчатника. Внедрение нового комбинированного посевного агрегата в сельскохозяйственное производство позволяет сэкономить средства на 20-30%.

В результате исследований установлено, что использование комбинированного посевного агрегата, совмещающего три операции: посев, увлажнение и мульчирование почвы, улучшает водно-физические свойства почвы, уменьшает потери влаги, улучшает контакт семян с влажной почвой, семена заделываются с оптимальным уплотнением, которые способствуют более быстрому набуханию семян, дружному формированию всходов, и повышению полевой всхожести

семян, температура почвы благоприятствует росту и развитию хлопчатника.

Мухаммед КАЙПОВ,
кандидат технических наук, ККНИИЗ,
Бахадыр ЖОЛДАСБАЕВ,
соискатель, ККНИИЗ,
Алишер КУРБАНИЯЗОВ,
соискатель, ККНИИЗ,
Жалгасбай НУРАБАЕВ,
базовый докторант, КИСХА,
Даулетбай БЕРДИКЕЕВ,
магистрант КГУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Алимбетов С. Изучение при посевном внесении органических удобрений в качестве мульчи на засоленных тяжелосуглинистых почвах ККАССР. Н.Т.О – Чимбай, 1983 г.
2. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения (издание 4-ое дополненное), СоюзНИИХИ, Ташкент, 1974.
3. Гост 20915-75 Сельскохозяйственные технические методы определения условий испытаний. – М. -1975.

УЎТ: 631.5, 631.8, 633.111

ТАДҚИҚОТ

ТУРЛИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИДА СУҒОРИШ ТАРТИБИ ВА МАЪДАН ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

In the process of growth and development of winter wheat, environmental factors under the influence of light, temperature, soil and air moisture, nutrients in the soil are constantly changing during the day and the growing season. These factors were also observed in our studies and it was found that the growing season of winter wheat is provided by the above factors, which vary depending on the biological characteristics of the variety and, of course, agrotechnical cultivation measures.

Кузги буғдой етиштириш ва парвариши бўйича кузги, қишки ва баҳорги барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиши мўл ҳамда сифатли дон етиштириш имкониятини беради. Суғориладиган деҳқончилик шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқдаги намликни меъёрида сақлаш талаб қилинади. Кузги бошоқли дон экинлари экилган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда буғдой етиштириш учун гектарига сарфланадиган сувнинг мавсумий миқдори, озиқлантиришда ўсимлик учун мақбул ўғит меъёрларини қўллаш кузги буғдой ўсув даври давомийлигига ижобий таъсир этади [1;2].

Тадқиқотлардан маълумки, кузги буғдой биологияси уларни етиштириш технологиясининг назарий асосидир. Ўсимликлар ташқи муҳит омиллари ёруғлик, ҳарорат, тупроқ ва ҳаво намлиги, тупроқдаги озиқа элементлари таъсирида доимо суткалик ва ўсув даври давомида ўзгариб туради.

Кузги буғдой донининг тўлишиши ва етилиши кўп жиҳатдан ташқи шароитга боғлиқ. Бу даврда қуруқ иссиқ шомол эсиши сувда эриган озиқа моддаларнинг вегетатив органлардан донга оқиб келишини қийинлаштиради ва дон яхши тўлишмайди. Натижада дон пуч, майда ва енгил бўлиб қолади. Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда бу давр жуда муҳим ҳисобланади. Масалан, Республикаимизнинг жанубида ҳароратнинг юқорилиги, қуруқ шомол эсиши ва ҳаво нисбий намлигининг паст бўлиши туфайли ғалла «куйиб» кетади, яъни дони тўлишмасдан қуриб қолади. Бундан ташқари,

ғалла экинларида занг замбуруғлари авж олиб ривожланган майдонларда ёки зарарли ҳашаротлар шикастлантирганда ҳам шундай ҳолат кузатилади [3;4].

Тадқиқотлар Қашқадарё воҳасининг юқори тоғолди типик бўз (Шаҳрисабз тумани) тупроқлари ва чўл минтақа қисмидаги оч тусли бўз тупроқлари (Қарши тумани) шароитида экилган кузги буғдой навлари ривожланиш фазалари ва ўсув даври давомийлигига суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши маълум бўлди.

Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам кузги буғдой ривожланиш фазаларининг давомийлиги жуда кўп омилларга: ҳарорат, намлик, ёруғлик, озиқ моддалар билан таъминланиши, навнинг биологик хусусиятларига ва, албатта, қўлланилган агротехнологик тадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди (1-жадвал).

Фенологик кузатувлардан маълум бўлдики, кузги буғдой навларининг сут пишиш даврида буғдой яшиллиги сақланиб, пастки барглари қурий бошлаши ҳамда сут пишиш давридан мум пишиш давригача тупроқ-иқлим шароитига кўра, ўртача вариантларда 14-16 кунда ўтиши қайд қилинди.

Кузги буғдой навларининг ўсув даври навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тоғолди типик бўз (Шаҳрисабз тумани) тупроқлари шароитида экилганда 232-247 кунни ташкил қилган бўлса, тадқиқотлар чўл минтақа қисмидаги оч тусли бўз (Қарши тумани) тупроқлари шароитида экилганда 224-241 кунга тенг бўлганлиги (1-жадвал) аниқланди.

Изланишлардан маълум бўлдики, турли тупроқ-иклим шароитларида суғориш тартиби ва маъдан ўғит меъёрлари кузги буғдой навларининг ривожланиш фазалари давомийлигига сезиларли таъсир кўрсатди. Суғориш тартиби ва маъдан ўғит меъёрларининг ошиши кузги буғдой навлари сут, мум ва тўлиқ пишиш даврлари узайишига олиб келганлиги кузатилди.

вариантда 239-244 кунни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар мос равишда ЧДНСнинг (75-80-70) суғориш режимида тегишлича 234-238; 236-240; 239-243 ва 243-247 кунга тенг бўлди.

Тадқиқотлар чўл минтақа қисмидаги оч тусли бўз (Қарши тумани) тупроқлари шароитида экилган кузги юмшоқ буғдой навларининг вегетация даври 224-241 кунни ташкил қилган

1-жадвал. бўлса, шундан, «Алексеевич»

навида 230-241 кун, «Бунёдкор» навида 224-235 кун, «Шамс» навида 226-238 кун бўлганлиги қайд қилинди. ЧДНСнинг (70-70-60) суғориш режими бўйича вариантларда ўртача 224-236 кун, ЧДНСнинг (75-80-70) суғориш режими бўйича эса 230-241 кунни ташкил қилди. ЧДНСнинг (70-75-60) суғориш режимида назорат (Ўғитсиз) бўлган вариантда 224-230 кунга тенг бўлган бўлса, ўғит $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёри қўлланилган вариантда 227-232 кун, ўғит $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри қўлланилган вариантда 229-234 кун, ўғит $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га меъёри қўлланилган вариантда 232-236 кунни ташкил этди. ЧДНСнинг (75-80-70) суғориш режимида эса тегишлича 230-234; 232-236; 234-239 ва 235-241 кунга тенг бўлганлиги маълум бўлди (1-жадвал).

Дала тажрибаларида ўрганилган навлар бўйича «Бунёдкор» ва «Шамс» навлари ўртапишар ва «Алексеевич» нави кечпишар эканлиги аниқланди.

Умуман олганда шундай хулосага келиш мумкинки, тадқиқотлар олиб борилган

Қашқадарё вилоятининг тоғолди типик бўз (Шаҳрисабз тумани) тупроқлари ва чўл минтақа қисмидаги оч тусли бўз (Қарши тумани) тупроқлари шароитида экиб ўрганилган маҳаллий ва интенсив типдаги кузги буғдой навларида маъдан ўғитлар меъёрининг ортиб бориши билан ўсимлик амал даври 4-6 кунга узайишига олиб келади. Етиштиришда мақбул маъдан ўғитлар меъёрларини қўллаш ўсимлик вегетатив органларининг ўсиб ривожланиши билан боғлиқ ҳолда генератив органлари яхши ривожланишини таъминлайди.

Нормунин ЁДГОРОВ,

қ-х.ф.ф.д., катта илмий ходим,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

Баҳодир ХАЛИКОВ,

қ-х.ф.ф.д., ПСУЕАИТИ профессори.

Суғориш ва ўғитлаш меъёрларининг кузги буғдой вегетация даврига таъсири

Вар №	Кузги буғдой навлари	Суғориш тартиби, %	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га	Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Қарши туманлари	
				Типик бўз, тупроқлари	Оч тусли бўз тупроқлари
1	«Алексеевич»	ЧДНСнинг (70-70-60)	Назорат (Ўғитсиз)	236	230
2			$N_{120}P_{80}K_{60}$	238	232
3			$N_{180}P_{120}K_{90}$	240	234
4			$N_{240}P_{160}K_{120}$	244	236
5		ЧДНСнинг (75-80-70)	Назорат (Ўғитсиз)	238	234
6			$N_{120}P_{80}K_{60}$	240	236
7			$N_{180}P_{120}K_{90}$	243	239
8			$N_{240}P_{160}K_{120}$	247	241
9	«Бунёдкор»	ЧДНСнинг (70-70-60)	Назорат (Ўғитсиз)	232	224
10			$N_{120}P_{80}K_{60}$	234	227
11			$N_{180}P_{120}K_{90}$	236	229
12			$N_{240}P_{160}K_{120}$	239	232
13		ЧДНСнинг (75-80-70)	Назорат (Ўғитсиз)	234	230
14			$N_{120}P_{80}K_{60}$	236	232
15			$N_{180}P_{120}K_{90}$	239	234
16			$N_{240}P_{160}K_{120}$	243	235
17	«Шамс»	ЧДНСнинг (70-70-60)	Назорат (Ўғитсиз)	233	226
18			$N_{120}P_{80}K_{60}$	235	229
19			$N_{180}P_{120}K_{90}$	238	230
20			$N_{240}P_{160}K_{120}$	242	234
21		ЧДНСнинг (75-80-70)	Назорат (Ўғитсиз)	236	232
22			$N_{120}P_{80}K_{60}$	238	234
23			$N_{180}P_{120}K_{90}$	241	235
24			$N_{240}P_{160}K_{120}$	246	238

Кузги юмшоқ буғдой навларининг вегетация даври тоғолди типик бўз тупроқлари (Шаҳрисабз тумани) шароитида экилганда ўртача вариантларда 232-247 кунни ташкил қилди. Шундан, «Алексеевич» навида 236-247 кун, «Бунёдкор» навида 232-243 кун, «Шамс» навида 233-246 кун бўлганлиги қайд қилинди. ЧДНСнинг (70-70-60) суғориш режими бўйича вариантларда ўртача 232-244 кун, ЧДНСнинг (75-80-70) суғориш режими бўйича эса 234-247 кунни ташкил қилди. Шу тупроқ-иклим шароитида ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, кузги буғдойнинг вегетация даври ЧДНСнинг (70-75-60) суғориш режимида назорат (ўғитсиз) бўлган вариантда 232-236 кун, ўғит меъёри $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган вариантда 234-238 кун, ўғит $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри қўлланилган вариантда 236-240 кун, ўғит $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га меъёри қўлланилган

АДАБИЁТЛАР

1. Келдиёрова Х.Х., Каршиева У., Муинова З. Влияние сроков посева на урожайность и качество зерна сортов пшеницы в условиях Самаркандской области // Агро илм. -Тошкент, 2017. - № 2 (46). –Б. 40-41.
2. Лавронов Г.А. Ўзбекистон буғдойи. -Т.: «Ўзбекистон», 1972. -352 б.
3. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С., Тиллаев Р.Ш., Абдуалимов Ш.Х. Кузги буғдой ва ғўза етиштириш асослари. -Т. 2017. -Б. 16-17.
4. Ёрматова Д. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида деҳқончилик самарадорлигини ошириш омиллари// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2016. - №3. 19-20. -Б.

КУЗГИ РАПС НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ УНИБ ЧИҚИШИ

У растений, когда толщина проростков велика, посевы менее разветвлены и образуются небольшой урожай, но также возможно, что урожай может варьироваться.

In plants, when the seedling thickness is large, the crops are less branched and produce a small yield, but it is also possible that the yield may vary.

Дунёда рапс мойи инсон ва ҳайвонларнинг ўсиши ҳамда ривожланиши учун зарур бўлган эссенциал ёғ кислота-ларига бой хом ашё ҳисобланиши ҳамда мой олингандан сўнг чиқадиған қўшимча маҳсулотлар – шрот ва кунжара парранда ва ҳайвонлар учун юқори оқсилли озиқа, тиббиёт ходимлари ва озиқ-овқат саноатида ўсимлик мойлари орасида энг яхшиларидан бири бўлганлиги учун ҳам мазкур хом ашёга талаб жуда юқоридир.

Юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шарти экилган уруғларнинг баравж униб чиқишидир. Уруғнинг унвчанлик кўрсаткичи ҳосил шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, рапс ўсимлиги юқори компенсацион (тўлдирувчи) имкониятга эга. Ўсимликда кўчат қалинлиги юқори бўлганда экинлар кам шохланади ва кам миқдордаги қўзоқлар шаклланади, аммо ҳосилдорлик турлича бўлиши мумкинлиги ҳам истисно эмас. Кузги рапсда ҳам ҳосилдорликни шаклланиш структураси ўсимликларни кўчат қалинлиги билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Шунинг учун рапс ўсимлигида ҳосилни шаклланиш структурасини экиш меъёрлари ва муддатлари билан боғлиқликда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибамиз 2017-2020 йиллар Жиззах вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг “Юнтаи” ва “Ясна” навлари танлаб олиниб, улар учта экиш муддати (20-25.09; 01-05.10; 10-15.10.) ва учта экиш меъёрларида (гектарига 1,0; 1,5; 2,0. млн/дона) иш дастурида белгиланган тартибда тадқиқотлар олиб борилди.

Экиш муддат ва меъёрларининг кузги рапс навларини униб чиқишига таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги рапснинг “Юнтаи” нави тажрибанинг дастлабки, 2017 йилида эрта муддат 20-25.09. муддатда экилган вариантларда (1,2,3-вариантлар) уруғлар экилган кундан 9 кун ўтгандан кейин 97,5-98,6% миқдорида, ўрта муддатда (01-05.10) экилган вариантларда (4,5,6-вариантлар) 13 кундан кейин 97,3-98,5% миқдорида, кеч муддатларда (10-15.10) экилган 7,8,9-вариантларда эса 15 кунда 95,4-97,8% миқдорида униб чиққанлиги кузатилди.

Кузги рапснинг “Ясна” навини униб чиқишида ҳам юқоридаги қонуниятлар кузатилиб, мазкур нав “Юнтаи” навига нисбатан экиш муддатлари бўйича 1-2 кун кечроқ униб чиққанлиги аниқланди. Маълумотларга кўра, эрта муддат 20-25.09. муддатда экилган вариантларда (10,11,12-вариантлар) уруғлар экилган кундан 10 кун

ўтгандан кейин 97,6-98,0% миқдорида, ўрта муддатда (01-05.10) экилган вариантларда (13,14,15- вариантлар) 15 кундан кейин 97,2-98,7% миқдорида, кеч муддатларда (10-15.10) экилган 16,17 ва 18-вариантларда эса 16 кунда 93,4-97,8% миқдорида униб чиқди.

Экиш меъёрларининг таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, гарчи барча экилган уруғлар бир уруғлик авлодига мансуб бўлса-да, экиш меъёрларининг ошириб борилиши билан уруғларнинг униб чиқиш динамикасини ортганлиги кузатилди. Масалан, тажрибанинг 1-вариантида униб чиққан уруғлар миқдори 97,5% ни ташкил этган бўлса, 2-вариантида 98,1% ни, 3-вариантида 98,6% ни ташкил этди, яъни уруғ меъёрларининг ортиб бориши билан униб чиқиш динамикаси 0,6% дан 1,1% гача ортиб борганлиги кузатилди. Мазкур кўрсаткичлар уруғлар ўрта муддатда экилганда (4,5,6 вариантлар) 0,9-1,2% ни, кеч муддатларда экилганда (7,8,9-вариантлар) 1,3-2,4% ни ташкил этди. Тажрибанинг қолган вариантларида ҳам мазкур қонуниятлар кузатилди.

Экиш меъёрларининг гектарига 500 минг донадан оширилиб бориши эса униб чиқиш динамикаси эрта муддатда экилганда 0,6% дан 1,1% гача, ўрта муддатда экилганда 0,9-1,2% гача, кеч муддатда экилганда 1,3-2,4% юқори бўлади.

Кузги рапс навларини кўчат қалинлиги бўйича олинган маълумотларга кўра, ўсимликларнинг қишлоқдан олдинги кўчат қалинлиги кам меъёрларда (гектарига 1,0 млн/дона) эрта муддатда экилган вариантларда (1,4,7,10,13,16-вариантлар) ўртача гектарига 950,0-970,0 минг/донани, ўрта меъёрда экилган (2,5,8,11,14,17-вариантлар) вариантларда 1260-1450 минг донани, юқори меъёрда экилган вариантларда (3,6,9,12,15,18-вариантлар) 1630-1920 минг донани, ўрта муддатда экилганда экиш меъёрларига тегишли равишда 960-980 минг/дона; 1260-1395 минг/дона; 1630-1920 минг донани, кеч муддатда экилганда 950-960,0 минг/дона; 1345-1435 минг/дона ва 1590-1900 минг/донани ташкил этди.

Демак, Жиззах вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапс навлари эрта муддатда. 20-25.09 оралиғида экилганда, 10 кунда тўлиқ, экиш муддатлари 10 кунга кечиктирилганда 12-14 кунда, 20 кунга кечиктирилганда эса 15-16 кунда тўлиқ униб чиқади.

Тўлқин НЕМАТОВ,
ТошДАУ таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Воловик В.Т. Результаты научных исследований по масличным капустным культурам (ГНУ ВИК Россельхозакадемии, этапы 30-летнего пути). // Адаптивное кормопроизводство. - 2012. - №4. - С. 13–2.
2. Janinh. A. Rapsanbauimweltweiten Vergleich. // Raps.-2004.-В.22, №3.-С.128-131.

РАДИ СОХРАНЕНИЯ БИОЛОГИЧЕСКОГО РАЗНООБРАЗИЯ

В условиях глобализации, широкого развития новых технологий потребность отраслей промышленности в биологических ресурсах возрастает. Нарастая их эксплуатацию, транснациональные корпорации наносят непоправимый урон биоразнообразию. Сегодня взаимодействие человека и природы становится узловой проблемой политического и социально-экономического развития всего мирового сообщества.

В XX веке проводились глубокие исследования в области сохранения генетических ресурсов для их последующего использования. Были создаваны крупные генетические банки, сети заповедников и национальных парков. Страны свободно обменивались генетическим растительным материалом, изучали и использовали его в селекции и научных программах.

С начала 80-х годов государства-поставщики, столкнувшись с проблемой постепенной утраты биоресурсов и стали требовать от государств-потребителей компенсации за их использование. В решении проблем сбора, сохранения, изучения и использования мирового разнообразия генетических ресурсов включились политики, юристы, дипломаты. Международное сообщество осознало многогранность проблемы и признало стратегическую значимость и ценность биоресурсов как для отдельного государства, так и для всего человечества.

Ухудшение экологической обстановки вследствие невосполнения биоресурсов, деградация окружающей среды, растущая взаимозависимость стран, а также увеличивающийся разрыв между развитыми и развивающимися государствами заставили мировое сообщество разработать новую стратегию сохранения биоразнообразия.

Эра свободного доступа к биоресурсам закончилась со вступлением в силу Конвенции о биоразнообразии (1992 г.) и началась новая, со строго регулируемые государствами условиями доступа и жестким контролем за их продвижением.

Международное сообщество приступило к формированию новых механизмов сотрудничества. С участием Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН – ФАО был разработан Международный договор по генетическим ресурсам растений для производства продовольствия и ведения сельского хозяйства (2004 г.).

Эти два важнейших документа признают суверенные права государств на собственные биоресурсы и ответственность за их сохранение и устойчивое использование.

Для решения этой глобальной комплексной проблемы в современных реалиях важно было учесть текущие социально-экономические и геополитические аспекты, провести глубокий анализ международного права, новых тенденций, международного опыта, роли и места государства в сохранении биоразнообразия.

29 октября 2010 года в рамках Конвенции о биологическом разнообразии в Нагое (Япония) был принят Нагойский протокол о доступе и совместном использовании выгод. Он вступил в силу в октябре 2014 года. Целью этого важного международного договора стало «совместное использование выгод от использования генетических ресурсов на справедливой и равноправной основе».

К протоколу присоединилась 131 страна, в том числе Таджикистан (2014 г.), Кыргызстан (2015 г.), Казахстан (2015 г.) и Туркменистан (2021 г.).

Ключевым элементом Нагойского протокола являются Механизмы посредничества для регулирования, направленные на предотвращение незаконного присвоения генетических ресурсов, включая связанные с ними традиционные знания, и обеспечение соблюдения соглашений о совместном использовании выгод.

В Нагойском протоколе четко прописаны обязательства стран-участниц по доступу к генетическим ресурсам, традиционным знаниям и их использованию. Так, потенциальные пользователи должны получить предварительное обоснованное согласие на доступ к ним, согласовать условия, предусматривающие в том числе и распределение выгоды. Страна-поставщик предоставляет четкую информацию о процедуре получения предварительного обоснованного согласия, ясное и прозрачное письменное решение компетентного национального органа. Выдает разрешение на доступ, создает условия для продвижения и поощрения исследований, способствующих сохранению и устойчивому использованию биоразнообразия. При этом учитывается важность генетических ресурсов для производства продовольствия и ведения сельского хозяйства, их особая роль в обеспечении продовольственной безопасности. Страна-пользователь в свою очередь гарантирует, что доступ к генетическим ресурсам получен по всем правилам – на основе предварительного обоснованного согласия и взаимно согласованных условий.

Повышая правовую определенность и поощряя совместное использование выгод, Нагойский протокол стимулирует продвижение исследований в области генетических ресурсов, в частности, их генетического и биохимического состава, что может привести к новым открытиям для общего блага. Это разного рода селекционные программы по созданию новых сортов растений с использованием местных сортов или диких сородичей сельскохозяйственных культур, выявление конкретных свойств, их улучшение для использования в производственных целях, генетическая модификация.

Самой главной совместной выгодой партнеров от проводимых научных исследований может стать вклад в обеспечение продовольственной безопасности на основе использования генетических ресурсов, а также в сохранение биоразнообразия, устойчивое развитие общества и рост благосостояния людей.

Меры по совместному использованию выгод на национальном уровне должны обеспечивать их распределение на справедливой и равноправной основе.

Еще одной важной особенностью протокола является признание коренных народов и местных общин страны хранителями генетических ресурсов и носителями традиционных знаний.

Проблема сохранения и рационального использования биологических ресурсов чрезвычайно актуальна и для

Узбекистана. Мы достигли значительного прогресса в этой области, однако наши природные системы остаются весьма уязвимыми под воздействием резких климатических изменений, а также роста численности населения, урбанизации, промышленного развития.

Присоединение нашей страны к Нагойскому протоколу могло бы способствовать еще более эффективному и комплексному решению проблем сохранения биоразнообразия в сотрудничестве с международным сообществом, внедре-

нию системных подходов, привлечению в сферу передовых знаний, технологий и иностранных инвестиций.

Мухаббат ТУРДИЕВА,
координатор Biodiversity,
Хасан БУРИЕВ,
профессор,
Абдухалил КАЮМОВ,
профессор,
ТашГАУ.

УЎТ: 635.34

ТАДҚИҚОТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЭЖИЛГАН ОҚБОШ КАРАМ (BRASSICA CAPITATA) НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ

В данной научной статье представлены результаты проведенных научных исследований в слабозасоленных почвах Каракалпакстана в 2021 году, пригодных для раннего выращивания белокочанной капусты. В научных исследованиях в Каракалпакстане были испытаны 28 сортов и гибридов белокочанной капусты из местных и разных стран, среди них проведен отбор перспективных сортов и гибридов, пригодных для слабозасоленных почв Каракалпакстана.

Республикамызда сўнгги йилларда аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш экспортбоп, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган экинлар экиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқон ва фермер хўжаликларининг даромадини ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боис, сабзавот экинларининг сифати ва ҳосилдорлигини тубдан оширишга қаратилган инновацион агротехнологияларни қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиш тақозо этилади.

Тадқиқотлар 2021 йили Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалига тегишли Нукус туманида жойлашган ўқув-тажриба даласида ўтказилди. Унда давлат реестрига киритилган 9 та оқбош карам навлари ва давлат реестрига киритилмаган 19 та маҳаллий ва чет эл селекциясига мансуб нав ва дурагайлар қатнашди. Тадқиқотларни ўтказишда Б.Ж.Азимов ва Б.Б.Азимовнинг “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” В.Ф.Беликнинг “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве” “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур” услубий қўлланмаларда келтирилган услублар асосида олиб борилди.

Тадқиқотларимизда Қорақалпоғистон шароитида кучсиз шўрланган майдонларда етиштириш учун мос истиқболли нав ва дурагайларини танлаш мақсадида маҳаллий ва турли давлатлардан келтирилган 28 турдаги нав намуналарини баҳорги муддатда экиб, тадқиқотлар олиб борилди (2021й).

Фенологик кузатувлар шуни кўрсатдики, оқбош карам ҳосилини йиғиш даврида битта баргининг ўртача ўлчами Gregorian F₁ 6,19 дм²; Emily F₁ 5,58 дм²; Magnus F₁ 7,40 дм²; Green flash F₁ 6,43 дм²; Blue jeys F₁ 7,29 дм²; Green Presto F₁ 8,26 дм²; Amore F₁ 7,46 дм²; CBC 007 -5,66 дм²; 17C 052 6,01 дм²; 18MC 702 5,10 дм²; Polka F₁ 4,20 дм²; Старт F₁ 5,52 дм²; Надежда 7,56 дм²; Вера 5,10 дм²; Дитмаршер фюрер 6,24 дм²; Бегабдская 4,88 дм²; Навруз 5,53 дм²; Ortus F₁ 4,52 дм²; Vestri F₁ 7,34 дм²; Бухарест F₁ 6,19 дм²; Мишутка F₁ 6,11 дм²;

Тошкент10-10,5 дм²; Fresco F₁ 15,7 дм² оралиғида бўлди. Баргларининг шакли стандарт нав билан бир хил юмалоқ шаклга эга бўлди. Юбилейный 5,71 дм²; Н/8/-7,18 дм²; Тош карам 5,91 дм²; Astor F₁ 7,16 дм²; Golden Acre 9,60 дм² оралиғида бўлиб, барглари конуссимон шаклга эга бўлди. Ўрганилган нав намуналарининг бир ўсимликдаги барглари сони 12,4-24,3 дона оралиғида тебраниди.

Карамбошлар пишиб етилганда карамбошларни йиғиштириб олиш билан бирга ўсимлиكنинг умумий оғирлиги ва карамбоши оғирлиги тартиб аниқланди. Ҳисоб-китоблар ҳар бир нав намуналарда алоҳида бажарилди ва ҳосилни йиғиш даврида карамбошларининг биометрик кўрсаткичлари, шакли ўрганилди. Ўрганилган 28 та нав намуналари ичида 11 та нав намуналарда товарбоп карамбошлар шаклланиб, қолган 17 та нав намуналарда генетик, морфологик, хўжалик, биологик белги ва хусусиятлари Қорақалпоғистон республикасининг кучсиз шўрланган тупроқ-иқлим шароитига мослаша олмаганлиги ҳисобига карамбошлари кичик ва нотовар бўлди, айрим намуналар бош ўрамади.

Товарбоп ҳосил олинган 11 та нав намуналарининг карамбошлари вазни ўртача кўрсаткичи 1041 граммни ташкил этди. Ҳосилдорликни аниқлашда ҳар бир нав намуналарида делянкадан олинган ҳосил аниқланиб, бош ўраган товар ва бош ўрамаган нотовар ҳосил миқдорлари аниқланди. Бунда жами делянкадан йиғиб олинган ҳосил 481,16 кг бўлди, шундан товарбоп 347,62 кг (72,2%), нотовар 133,54 кг (27,7%) ташкил этди.

Нав намуналарининг карамбошлари ўртача вазни аниқланганда 1-стандарт Fresco F₁ дурагайининг ўртача вазни 0,030,02 кг нотовар бўлиб, бош ўрамади, 2-стандарт “Тошкент-10” навида оқбош карам ўртача оғирлиги 1,121,30 кг. ниташкил этди. Ўрганилган нав намуналарда карамбошларининг шакли, тигизлиги ўз навбатида карамбоши вазнига боғлиқ бўлган. Ҳисоблашларда Emily F₁(1200 гр); Magnus F₁(1130 гр); Green flash F₁(1180 гр); Green Presto F₁(850 гр); Astor F₁(840 гр); Мишутка F₁(890 гр); Тош карам (870 гр); 18 MC704 (930 гр); Дитмаршер фюрер (1240 гр); Golden acre (1210 гр); нав намуналарининг карамбошлари вазни 840-

1240 грамм оралиғида бўлиб, 2-стандарт "Тошкент-10" навига нисбатан (75-111%) оралиғида бўлди.

Карамбошларнинг биокимёвий таркибини аниқлаш ишлари карамбошлар етилганда йиғиштириб олинган ўтказилади. Қуруқ модда миқдори - Термостат усулида; қандлар миқдори – Бертран усулида; витамин "С" – Мурри усулида ёки (махсус ўлчагич асбоб ёрдамида) аниқланади. Ўрганилган нав намуналаридан карамбошлари йирик ва сифатли бўлган намуналарни карамбошлари кимёвий таркибини Тошкент шаҳрида жойлашган "GLOBAL INVESTMENT SYSTEMS" МЧЖ лабораториясида карамбошлари таркибидаги қуруқ модда, қанд миқдори, Витамин "С" ва нитрат миқдорлари таҳлил қилинди ва қуйидаги натижалар олинди:

Хулоса: Республика-мизнинг кучсиз шўрланган тўпроқ шароитида оқбош карам етиштиришда стандарт гибрид Fresco F₁ намуна бўла олмайди, шунингдек, айрим сорт ва гибридлар ҳам республикамиз тупроқ-иқлим-шароитига мослашмайди.

2021-йилда оқбош карамнинг маҳаллий ва чет элдан келтирилган 28 та вариант орасидан юқори ҳосилли, истиқболли нав ва дурагайларни танлаш мақсадида илмий тадқиқот натижаларига қараб вариантлар орасида 11 та нав намуналари Emily F₁, Magnus F₁, Green flash F₁, Green Presto F₁, Astor F₁, Мишутка F₁, Тош карам, 18 MC704, Дитмаршер

Нав намуналар	Карамбош ўрай бошлагунча, кўчат экилгандан (кун)	Карамбошлар етилгунча кетган кун, кўчат экилган кундан бошлаб (кун)	1 та карамбошнинг ўртача вазни (грамм)
Emily F ₁	29-30	55-60	1200
Magnus F ₁	24-25	55-60	1130
Green flash F ₁	24-25	55-60	1180
Green Presto F ₁	24-25	55-60	853
Тош карам	24-25	125-130	879
18MC 704	29-30	125-130	930
Дитмаршер фрюер	29-30	55-60	1240
Astor F ₁	29-30	55-60	840
Тошкент 10	24-25	75-80	1120
Golden Acre	24-25	55-60	1210
Мишутка F ₁	24-25	75-80	890

№	Вариантлар	Қуруқ модда, %	Қанд миқдори, %	Витамин С, %	Нитрат, мг/кг
1.	Emily F ₁	7,4	3,7	40,5	156
2.	Magnus F ₁	7,8	4,0	47,8	183
3.	Green Presto F ₁	8,4	3,9	41,8	259
4.	Дитмаршер фрюер	8,1	3,5	39,5	124
5.	Astor F ₁	7,0	4,0	41,6	87,7
6.	Тошкент 10	6,3	3,5	38,4	210

фрюер, Тошкент 10, Golden acre республикамизнинг кучсиз шўрланган тупроқ-иқлим шароитига мослашиб, карамбош ўради ва юқори натижа кўрсатди.

Алишер ШОКИРОВ,
ТошДАУ доценти, қ.х.ф.д.,
Мирзагуль ЖАДИГЕРОВА,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнология институти докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Б.Ж.Азимов ва Б.Б.Азимовнинг "Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси".
2. В.Ф.Беликнинг "Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве". "Методические указания по экологическому испытанию овощных культур".
3. И.Е.Китаева, В.И.Орлова. "Белокочанная капуста" М-1980, Россельхозиздат.
4. Ибрагимов М.Ю. в.б. "Қарақалпақстан шەраятинда баў-бақша ҳам палыз өнимлерин жетистириў усыллары". Некис «Қарақалпақстан» 2009.

УЎТ: 621.311

ТАДҚИҚОТ

ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ГИДРОЭНЕРГЕТИК МАЖМУАЛАРНИ БАРПО ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

The article presents proposals for the creation of hydropower complexes in the water management systems of the Republic of Uzbekistan. Schemes for the creation of hydropower complexes at the Tuyamuyun hydro complex, Talimjarjan and Arnasay reservoirs and their energy efficiency are given.

Республикамизда суғорма деҳқончиликини ривожлантиришда йирик, кенг қамровли сув хўжалиги тизимидан фойдаланилмоқда.


Сув хўжалик объектларининг самарадорлигини оширишда улардан мукамал, ҳар томонлама фойдаланиш катта

аҳамиятга эга. Бу масалани ҳал қилиш йўналишларидан бири гидротехник иншоотлардан сув энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланишдир.


Ҳозирги пайтда республикамизда йилдан-йилга энергия истеъмол қилиш миқдори ошиб бормоқда. Ишлаб

чиқарилаётган электр энергиясининг аксарият қисми (85%) иссиқлик электр станциялари орқали амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, республика сув ҳўжалиги тизими иншоотларида бир йилда 8 млрд. кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти бор. Лекин бу имкониятдан деярли фойдаланилмаяпти.

Сув оқимининг гидравлик энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланишда бу ишга кам харажат сарф қилиниши экологик нуқтаи назардан тоза эканлиги билан ажралиб туради. Айниқса, ишлаб турган гидротехник иншоотлар (сув омборлари, насос станциялар, гидроузеллар) имкониятларидан бу мақсадда фойдаланиш янги гидроэлектр станциясини қуриш харажатларига нисбатан 4 – 6 марта арзонга тушади.



1-расм. Туямўйин гидроэнергетик мажмуаси схемаси.



3-расм. Арнасой гидроэнергетик мажмуаси схемаси.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2947-сонли [1] ва 2017 йил 26 майдаги «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури

тўғрисида»ги ПҚ-3012-сонли қарорлари [2] ҳамда 2020 йилдаги «2020-2030 йилларда Ўзбекистонни электр энергияси билан таъминлаш концепцияси» [3] ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Ушбу Қарор ва концепцияга кўра республикада 2030 йилга қадар электр энергетикаси тармоғидаги қайта тикланувчан энергия манбалари асосидаги электр станциялар қувватини 25% етказиш мўлжаллангани ҳолда умумий қуввати 8 400 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги янги электр станциялар (қуёш, шамол ва гидроэлектр станциялар) қуриш режалаштирилган.

Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш учун йирик гидротехник иншоотларни ўз ичига олган энергетика ва суғориш мақсадларида фойдаланиладиган гидроэнергетик мажмуаларни барпо этиш лозим [4, 5].



2-расм. Талимаржон мажмуаси схемаси.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда шундай гидроэнергетик мажмуаларни Туямўйин гидроузелида (1-расм), Талимаржон (2-расм) ва Арнасой сув омборларида (3-расм) барпо этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [4, 5].

Туямўйин гидроузелида, Талимаржон ва Арнасой сув омборларида гидроэнергетик мажмуаларни яратиш натижасида [6]:

Туямўйин гидроэнергетик мажмуасида 3 та ГЭС, 5 та кичик ва ўрта қувватли ГЭСлар барпо этилади ҳамда йилига қўшимча 350 ГВт·соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади (1-расм);

Талимаржон гидроэнергетик мажмуасида 1 та ГЭС ва 1 та ГЭСлар барпо этилади ҳамда йилига қўшимча 50 ГВт·соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади (2-расм);

Арнасой гидроэнергетик мажмуасида 4 та ГЭС барпо этилади ҳамда йилига қўшимча 350 ГВт·соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади (3-расм).

Муродулла МУХАММАДИЕВ,

т.ф.д., профессор,

Курбон ДЖУРАЕВ,

PhD, доцент,

Санжар ЖУРАЕВ,

PhD, доцент,

Аслиддин ЭРГАШЕВ,

магистр,

Тошкент давлат техника университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сонли қарор «2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли қарори «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида».

3. Концепция обеспечения Узбекистана электрической энергией на 2020-2030 годы.

4. Васильев Ю.С., Елистратов В.В., Мухаммадиев М.М., Претро Г.А. Возобновляемые источники энергии и гидроаккумулирование: Учебное пособие – СПб: СПбГТУ, 1995. – 102 с.

5. Мухаммадиев М., Уришев Б.У., Мамадиёров Э.К., Джураев К.С. Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Монография – Т.: ТошДТУ, 2015, 162 с.

6. Джураев К.С. Выбор и обоснование параметров гидроаккумулирующих электростанций и условий их использования в энергосистеме Узбекистана: автореферат дис. доктора философии по техническим наукам: 05.05.06 – Ташкент, 2021. – 49 с.

УЎТ: 628.543: 502

ТАДҚИҚОТ

ИНДИВИДУАЛ ОҚОВА СУВ ТОЗАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИГА МОСЛАБ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

На сегодняшний день в нашей стране обостряются экологические проблемы, связанные со сточными водами, одной из основных причин которых является неполный охват населения канализационными системами. В результате усиливается негативное воздействие на открытый водоем и окружающую среду в результате прямого сброса сточных вод без полной очистки.

Today, environmental problems related to sewage are growing in our country, one of the main reasons for which is the incomplete coverage of the population with sewerage systems. As a result, the negative impact on the open water basin and the environment is increasing as a result of the direct discharge of wastewater without complete treatment.

Бугунги кунда сув ҳавзасини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини тежаш ҳамда инсонларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлатимиз томонидан сув таъминоти ва канализация тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Сув ҳавзаларида экологик муаммо юзага келишининг сабабларидан бири, сув таъминоти ва канализация тизимлари параллел равишда лойиҳалаб қурилиш ишлари олиб борилмаслигидандир. Инсон фаолияти давомида ҳосил бўладиган маиший оқова сувларни йиғиш, талаб этилган даражада тозалаш ва тозаланган сувлардан самарали фойдаланиш бугунги кунда асосий масалалардан биридир. [1]

Барчамизга маълумки, оқова сув тозалаш иншоотлари биологик усулда оқова сувни тозалашга мўлжалланади. Бунда аэротенкдаги биологик тозалаш жараёнини асосий ижрочилари бўлган фаол лойдан (активный ил) фойдаланилади. Фаол лой таркибида фойдали кичик хужайралар мавжуд бўлиб уларни доимий озуқа билан таъминлаш, оқова сувни тўла тозалаш жараёнидан ўтказиш мақсадида қурилманинг сув қабул

қилиш камерасидаги оқова сувни эрлифт ёрдамида бир хил ҳажмда тортиб аэротенкга ташлашни таъминлаш лозим. Шу усул билан оқова сув ташлашдаги кескин нотекисликни бир хилликга туширишга, ва оқова сувни тўла тозалашга эришилади. Акс ҳолда, оқова сув тўла тозаланмасдан чиқиб кетади. [2]

Қишлоқ ҳудудларига марказлашган канализация тизимларини қуриш иқтисодий жиҳатдан қиммат ҳисобланади, шунинг учун локал ва индивидуал оқова сув тозалаш қурилмаларини бизнинг юртимиз шарт-шароитларига, иқлимга ва истеъмол маданиятимизга мослаб ишлаб чиқариш, қўллаш орқали юзага келаётган муаммоларни бартараф этишимиз мумкин, буниг учун қишлоқ ҳудудларидаги аҳолимиздан ташланаётган оқова сувлар оқизилишининг соатлик ва суткалик графигини аниқлашимиз, оқова сув таркибини таҳлил қилишимиз лозим.

Хорижда ишлаб чиқарилаётган локал оқова сув тозалаш қурилмасини тўғридан-тўғри қўллаш тўла самара бермайди, чунки бизнинг иқлим шароитимизда, истеъмол маданиятимизга ва оқова сув таркибидаги айрим элементларнинг мавжудлиги бунга тўсқинлик қилади.

Бугунги кунга қадар хорижда ишлаб чиқарилган индивидуал оқова сув тозалаш қурилмалари юртимизда кенг қўлланилмаётганлигининг асосий сабаблари қуйидагилар:

- оқова сув таркибининг ўзгарувчанлиги;

- қурилма, оқова сув қабул қилиш чегарасининг пастлиги юқорига ва пастга 20% ни ташкил этади, яъни қурилмага лойиҳавий қувватидан 20% дан кам ташланса, оқова сув тозалаш жараёни бузилади, агар оқова сув ташлаш ҳажми меъёридан 20% дан ортиқ ташланса, оқова сувни тўла тозалай олмайди [3, 4];

- оқова сув қабул қилиш динамикасининг пастлигидир.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тумандаги мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2020 йил 28 майдаги 1-сон (31/1-2071) ва 2020 йил 14-июндаги 2-сон (01-31/1-2071) баёнида келтирилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Бўстонлиқ туманида 5 та индивидуал оқова сув тозалаш қурилмаси ўрганишлар асосида ишлаб чиқариб, аҳоли хонадонига ўрнатилди. [5]



1-расм. Бир хонадондан баҳор-ёз мавсумида индивидуал оқова сув тозалаш қурилмасига ташланаётган оқова сувнинг соатлик графиги.



2-расм. Бир хонадондан куз-қиш мавсумида индивидуал оқова сув тозалаш қурилмасига ташланаётган оқова сувнинг соатлик графиги.



3-расм. Бир хонадондан индивидуал оқова сув тозалаш қурилмасига йиллик ташланаётган оқова сувнинг соатлик графиги.

Қурилмани ишлаб чиқаришдан олдин ҳудуддаги аҳолидан ташланаётган оқова сувнинг графиги ишлаб чиқилди, яъни 10 киши истикомат қиладиган хонадондан ташланаётган оқова сувнинг бир суткадаги соатлар кесимида истеъмолчилар томонидан ташланадиган сув миқдорини мавсумга бўлган ҳолда ўлчаб, шу асосида график ишлаб чиқилди, ўрганишлар шуни кўрсатдики, оқова сувнинг тармоққа ташланиш ҳажмига қараб иккига бўлиниши маълум бўлди, яъни баҳор-ёз ва куз-қиш мавсумига бўлиниб, оқова сув ташлаш графиги кескин фарқ қилиши аниқланди. (1-расм)

Жадвалдан кўриниб турубки, баҳор-ёз ойларида аҳоли томонидан каналлизация тармоқларига ташланаётган оқова сувнинг динамикаси кескин ўзгарувчан. Бунга аҳоли бу мавсумда асосий вақтини қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва чорвачилик каби иш фаолияти билан банд бўлиб, турар-жой хонадонларида кам истикомат қилиши асосий сабаб ҳисобланади.

Бу мавсумда аҳоли, асосан, ўз вақтини уйда ўтказганлиги сабабли оқова сув ташлаш динамикаси кескин ўзгармайди.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, республикамиз шароитига мослаб локал ва индивидуал оқова сув тозалаш иншоотларини ишлаб чиқишда оқова сув тозалаш иншоотларидаги биологик жараён циклининг ўзгаришларсиз ёки тўхталишларсиз ишлаши учун сув ташлаш графигидаги кескин ўзгаришларни инобатга олган ҳолда иш олиб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўпгина вилоят, туманларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туманлардаги мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги баёнида келтирилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, туризмни ривожлантириш экологик ҳолатни сақлаш, ерости ва ерусти сувларини ифлосланишининг олдини олиш юзасидан тегишли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб индивидуал оқова сув тозалаш қурилмаси ўрганишлар асосида ишлаб чиқариб, аҳоли хонадонига ўрнатилди.

Юқоридаги графикдан кўриниб турибдики, чекка ҳудудлардаги хонадонлардан ташланаётган оқова сувнинг оқими ва миқдори ўзгарувчан, шунинг учун индивидуал оқова сув тозалаш қурилмаларини танлашда кескин ўзгарувчан муҳитда ҳам тозаланиб чиқаётган оқова сувнинг сифатига таъсир кўрсатмайдиган қурилма ишлаб чиқишимиз лозим. Ҳамда юртимизда экологик муаммолар

кескинлашишининг олдини олиш учун ҳам оқова сув тизимлари етиб бормаган ҳудудларга локал ва индивидуал қурулмаларидан тўла фойдаланишни жорий этиш лозим.

Қурилманинг яна бир қулай жиҳатларидан бири тозалаш жараёнидан ўтган сувдан самарали фойдаланиш мақсадида экинларни суғоришда фойдаланиш мумкинлигидадир. Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш барча соҳа вакилла-

рининг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Баҳодир МАШРАПОВ,
Наманган муҳандислик-қурилиш
институтини докторанти,
Акмалжон ҚУДРАТОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш
институтини доценти, к.ф.д.,
Даниер АХУНОВ,
Наманган муҳандислик-қурилиш
институтини доценти, т.ф.н.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сон фармони 25.09.2020 йил.
2. ҚМҚ2.04.03-19. Канализация. Ташқи тармоқлар ва қурилмалар.
3. Д.Б. Ахунов, Б.О. Машрапов. Разработка локальных систем очистки бытовых сточных вод малой мощности в Узбекистане. “Молодой Учёный”, №2 (344) 2021 г. -С. 32–36.
4. Елена Хохрякова. Локальные очистные сооружения для загородного дома. -Москва-2014. 36-58-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тумандаги мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2020 йил 28 майдаги 1-сон (31/1-2071) ва 2020 йил 14 июндаги 2-сон (01-31/1-2071) баёни.

УДК: 631.11.67.03

ИССЛЕДОВАНИЕ

ИЗУЧЕНИЕ ПОЧВЕННО-МЕЛИОРАТИВНЫХ УСЛОВИЙ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Maqolada Farg‘ona viloyatining tuproq-meliorativ holatiga oid tadqiqotlar keltirilgan. Farg‘ona viloyati tumanlarida sug‘oriladigan yerlarning mexanik tarkibiga ko‘ra taqsimlanishi bo‘yicha tahlil qilingan ma‘lumotlar keltirilgan.

The article presents research on soil and reclamation conditions of the Fergana region. The analyzed data on the distribution of irrigated lands according to the mechanical composition in the districts of the Fergana region are given.

Рассматриваемый район — Ферганская область очень хорошо изучен в почвенно-мелиоративном отношении. В разные годы здесь велись работы многими исследователями по изучению почвенно-мелиоративных условий Ферганской области. Территория Ферганской области занимает площадь 799,2 тыс. га, из которых 553,7 тыс. га составляет мелиоративный фонд, пригодный для орошения, остальные 245,5 тыс. га, представляющие собой горы, пески и т.д., отнесены к категории непригодных. Орошаемые земли занимают 357,9 тыс. га (нетто). [1]

Для Ферганской области характерно развитие зон от пустынной до пырейно-разнотравной степи — темных сероземов, в которых сосредоточены основные массы поливного земледелия. Сероземы развиты преимущественно на лесовых равнинах и адырах. Сероземы, развитые на лессах, отличаются более рыхлым сложением, чем на лессовидных аллювиально-пролювиальных отложениях. Их механическому составу свойственны пылеватость и отсутствие песчаной фракции, которая больше всего находится в светлых сероземах. Светлые сероземы на лессах, как правило, на адырах

и пролювиальных шлейфах средне- и маломощные. 70 % этих почв гидроморфные. Грунтовые воды — от пресных до слабоминерализованных. Светлые сероземы все орошаемые, незасоленные, не гипсированные. Содержание гумуса составляет 0,5-1,2 %, азота 0,06-0,1 %.

Типичные сероземы по механическому составу относятся к крупно-пылевато-тяжелосуглинистым разновидностям. Преобладающей фракцией является крупная пыль 40-45 %. Содержание фракций мелкого среднего песка значительно меньше, чем в светлых сероземах, а иловатых частиц больше. Содержание гумуса составляет 1,2-1,6 %, азота 0,07-0,09 % в пахотном горизонте, в подпахотном 0,6-1,2 %. Темные сероземы, как и типичные, распространены на аллювиально-пролювиальных и задырных равнинах, средне- и маломощные, скелетные незасоленные и орошаемые. Содержание гумуса в лугово-сероземных почвах повышенное, окраска более темная, структура хорошо выраженная, зернистая. В нижней части гумусового горизонта — крупнозернистая. Огненные горизонты плотные, слитные и очень вязкие. Засоление и гипс отсутствуют. Аллювиальным луговым почвам свойственно

Таблица 1.

Распределение орошаемых земель по механическому составу

Административные районы	Орош. площадь нетто, тыс.га	Механический состав			
		Песчан. и суглинистые	Легко- и среднесуглинистые (пылеватые)	Тяжелосуглинист., суглинистые	Глинистые и резкослонистые
Алтыарыкский	23,8	13,4	2,2	8,2	
Ахунбабаевский	27,5	6,9	11,7	8,0	0,9
Багдадский	24,7	9,7	-	12,5	2,5
Бувайдинский	20,4	11,5	2,9	1,4	4,6
Бешарыкский	30,3	16,5	0,4	8,4	5,0
Дангаринский	23,6	10,2	2,6	10,8	-
Кувинский	24,9	5,7	-	19,2	-
Риштанский	24,8	9,8	-	15,0	-
Сохский	4,5	3,0	-	1,5	-
Ташлакский	18,6	5,3	1,0	12,3	-
Узбекистанский	26,4	16,7	1,8	7,9	-
Учкуприкский	21,0	16,5	-	4,5	-
Ферганский	34,3	23,9	-	10,4	-
Фуркатский	18,5	7,6	3,5	5,9	1,5
Язьяванский	20,9	1,8	4,6	14,5	-
Кувасай с пригор.	13,7	8,7	-	5,0	-
Итого по области	357,9	167,2	30,7	145,5	14,5

частое чередование слоев различного механического состава. Преобладающая фракция этих почв, как и в сероземах – крупная пыль. Этим почвам свойственно агрегированное состояние мелкозема. В связи с этим они меньше, чем сероземные почвы подвержены коркообразованию. Содержание гумуса в пахотном слое 1,7-1,8 %. Распределение орошаемых земель по механическому составу представлено в таблице 1. Из таблицы видно, что в целом по области преобладают почвы с песчаным, суглинистым, легко- и среднесуглинистым механическим составом. Среднесуглинистые почвы характеризуются наиболее оптимальными водно-физическими механическими свойствами, они достаточно влагоемки и водопроницаемы, хорошо промываются и обрабатываются сельскохозяйственными орудиями.

Песчаные, суглинистые и легкосуглинистые почвы мало влагоемки, быстро просыхают, легко подвергаются водной и ветровой эрозии. Требуется очень строго поливного режима.[2]

Тяжелосуглинистые почвы характеризуются рядом неблагоприятных водно-физических и механических свойств. Почвы с таким мехсоставом тяжело промывать от солей, а также тяжело поддаются обработке, плохо просыхают и аэрируются. При высыхании образует плотную корку.[3]

По области объемный вес варьируется от 1,17 до 1,42 г/см³ на серо-бурых и от 1,33 до 1,42 г/см³ на лугово-оазисных почвах. Объемный вес зависит от уплотненности почвенного горизонта и содержанием перегнойного вещества.

Удельный вес зависит от минералогического и петрографического состава, а также от содержания органического вещества. Удельный вес колеблется от 2,69 до 2,80 г/см³ (слой от 0 до 120 см).

Порозность почв играет огромную роль в ее водном, воздушном, термическом и пищевом режиме. Она определяет влажность, фильтрацию и водоподъемную способность и аэрацию почв. Порозность почв изменяется в пределах 47-58%, что связано с механическим составом, плотностью сложения и гумусированностью почв.

Зулфия МИРХАСИЛОВА,
доцент, PhD, НИУ «ТИИИМСХ»,
Мурат ЯКУБОВ,
д.т.н, профессор, НИИИВП,
Гулнорой АХМЕДЖАНОВА,
ассистент, НИУ «ТИИИМСХ»,
Донобуви АТАЖАНОВА,
магистр, НИУ «ТИИИМСХ».

ЛИТЕРАТУРА

1. Мухамеджанов Ш.Ш. (2001) Районирование КДВ по условиям формирования и режиму распределения его объема и качества «Проблемы устойчивого управления водными ресурсами в бассейне Аральского моря на рубеже XXI века». Стр. 171-182.
2. Усманов А. У., Бекмуратов Т. У. (1982) Выбор и обоснование мелиоративного режима почв в условиях дефицита оросительной воды//Сб. научных трудов САНИИРИ. 1982 г., вып. 166. С. 10-23.
3. Z. Mirkhasilova, M Yakubov. L. Irmukhomedova. (2021) Irrigated of the cultivated area with groundwater from vertical drainage wells. E3S Web of Conferences 264, 01015 CONMECHYDRO.



КЎПЛАРГА УСТОЗЛИК ҚИЛГАН ДЕХҚОН ОТАМ

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Алишер НАВОИЙ.

Падари бузрукворим Абдулҳақ Тоиров 1914 йилда туғилган, ҳаёт тақозоси билан 16 ёшида меҳнат фаолиятини бошлаган. Аввал оддий колхозчи, сўнгра табелчи, хўжалик мудир вазифаларида ишлаган. Вақти келиб, Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникуми, Самарқанд мева-сабзавотчилик техникуми ва Тошкент Олий партия мактабини битирган...

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзининг минглаб ўғлонларини фронтга жўнатган, армияга қурол-яроқ ва аслаҳа етказиб бераётган ўзбек халқи жангчиларни озиқ-овқат билан ҳам таъминлаб туриши, бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўплаб етиштириши лозим эди. Бу борада ташкилотчи, изланувчан, ташаббускор, ғайратли кадрлар кераклигини тушунган туман, вилоят ва республика раҳбарияти қишлоқ хўжалигига деҳқончиликни кўзини биладиган кадрларни йўналтирар эди. Раҳбарлик қилиш учун жанггоҳлардан қайтиб келган ногиронлар билан бир қаторда, қобилиятли ёшлар ҳам жалб қилинди.

Ҳалокат пайтида оёғи майиб бўлган Абдулҳақ Тоиров 1942 йилнинг августидан ҳозирги Зангиота туманидаги "XVIII партсъезд" жамоа хўжалиги бошқаруви котиби бўлиб ишлай бошлаган. Бир оёғи жароҳатланган ёш котиб, бошқарув идорасида ўтириб, қоғоз қоралаш билан чегараланмай, хўжаликнинг муаммоларини ўрганди, уларни бартараф этиш ва қолоқликдан чиқиб олиш учун нималар қилиш лозимлиги устида ўйлай бошлади. Кўп муаммоларнинг қалити, энг аввало, колхозчиларни моддий рағбатлантириш эканлигини тушунди.

Котиб одамларнинг оғир ҳаётини енгиллаштириш мақсадида давлат томонидан белгиланган режа ва мажбуриятлардан ортиқ ишлаб чиқарилган ғалла, сабзавот, картошкани меҳнаткашларга тақсимлаб беришни таклиф этди ва жамоа раҳбариятини бунга кўндирди. Унинг ташаббуси билан фарзандлари урушда ҳалок бўлган қариялар, боқувчисиз қолган оилаларга шахсий томорқаларида маҳсулот (ғалла, сабзавот, полиз) етиштиришга ёрдам (ерни ҳайдаш, уруғлик, сув билан таъминлаш) бериш йўлга қўйилди. Бу билан эл эътиборини қозонди. Натижада, 29 ёшида мазкур жамоа хўжалиги раиси этиб, яна бир муддатдан кейин

эса шу тумандаги М.Горький номидаги жамоа хўжалигига раис этиб сайланди. У раҳбарлик қилган етти йил давомида бу хўжалик барқарор ривожланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалари муттасил бажариб келинди. Ижтимоий-маданий қурилишлар (мактаб ва боғча бинолари, ички йўллар ва ҳоказолар) амалга оширилиб, одамлар ҳаёти бирмунча яхшиланди.

Хўжалик раиси, туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи вазифаларида тажриба орттирган Абдулҳақ Тоиров, кейинчалик Тошкент вилоятининг Бўка, Октябрь туманларида ижрокўм раиси, Чиноз тумани партия кўмитаси котиби, "Партия XXI съезди" совхоз директори лавозимларида ишлади. Шунинг қайд этиш керакки, мазкур совхоз тўртта колхоз бирлаштирилиши натижасида вужудга келган. Бу қўшилган жамоалар ичида, А.Тоиров бир пайтлар раислик қилган Максим Горький номли хўжалик ҳам бор эди. Абдулҳақ ака хўжаликка раҳбарлик қилар экан, унга мазкур хўжаликда турли лавозимларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик дарғалари бўлган Қирғизбой ота Абдувалиев, Мизроп ака Камолов, Раҳим ака Дадахўжаев, Абдурахим ака Шерматов, Ғофур ака Одилов яқиндан ёрдам беришарди. Булар қаторида ёш, изланувчан бригадир Раҳматилла Қамбаров ҳам бор эди. Вақти келиб, У "Меҳнат қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди...

Тошкент шаҳри аҳолисини йил давомида мева-сабзавот билан таъминлаш масаласи доим долзарб бўлган. Шунинг учун бир қатор раҳбар лавозимларда муваффақиятли фаолият кўрсатиб, туман, вилоят, республика раҳбарларининг назарига тушган, деҳқончилик билимдони Абдулҳақ Тоиров 1966 йилда янги ташкил этилган "1-сонли Қўйлиқ иссиқхона комбинати"га директор этиб тайинланди.

"1-сонли Қўйлиқ иссиқхона комбинати"нинг қурилиши бўйича 1966 йилда Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг қарори чиққан бўлиб, унга кўра 2 гектар ер ажратилган ва иссиқхона 1967 йилнинг бошида ўз фаолиятини бошлаган.

Бугунги кунда мамлакатимизда барпо этилаётган кўплаб боғ-роғларни, иссиқхоналарни кўрар экансиз, албатта, уларни ташкил этишда қатнашган, бу ишларни ташаббусқори бўлган олим ва му-

тахассислар, оддий деҳқон ва фермерлар кўз олдингизга келади. Шунда, авваламбор, академик Махмуд Мирзаев, Тошкент лимонарийси асосчиси фахрий академик Зайниддин Фахриддинов, таниқли селекционер олим Карим Юсупов каби эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонган инсонларни эсга оламиз. Улар қаторида "Қўйлиқ иссиқхона комбинати"нинг биринчи директори бўлган отамиз Абдулҳақ Тоиров ҳам борлигидан биз фахрланамиз. У комбинатни ишга тушириш, фаолиятини йўлга қўйиш учун кўп куч сарфлади, тегишли мутахассисларни излаб топди, ишчилар жамоасини шакллантирди ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришди, лекин иш фаолияти даврида тўсатдан бу ёруғ оламни тарк этди...

Отамиз жуда саҳий инсон эди. Кимдир молиявий қийинчиликка дуч келса, унга, албатта, беминнат ёрдам қиларди. У бу саҳийлигидан қўнгли тўлмай: "Одамларга қўлим билан кўп бера олмадим, лекин йўлим билан кўп берганман" дерди. Отамиз одамнинг кўзларига тик қараб гапирар, тўғрисиқликни ёқтирарди. Хушфеъл ва хушмуомала, лекин ноҳақликка чидай олмас эди. Одамларга яхшилик қилишни, ҳожатини чиқаришни ўзининг инсоний бурчи, деб биларди.

Отам раҳбарлигида ишлаган кўплаб шогирдлари вақти келиб хўжаликларга, туманларга раҳбарлик қилишган, вилоят ва республика миқёсидаги ташкилотларда муваффақиятли фаолият кўрсатган. Шогирдларидан иккитаси туман раҳбари бўлиб ишлаган ва Меҳнат қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Кўп йиллардан буён комбинатга раҳбарлик қилаётган ажойиб инсон, моҳир раҳбар ва ўз ишининг билимдони Меҳриддин Аҳмедов биз билан суҳбатда "Абдулҳақ ака Тоиров вақтида 2 гектардан ўз фаолиятини бошлаган корхонамизнинг умумий майдони эндиликда 58 гектарни ташкил этади", – дейди фахрланиб.

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган ажойиб ибора бор. Дарҳақиқат, отамизни эслар эканмиз, шу ибора қайта-қайта эсимизга тушади ва бизни фахр туйғуси қамраб олади.

Махмудхон ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.

ҚОЛУР ЯХШИ НОМУ ЯХШИ ИШ

Элдошлари ғамида елиб-югуриб, қайғуриб яшайдиган инсонлар бу дунёдан ўтиб ҳам тилларда, дилларда яшайверади. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, зиёли ва маърифатпарварлари бўлади. Самимий маслаҳат ва ўғитлари, элга қилган хайрли ишлари билан ўзига ҳайкал қўйиб кетган сиймолар юртимизда анчагина. Бугун шундай инсонлардан бири хивалик Барди ҳожи Раҳимов ҳақида айтиб ўтмоқ, эсламоқни лозим топдик.



Жаҳонга маълум ва машҳур сўз устаси, аллома ва шайх бобомиз Саъдий Шерозий айтганларидек:

**Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолур яхши ному яхши иши.**

Барди Раҳимов 1927 йилнинг 3 май санасида Хива туманининг Гандимён қишлоғида Раҳимбой Маткарим ўғли хонадониди дунёга келади. Илк таълимни қишлоқдаги “Жума лаппас” номидаги мактабда олади, кейинчалик янги очилган Мунис Хоразмий номидаги мактабда ўқийди. Отаси деҳқончиликни пухта биладиган ер эгаси, халқпарвар инсон, онаси Уллибиби меҳнаткаш ва меҳрибон, пазанда аёл бўлган. Аммо машъум тақдир уни ота дийдоридан эрта айиради. 1937 йилги қатағонлар даврида НКВД ходимлари хоннинг иниси бўлган Отажон тўра ҳовлисини қамоқхонага айлантириб, хибса олишлар бошланади. 15 нафар гандимёнлик отувга ҳукм қилинади. Барди 9 ёшга тўлганда отаси Раҳимбойни ҳам дўст ва тенгқурлари билан олиб кетиб қамашади. 12 ёшга тўлган ўғил болалар Украина томонларга сургун қилиб юборилади. Катталар айбсиз бўлса ҳам, айбдор деган тамға билан оғир қийноқларга солинади. Орадан уч йил ўтгач, Раҳимбой ота ва ҳамроҳларини Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир жанггоҳларига юбориб, ўққа нишон қилишади. Ундан на хат, на хабар бўлмай, бедарак кетади. Ёшлигидан онасига рўзгор юмушларини бажаришда ёрдамчи бўлган Барди мушздай боши билан колхоз раиси Гибадуллинга фойтунчилик қилади, Болта Дўст деган бригада бошлиғига ёрдамчи, табелчи бўлиб ишлайди. Унинг қалбидаги улкан жароҳати отадан айрилиши эди. Отасининг ноҳақ қамалиши, уруш даври қийинчиликлари, очарчилик, оғир хасталиклар ва уқубатларни кўзи билан кўргани учун тез улғайди. Болаликни унутди, меҳнати билан танилди, колхоз ҳисобхонасига ишга тақлиф қилинди.

Уруш тугаганидан кейин 1946 йилда ҳамқишлоғи бўлган Ҳалима Абдуллаева билан умр йўлларини боғлади. Меҳнаткашлиги ва одиллиги билан танилган Барди Раҳимовни колхоз фермасига мудир қилиб тайинлашади. Энди у бор эътиборини чорвачилик ишларига қаратади. Тун-кун демай ферма ишларини ривожлантириш йўлидаги беоромликлари бошланади. У меҳнатдан чўчимас эди.

Меҳнатнинг эътирофини халқ эъзози деб билган Барди Раҳимов энди “Барди ферма” деган ном олади. 1964 йилда Хива қишлоқ хўжалиги техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, зоотехниклик касбини эгаллайди. Энди у соҳани фан билан боғлайди, янгиликларни ишга жорий қилади. Аста-секин унинг ютуқлари кўзга ташланиб, вилоят ва республикага танила бошлайди. Ишда янги технологияни қўллагани учун унинг фермаси республикага намуна сифатида кўрсатилади. Шу боис, 1982 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор” унвони билан тақдирланди. У 1982 йилда “Ёшлар мураббийси”, 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмасининг “Ишдаги ютуқлар ва касаба уюшмасидаги фаоллиги учун!” нишонларига ҳам сазовор бўлган.

Барди оға 40 йилдан зиёд ферма мудир бўлиб меҳнат қилди. Бир кун бўлса ҳам ишидан четга чиқа олмаган фидойи отахон 1990 йилда 63 ёшга кирганида кексалик нафақасига чикди. Шу давргача қишлоқдошларидан ёрдамини аямаган Барди ҳожи кексаликда ҳам хайрли юмушлар билан банд бўлди. Қабристонларни обод қилиш, масжид қуриш ишларига бошчилик қилди. Икки марта 1993 ва 2000 йилларда Ҳаж зиёратига бориб қайтган отахон мурувватпеша ва саховатли, ҳаммага бирдай меҳрли ва эътиборли эди. Негаки у элнинг қайғусини ўзиники деб биладиган улғу инсон эди.

2003 йилнинг 24 январь куни самимий, халқсевар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Барди Раҳимов бу ёруғ оламни тарк этди. Тумонат халқ уни кўзда ёш ва эҳтиром билан кузатиб қолди. Бу дунёга келган жами инсон эл фарзанди. Аммо Барди Раҳимовга ўхшаган фарзанд бўлиш, машаққатли ҳаёт йўлларини босиб ўтиш, куйинчаклик ва фидойилик билан яшаш, атрофдагиларга меҳр ва тарбия бериш, улардан ўз ёрдамини аямаслик фазилатлари билан умргузаронлик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳожи ота хотираси фарзандлари, неварачеваралари, ақинлари ва шогирдлари қалбда абадий яшайди.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.



Устозни хотирлаб

Вақт ҳамма нарсани даволайди, дейдилар. Бир одам оламдан ўтар экан, ортида қолган яқинларининг қалбидаги айрилиқ дарди йиллар ўтиб, енгиллашади. Баъзилар эса бир неча йиллардан сўнг бутунлай унут бўлиб кетади. Аммо шундай инсонлар борки, уларнинг вафотидан кейинги соғинч вақт ўтиши билан нафақат унутилмайди, балки кун сайин кучайиб, борган сари чуқурлашиб боради.

Ана шундай инсонлардан бири азиз ва меҳрибон устозимиз, Республикамиз қишлоқ хўжалик хўжалиги илму фани, олий таълим соҳасига катта ҳисса қўшган олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Комил Мўминов эди.

Устозимиз 1951 йил 10 сентябрда Самарқанд вилоятининг, Оқдарё тумани, Гавбанд қишлоғида ўқитувчи педагоглар оиласида туғилган. 1972 йил Самарқанд давлат университети «Биолог-ўсимликлар физиологияси» мутахассислиги бўйича тамомлаган. К.Мўминов мазкур университетда 1972-1978 йилларда «Тупроқ эрозияси» лабораториясида кичик илмий ходим сифатида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини олиб борган. 1978-1984 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Агрокимё ва деҳқончилик» кафедраси кичик илмий ходими, кафедра ассистенти, доценти, 1994-1996 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти докторанти, факултет декани муовини, 1998-2005 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Агрономия факультети декани, 2006 йилдан «Деҳқончилик ва мелиорация асослари» кафедраси мудири, «Ўсимликшунослик ва деҳқончилик» кафедраси мудири сифатида фаолият юритган.

У 1981 йилда «Эрозияга учраган ерларда минерал ўғитларни қўллашни ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1997 йилда «Бўз тупроқлар унумдорлиги ва N тобасит ҳосилдорлигини ошириш йўллари» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Олим томонидан 400 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар, 2 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 20 дан ортиқ

илмий услубий ишлар, 4 та монография чоп этилиб, 2 та патент олинган. Шунингдек, 1 та фан доктори (DSc), 6 та фан номзоди (PhD), 18 та магистр, 100 дан ортиқ бакалаврларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилган.

Унинг илмий ижоди давомида «Зарафшон воҳасида бўз тупроқлар муҳофазаси, унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш» ҳамда «Зарафшон воҳаси суғориладиган ерларида тарқалган бегона ўтлар, уларга қарши курашиш тадбирлари» мавзуларида шогирдлари билан бир нечта амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳаларда илмий тадқиқотлар олиб бориб, қишлоқ хўжалигида илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида пахта ва донли экинлардан юқори ҳосил етиштириш борасида кенг қамровли ишларни бажардилар.

Қадрли устозимиз Комил Мўминовични эслар эканмиз унинг инсоний фазилатларини алоҳида қайд этиш жоиз деб биламиз. Бундаин камтарин, одамшаванда, қалби тоза инсонлар камдан кам учрайди, десак муболаға бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида Комил ака ўзига ва шогирдларига нисбатан ўта талабчан ҳам эди. У шогирдларига қарата «илмда юзакчиликка йўл қўйиб бўлмайди», дея бот-бот қайтаришни қанда қилмасди. К. Мўминов катта, тан олинган олим бўлишига қарамай, кибрдан узоқ эди. Уларнинг барча инсоний фазилатлари фарзандлари ва набираларида бардавом бўлишига ишонамиз.

Шухрат РИЗАЕВ,
қ.х.ф.д., доцент,
Камолидин БОЗОРОВ,
қ.х.ф.д., доцент,
Саҳобиддин НУРБАЕВ,
таянч докторант.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
May №5.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan olindi,
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Республикада каврак етиштиришни ривожлантириш ва саноатлаштиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	3
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ИБРАГИМОВ. Ғўзани парваришlash мавсумини сифатли ўтказайлик.....	5
Қизилтепада энди ғўза ҳам ёмғирлатиб суғорилади	6
Р.СИДДИҚОВ. Бошоқлар донга тўлмоқда.....	7
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сохибкордан эл дастурхонига.....	8
Ч.ҚАШҚАБОВЕВА, Б.ҚОДИРОВ, Б.РАВШАНОВ, А.ХАЛБОВЕВ. Гуруч мўл бўлиши учун.....	10
З.ИШПУЛАТОВ. 2022 йилнинг ёзги суғориш мавсумида қутилаётган сув ресурслари.....	12
Тежамкорлик ва ҳосилдорлик омили	13
Ер билан тиллашиб	13
Янгиободда қойил қоладиган ишлар.....	14
Ш.НОРМУРОДОВ. Ғаллачилик кластерлари – истикболли лойиҳа	15
Бугунги амал – келгуси ҳосилга тамал	16
О.ТўРАЕВ, Н.НУРМУРОВА. Асал – бебаҳо неъмат	17
Ш.ЖАББАРОВА. Берунийнинг ёш чорвадори	19
К.ЭРҒАШЕВ. Уруғнинг сараси – ҳосилнинг баракаси	20
Теран фикрли фермерлар	21
Р.ТОҒАЛИЕВА. Фермерларнинг омади кулсин	22
Ҳ.БУРҲОНОВ. Ҳадемай дастурхон ёз неъматларига тўлади.....	23
Яйловларда кўклам қўнди	23
Қулай шароит ва имконият.....	24
Toshkent Davlat agrar universiteti "Times Higher Education: Impact Rankings 2022" xalqaro reytingida boshqa universitetlar ichida yetakchi.....	24
Б.ҲАЙИТБОВЕВ. Ҳақ қарор топганда.....	25
Н.САНИРОВ. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва "Қора иқтисодиёт"нинг асосли қушандасидир	26
И.ЭГАМОВ, Н.ЮСУПОВ. Суғориладиган ерларга мос янги истикболли кузги юмшоқ бугдой навлари	27
Д.ЮЛДАШЕВ. Чорвачиликда бентонитни қўллаш	29
С.РАСУЛОВ. Ғўзанинг оддий дурағайлаш натижасида яратилган тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари	30
Й.ҲУРМАТОВ, Ж.АХМЕДОВ. Ғўза навларининг ҳосилдорлигига агротехник ва биотик омилларнинг таъсири	31
М.КАЙПОВ, Б.ЖОЛДАСБАЕВ, А.ҚУРБАНИЯЗОВ, Ж.НУРАБАЕВ, Д.БЕРДИКЕЕВ. Влияние на урожайность хлопчатника внесение мульчи с использованием комбинированного посевного агрегата.....	33
Н.ЁДГОРОВ, Б.ХАЛИКОВ. Турли тупроқ-иклим шароитларида кузги бугдойнинг вегетация даврида суғориш тартиби ва маъдан ўғит меъёрларининг таъсири.....	34
Т.НЕМАТОВ. Кузги раис навлари уруғларининг униб чиқиши	36
М.ТУРДИЕВА, Х.БУРИЕВ, А.КАЮМОВ. Ради сохранения биологического разнообразия.....	37
А.ШОКИРОВ, М.ЖАДИГЕРОВА. Қорақалпоғистон шароитида экилган оқбош қарам (Brassica capitata) нав намуналарининг ўсиб ривожланиш динамикаси ва ҳосилдорлиги.....	38
М.МУҲАММАДИЕВ, К.ДЖУРАЕВ, С.ЖУРАЕВ, А.ЭРҒАШЕВ. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида гидроэнергетик мажмуаларни барпо этиш истикболлари	39
Б.МАШРАПОВ, А.ҚУДРАТОВ, Д.АХУНОВ. Индивидуал оқова сув тозалаш қурилмасини ўзбекистон шароитига мослаб ишлаб чиқишнинг муҳим жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш	41
З.МИРХАСИЛОВА, М.ЯКУБОВ, Ғ.АХМЕДЖАНОВА, Д.АТАЖАНОВА. Изучение почвенно-мелиоративных условий Ферганской области.....	43
М.ТОИРОВ. Қўлларга устозлик қилган деҳқон отам	45
Ш.СОДИҚОВА. Қолур яхши ному яхши иш.....	46
Устозни хотирлаб	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 30-aprel.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 30-aprel. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma № 9. Nusxasi 1300 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЪЛИМ СИФАТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



Ўзбекистон сўнгги йилларда минтақада кузатилаётган сув танқислиги оқибатларини юмшатиш учун кенг қўламда сув тежовчи технологияларга ўтмоқда. Статистик кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги 5 йилда 643 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий қилинди. Ўтган 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектарда ана шундай технологиялар ўрнатилиб, уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизига тенг бўлди.

Халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида ўн йил ичида республика бўйича суғориладиган 4,3 млн. гектар майдоннинг 50 фоизиди сув тежовчи технологияларни жорий этиш кўзда тутилган.

Албатта, сув тежовчи технологиялар (СТТ) қўлланиладиган майдонлар йилдан йилга кенгайиб бораётган шароитда, уларни ўрнатадиган, ишлатадиган, сервис хизматларини кўрсатадиган кадрларга ҳам эҳтиёж ортади. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги миллий ҳамкор ҳисобланган, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, II босқич” доирасида айнан шу масалага эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кўргазмалар, семинарлар, анжуманлар ўтказиш, тарғибот тадбирларини уюштириш билан бирга амалий ишларга ҳам қўл урилмоқда.

Бу борадаги муҳим янгиликлардан бири Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги 9 та касб-хунар коллежлари учун сув тежовчи технологиялар ўқув курсининг яратилгани, жумладан,

компетенциялар, касбий стандартлар, ўқув режалари, ўқув дастури, ўқитувчилар учун қўлланмалар ҳамда номухассис йўналишлар ва СТТ бўйича техник мутахассисликларга мўлжалланган дарсликлар ишлаб чиқишнинг якунланиши бўлди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таклифига биноан номухассисларни ўқитишга мўлжалланган 14 ва 30 модулдан иборат 40 соатлик ҳамда СТТ техниги мутахассисларини ўқитиш учун 100 соатлик иккита ўқув дарслиги тайёрланди. Иккала дарслик ҳам Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги 9 та касб-хунар коллежи ўқув режасида рининг тўлиқ қисми сифатида таълим бериш ҳамда нашр этиш учун тасдиқланди.

Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги таклифига кўра “Фермерлар мактаби” миллий ўқув курсларида “Агробанк” билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунда 2021 йил ноябридан 2022 йил декабригача 80 мингга яқин фермерни ўқитиш учун 2 соатлик СТТ модулини тайёрлашга лойиҳа томонидан ёрдам берилишига келишиб олинди. Шунга мувофиқ, сувни тежашнинг анъанавий ва инновацион усуллари ва асослари бўйича ўқув материаллари тайёрланиб, 26 нафар тренер “Фермерлар мактаби”да қатнашаётган фермерларга машғулотлар олиб бориши йўлга қўйилди. Хафтада бир марта тренерлар билан маслаҳатлашиш учун 2 соатлик онлайн вебинарлар ўтказилмоқда.

Айни пайтда лойиҳа доирасида 9 та касб-хунар коллежида СТТ бўйича лаборатория ва кўргазмали ўқув участкаларини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Б.БУРҲОНЖОНОВ.





Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz